

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

52-сон
(864)
2018 йил
31 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

987. «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар кириштиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ–508-сон Қонуни
988. «Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–509-сон Қонуни
989. «Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–510-сон Қонуни
990. «Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммалари ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (Женева, 1971 йил 29 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг

қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–511-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

991. «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг байроғи ва эмблемаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПФ–5602-сон Фармони
992. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПФ–5607-сон Фармони
993. «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ–4075-сон қарори [Кўчирма]
994. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ–4076-сон қарори
995. «Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ–4077-сон қарори [Кўчирма]
996. «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4086-сон қарори [Кўчирма]
997. «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ–4087-сон қарори
998. «Табиий газ ва электр энергияси тарифлари оширилиши шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 декабрдаги ПҚ–4088-сон қарори

Учинчи бўлим

999. «Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари Рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1065-сон қарори

Бешинчи бўлим

1000. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 7 декабрдаги 2018-81-сон «Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумот шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2074-1*)
1001. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 13 ноябрдаги 143-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (5-сонли БҲС) «Қишлоқ хўжалиги»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3106*)
1002. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 567-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-6*)
1003. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 568-мх-сон «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-9*)
1004. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 569-мх-сон «Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2170-3*)
1005. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 27 октябрдаги 34/5-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-4*)
1006. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 10/ққ, 29-ққ, 148-сон «Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2790-1*)

1007. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/20-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-1*)
1008. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/2-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-2*)
1009. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 24 декабрдаги 158, 2018-85-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3107*)
1010. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 25 декабрдаги 159-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-1*)
1011. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 23 ноябрдаги 24-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108*)
1012. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 55-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2908-1*)
1013. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 580-мх-сон «Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231-1*)

1014. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 37-сон «Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 313-2*)
1015. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 54-сон «Халқ таъбири усулларида фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3111*)
1016. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 17 декабрдаги 9-мх, 14-мх-сон «Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3112*)
1017. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 29 декабрдаги 584-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1654-2*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 22 декабрдан 31 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

987 Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 11 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **32-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақиға, шунингдек иш ҳақининг натурал қисмиға:

2019 йил 1 январға қадар бўлган давр учун — қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатға ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланган меҳнатға ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар қўшилади.

Давлат ижтимоий суғуртасига тааллуқли бўлмаган шахсларға пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақиға меҳнатға ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларға ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилади.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 25 декабрда эълон қилинган.

Ўқиш даврида тўланган стипендия пенсия сўраб мурожаат этувчининг хошишига кўра иш ҳақига тенглаштирилади.

Иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимларнинг (якка тартибдаги тадбиркор ва у томонидан ёлланган ходимнинг, деҳқон хўжалиги ва оилавий тадбиркорлик субъекти аъзосининг) пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган иш ҳақининг миқдори:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — тўланган ягона ижтимоий тўлов миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

2) **36-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет элда ёлланиб ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган иш ҳақи қуйидагича аниқланади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — тўланган ягона ижтимоий тўлов миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

3) **37-модда биринчи қисмининг:**

«а» **банди:**

биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«а) 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ходим томонидан бажарилган ҳар қандай иш, агар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса»;

иккинчи ва **учинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

«г» **банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) якка тартибдаги меҳнат ва оилавий тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан шахсий ёрдамчи хўжалиқдаги ва юридик шахс ташкил этилмаган ҳолдаги деҳқон хўжалигидаги фаолият:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда»;

4) **40-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет элда ишланган даврлар қуйидаги шартларга қўра меҳнат стажига қўшилади, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 22-модда:

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**микрофирмалар ва кичик корхоналар** — белгиланган мезонга ходимларининг сони бўйича мос келадиган юридик шахслар»;

ўн тўртинчи — ўттиз тўққизинчи хатбошилари тегишинча **ўн бешинчи — қирқинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

йигирма олтинчи хатбошисидаги «қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ» деган сўзлар «қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 23-модда:

иккинчи қисмининг 10-банди чиқариб ташлансин;

учинчи қисмининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар:

ягона ижтимоий тўлов;

автотранспорт йиғимлари»;

олтинчи қисмидаги «7 — 10-бандларида» деган сўзлар «7 ва 8-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 30-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади»;

4) **31-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ушбу Кодекса, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳамда тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш»;

5) **45-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этади»;

6) **52-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини» деган сўзлар «ягона ижтимоий тўловни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **54-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «бундан ушбу Кодекс 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилган солиқ тўловчилар мустасно» деган сўзлар «бундан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **56-модданинг:**

тўртинчи қисми:

биринчи жумласидаги «тегишли молия органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи жумласидаги «молия органларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «тегишли молия органларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **57-модданинг иккинчи қисмидаги** «тегишли молия органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **67-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш;

солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш;

бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумларни ҳисобга олиш;

камерал назорат;

хронометраж кўздан кечириш;

хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги сонининг ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг;

солиқ текширувлари;

мавзули экспресс-ўрганиш;

фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш;

акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш;

давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан олинган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш;

бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш;

солиқ мониторинги»;

11) **68-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат солиқ хизмати органларида мавжуд бўлган солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаштириш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари заруратга қараб, лекин йилига кўпи билан бир марта кейинчалик солиқ солинадиган базага тузатишлар киритиш учун солиқ тўловчида кўздан кечириш ҳамда сўров ўтказишни амалга оширишга ҳақли.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

12) **71-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«71-модда. Хронометраж кўздан кечириш

Хронометраж кўздан кечириш — хронометраж ўтказиладиган даврда тушумларнинг ҳақиқий ҳажмларини, пул тушуми суммаларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ҳажмларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган, товарларни (ишларни, хизматларни) ҳақиқий реализация ҳажмларини аниқлашга доир солиқ назоратининг шаклидир.

Пул тушумини, ишлаб чиқариш ҳажмларини ва товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ҳажмларини хронометраж кўздан кечириш товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилувчи солиқ тўловчиларда, бевосита товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойида, маҳсулот ишлаб чиқариш цехларида, шунингдек ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойларида ҳамда солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ бошқа жойларда давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари томонидан ўтказилади.

Хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш муддати етти календарь кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишнинг ҳақиқий

ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш жараёнида солиқ тўловчи томонидан реализация қилинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳамда солиқ солиш объектларининг ҳақиқий ҳажмлари камайтирилганлигини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутлар аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинади.

Давлат солиқ хизмати органининг реализация қилинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисидаги буйруғида хронометраж ўтказиладиган солиқ тўловчи, унинг идентификация рақами, хронометражни ўтказиш жойи ва муддати, давлат солиқ хизмати органининг хронометражни ўтказадиган мансабдор шахслари мажбурий тартибда кўрсатилади.

Реализация қилинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечириш ишлаб чиқариш, реализация қилиш ҳажмларини ҳамда пул маблағлари тушумини кузатиш ва қайд этиш орқали ўтказилади. Бунда хронометражни ўтказишга бошқа шахсларни, шу жумладан экспертларни жалб этишга йўл қўйилмайди.

Реализация қилинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечиришни амалга ошириш жараёнида солиқ тўловчидан ҳисобга олиш ҳужжатларини талаб қилишга, солиқ тўловчига нисбатан талаблар қўйишга ёки солиқ тўловчининг фаолиятига бошқача тарзда аралаштиришга йўл қўйилмайди, бундан солиқ тўловчидан ҳамда раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахслардан, солиқ тўловчининг бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олиш, шунингдек назорат-касса машиналарида ва тўлов терминалларида сақланаётган хронометражни ўтказиш даврига доир маълумотларни олиш мустасно.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишнинг ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечириш натижалари бўйича икки нусхадан кам бўлмаган миқдорда маълумотнома тузади. Маълумотноманинг бир нусхаси солиқ тўловчига топширилади. Солиқ тўловчи маълумотномани олишдан бўйин товлаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда маълумотномага тегишли ёзувни киритади ва маълумотноманинг бир нусхаси почта орқали буюртма хат билан солиқ тўловчига жўнатилади ҳамда у жўнатилгандан кейин уч кун ўтгач топширилган ҳисобланади ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинетига электрон тарзда жўнатилади.

Реализация қилинган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш бўйича хронометраж кўздан кечириш натижаларидан солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан электрон шаклда шакллантириш ва юритиш, шунингдек тақдим этиладиган ҳисоботларнинг ва ҳисоблаб чиқарилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий

тўловларнинг суммалари ишончлилигини солиштириб кўриш учун фойдаланилади.

Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчи фаолиятининг хусусиятлари ва мавсумий омилларни ҳисобга олган ҳолда солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган хронометраж кўздан кечириш ўтказилган даврга оид солиқ ҳисоботида акс эттирилган, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум тўғрисидаги маълумотларни товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан хронометраж жараёнида олинган тушум тўғрисидаги маълумотлар билан солиштиришни амалга оширади.

Агар хронометраж кўздан кечириш ўтказилган даврга оид тақдим этилган солиқ ҳисоботида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг камайтирилганлиги аломатлари аниқланса, давлат солиқ хизмати органлари ушбу Кодекс 70-моддасида кўрсатилган тартибда солиқ тўловчига талабнома юборади.

Солиқ тўловчида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг камайтирилганлиги такроран аниқланган тақдирда, бу ҳаракатлар солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик сифатида таснифланади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади»;

13) қуйидаги мазмундаги **71²-модда** билан тўлдирилсин:

«71²-модда. Мавзули экспресс-ўрганиш

Мавзули экспресс-ўрганиш камерал назорат натижалари бўйича жойига чиққан ҳолда солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини ҳамда солиқ тўловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёзларини қўллашнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун амалга оширилади.

Солиқ тўловчи томонидан давлат солиқ хизмати органининг камерал назорат натижаларига доир талабномасига жавобан тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини тасдиқлаш мақсадида ушбу ахборотни ўрганиш зарурлиги мавзули экспресс-ўрганишни тайинлаш учун асос бўлади.

Мавзули экспресс-ўрганишларни тайинлаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

солиқ ва божхона имтиёзларини қўллашнинг қонунийлиги;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан соф фойда тўғрисидаги ҳисоботлардаги ҳамда дивидендларни ҳисоблашдаги, шунингдек давлат унитар корхоналари томонидан соф фойдани ҳамда соф фойданинг 30 фоизи миқдоридан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ажратмаларни аниқлашдаги давлат солиқ хизмати органларидаги хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўғрисидаги бошқа мавжуд маълумотлар билан тафовутлар;

олинган ва реализация қилинган товар-моддий қимматликлар, бажарилган ишларнинг ва кўрсатилган хизматлар ҳажмларининг, номенклатурасининг (ассортиментининг) ва суммаларининг камерал назорат натижасида солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари бўйича пул маблағлари ҳаракати таҳлили чоғида аниқланган номутаносиблиги;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига ахборот тақдим этиш мажбурияти юклатилган органлар ва ташкилотлардан давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган ахборот бўйича аниқланган тафовутлар ҳамда четга чиқишлар;

валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида аниқланган қоидабузарликлар, шу жумладан ташқи савдо контрактлари бўйича импорт ва экспорт қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг ошириб юборилиши ва камайтирилиши.

Мавзули экспресс-ўрганиш фақат камерал назорат амалга оширилган солиқ даври учун амалга оширилиши лозим. Мавзули экспресс-ўрганишни амалга ошириш муддати етти календарь кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Зарур ҳолларда (фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳажмини аниқлашда, назорат ўлчовлари ва ҳоказода) мавзули экспресс-ўрганишда иштирок этиш учун ўрганиш натижасидан манфаатдор бўлмаган экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар жалб этилиши мумкин.

Ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан солиқ тўловчи томонидан даромад олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ бўлган жойларни кўздан кечириш солиқ тўловчининг солиқ хизмати органининг талабномасига жавобан тақдим этган ҳужжатларида акс эттирилган иш ўринлари сонини, товар-моддий қимматликларнинг, асосий воситаларнинг ёки бошқа мол-мулкнинг мавжудлигини тасдиқлаш мақсадида ўтказилади. Зарур ҳолларда, кўздан кечириш чоғида фото- ва видеотасвирга олиш амалга оширилиши мумкин.

Солиқ тўловчи томонидан мавзули экспресс-ўрганишга тааллуқли ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси томонидан бу тўғрисида далолатнома тузилади. Далолатнома илгари солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ахборотни ишончли эмас деб топиш учун асос бўлади.

Мавзули экспресс-ўрганиш натижалари бўйича қоидабузарликлар мавжуд бўлган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормасига ҳавола қилган ҳолда, солиқ тўловчининг тушунтиришларини инобатга олиб, аниқланган қоидабузарликлар батафсил баён қилинган маълумотномани тузади.

Мавзули экспресс-ўрганиш маълумотномасига қуйидагилар илова қилиниши керак:

ўрганишни тайинлаш учун асос бўлган мезон кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхалари;

ўрганишни ўтказиш давомида олинган ҳужжатларнинг нусхалари, шу-

нингдек ўрганиш доирасидаги ҳаракатлар бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

Солиқ тўловчига ўрганиш маълумотномаси тақдим этилган кун ёки маълумотномани солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилган сана мавзули экспресс-ўрганиш тугалланган кун деб ҳисобланади.

Мавзули экспресс-ўрганиш давомида солиқ тўловчилар ўрганиш тугагунига қадар солиққа оид ҳуқуқбузарликни мустақил равишда бартараф этишга ҳақлидир.

Мавзули экспресс-ўрганиш натижалари камерал назорат материалларига илова қилинади»;

14) **80-модданинг еттинчи қисмидаги** «бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ» деган сўзлар «бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчига реализация қилганлик учун олинadиган акциз солиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **84-модда:**

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи — ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

16) **86-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ текширувлари қуйидаги турларга бўлинади:

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувлар;

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида ўтказиладиган текширувлар.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувлар жумласига қуйидагилар киради:

солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш);

жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида ўтказиладиган текшириш ёки таваккалчиликни таҳлил этиш натижаларининг якунлари бўйича давлат солиқ хизмати органлари ташаббусига кўра текшириш.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида ўтказиладиган текширувлар жумласига қуйидагилар киради:

юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текшириш ҳамда фаолияти тугатилаётганда ягона солиқ тўловини тўловчи бўлган якка тартибдаги тадбиркорни текшириш;

тегишли рухсатномаларсиз алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилинишини текшириш;

қалбаки акциз маркали ёки акциз маркаси мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ёки реализация қилинишини текшириш;

тақиқланган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши фактларига барҳам бериш бўйича текшириш;

ўз фаолиятини расман тўхтатиб турган давр мобайнида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни давом эттираётган жисмоний шахснинг фаолиятини текшириш.

Нотижорат ташкилотларини, Ўзбекистон Республикасида доимий муасаса орқали фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентларини, шунингдек чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари ҳамда филиалларини ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган текширишлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади»;

17) **88-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг текширувини ўтказиш (тафтиш қилиш) учун қуйидагилар асос бўлади:

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг текширувни ўтказишга розилиги, ушбу розиликда текшириладиган объектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширувнинг мақсади, текширув ўтказиш муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилади;

давлат солиқ хизмати органининг буйруғи, буйруқда текширувни ўтказиш мақсади, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг текширувни ўтказишга бўлган розилиги жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида ўтказиладиган текшириш ёки тадбиркорлик субъектлари фаолияти таваккалчилигини таҳлил этиш натижаларининг яқунлари бўйича давлат солиқ хизмати органлари ташаббусига кўра текширишни ўтказиш учун асос бўлади, ушбу розиликда текшириладиган объектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширувнинг мақсадлари, ўтказилиш муддатлари ва текширувни асословчи сабаблар кўрсатилади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор этиш тартибида текширувни ўтказиш учун давлат солиқ хизмати органининг текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган буйруғи асос бўлади.

Тугатилаётган юридик шахсни ва фаолияти тугатилаётганда ягона солиқ тўловини тўловчи бўлган якка тартибдаги тадбиркорни солиқ текширувдан ўтказиш учун:

тугатувчининг ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг юридик шахс тугатилаётганлиги ва ягона солиқ тўловини тўловчи бўлган якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти тугатилаётганлиги тўғрисидаги ёзма билдириши;

давлат солиқ хизмати органининг текширувни ўтказиш мақсадлари,

муддатлари ва текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган буйруғи асос бўлади»;

18) **89-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг солиқ текширувини ўтказиш муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак.

Солиқ текшируви муддатларини узайтириш давлат солиқ хизмати органининг қўшимча буйруғи билан расмийлаштирилиб, унда олдинги буйруқнинг рўйхатдан ўтказиш рақами ҳамда санаси, текширув ўтказишга илгари жалб этилган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

Қисқа муддатли солиқ текширувини ўтказиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги керак. Бунда тегишли рухсатномаларсиз алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилинишини, қалбаки акциз маркали ёки акциз маркаси мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилишини ёки реализация қилинишини қисқа муддатли текширишларни, шунингдек тақиқланган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши фактларига барҳам бериш бўйича қисқа муддатли текширишларни ўтказиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги лозим.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг тегишли солиқ текширувини ўтказиш муддати назорат қилувчи органларнинг асослантилган талабно-маларига кўра, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг рухсатномасига биноан фақат бир марта узайтирилиши мумкин. Бунда тегишли текширувнинг узайтирилган муддати уни узайтиришнинг асосий муддатидан ошмаслиги керак.

Солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг ижроси суд томонидан тўхтатилган тақдирда, солиқ текширувини ўтказиш муддатини ҳисоблаш ҳам тўхтатилади»;

19) **96-модданинг:**

биринчи қисмидаги «учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «учинчи — бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўловчи бўлган юридик шахсларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида ҳам амалга оширилиши мумкин»;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

20) **120-модда иккинчи хатбошисининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,045 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади, агар пеняни ҳисоблаш солиқ текшируви натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилса, — 0,06 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади;

21) **128-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ солинадиган база жами даромад билан ушбу бўлимда назарда тутилган чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, мазкур Кодекс 158-моддасининг иккинчи қисмида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар ҳамда ушбу Кодекснинг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши суммалари инobatга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади»;

22) **130-модданинг биринчи қисмидаги** «қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ» деган сўзлар «қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **144-модданинг жадвалидаги:**

«**Бинолар, иморатлар ва иншоотлар**» бўлими қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Ў	Бинолар, иморатлар ва иншоотлар	
1	Бинолар, иморатлар	3
2	Нефть ва газ қудуқлари	5
3	Нефть-газ омборлари	
4	Кема қатнайдиған каналлар, сув каналлари	
5	Кўприклар	
6	Дамбалар, тўғонлар	
7	Дарё ва денгиз причал иншоотлари	
8	Корхоналарнинг темир йўллари	
9	Қирғоқни мустаҳкамловчи, қирғоқни ҳимояловчи иншоотлар	
10	Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сигимлар	
11	Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғи	
12	Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи	
13	Ҳаво кемаларининг учиниш-қўниш йўллари, йўлаклари, тўхташ жойлари	
14	Боғларнинг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари	
15	Спорт-соғломлаштириш иншоотлари	
16	Иссиқхоналар ва парниклар	
17	Бошқа иншоотлар	

«Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда» **графасидаги V гуруҳнинг 1 — 3-кичик гуруҳларидаги** «8» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин»;

24) **145-модда:**

11-бандидаги «қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини киритган ҳолда маҳсулотни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш тушуми ҳажмининг бир фоизи доирасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14-бандининг:

«**б**» **кичик банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) тасдиқловчи ҳужжатлар асосида жойни ижарага олиш учун сарфланган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан жойни банд қилиб қўйиш харажатлари»;

«в» **кичик бандидаги** «қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15) қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ амалга оширилдиган компенсация тўловлари, ушбу Кодекснинг 143-моддасида кўрсатилганлари бундан мустасно»;

21-банди «ушбу Кодекс 147-моддасининг 14 ва 15-бандларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

30-бандидаги «шунингдек соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

32-бандидаги «товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини қўшган ҳолда тушган тушум ҳажмининг 2 фоизи доирасидаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

55-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55) меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиғи ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар»;

61 — 63-бандлари қуйидаги мазмундаги **61** ва **62-бандлар** билан алмаштирилсин:

«61) ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини тўлашга доир харажатлар;

«62) бошқа харажатлар, бундан ушбу Кодекснинг 147-моддасида кўрсатилган харажатлар мустасно»;

25) **147-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«147-модда. Чегирилмайдиган харажатлар

Солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатлар жумласига қуйидагилар киради:

1) моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидаги ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар;

2) умумий овқатланиш корхоналарига ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш;

3) солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 177-моддасида назарда тутилган, жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган харажатлари;

4) дала таъминоти, хизмат мақсадида ходимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган тўловлар;

5) пенсияларга қўшимча ва устамалар;

6) ходимларга тўланадиган моддий ёрдам, бундан ушбу Кодекснинг 143 ва 145-моддаларида назарда тутилган моддий ёрдам мустасно;

7) бадаллар, хомийлик ва хайрия ёрдами тарзидаги маблағлар;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқ ҳолда атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари;

9) кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча бўлган, тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар;

10) лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборгача ташиб келтирилиши чоғида юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари, мазкур харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар;

11) айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва камомадлардан ёки зарур суммаларнинг ўрнини айбдор тараф ҳисобидан қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган зарарлар;

12) солиқ тўловчининг асосий воситалари чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) кўрилган (бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган) зарарлар, бундан ушбу Кодекс 145-моддаси 40-бандининг «е» ва «ж» кичик бандларида кўрсатилган зарарлар мустасно;

13) хўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар;

14) Ўзбекистон Республикаси норезиденти ва бошқа шахслар учун тўланган солиқлар;

15) текширувлар натижаларига кўра қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

16) солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлмаган тадбирлар (соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият тадбирлари, дам олишни ташкил этиш ва ҳоказо) учун харажатлар;

17) касаба уюшмаси кўмиталарига ёрдам кўрсатиш;

18) маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) бажариш учун харажатлар (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар)»;

26) **156-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг халқаро облигациялари бўйича даромадлар солиққа тортишдан озод этилади»;

27) қуйидаги мазмундаги **159¹-модда** билан тўлдирилсин:

«159¹-модда. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари, фоизда
1.	Юридик шахслар (2 ва 3-бандларда назарда тутилганлари бундан мустасно)	12
2.	Тижорат банклари	20
3.	Юридик шахслар: цемент (клинкер) ишлаб чиқаришни амалга оширувчилар; полиэтилен гранулалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчилар; асосий фаолият тури мобиль алоқа хизматлари кўрсатишдан иборат бўлганлар	20

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга 5 фоизли ставка бўйича солиқ солинади»;

28) **163-модда учинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

29) **169-модданинг иккинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ» деган сўзлар «ушбу Кодекснинг ХХ бўлимига мувофиқ ягона солиқ тўлови ёки қатъий белгиланган солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) **174-модданинг 1-банди** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда юридик шахслар ходимларининг чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иқлим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун иш ҳақига коэффицентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммаси ҳисоблаш санасидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида белгиланади»;

31) **180-модда биринчи қисмининг 6 ва 7-бандлари** чиқариб ташлансин;

32) **181-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«181-модда. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахснинг даромадларига, бундан дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадлар мустасно, 12 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикасининг резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга 5 фоизли ставка бўйича солиқ солинади»;

33) **183-модданинг иккинчи қисмидаги** «Йил чораги» деган сўз «Йил ойи» деган сўз билан алмаштирилсин;

34) **186-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг жорий йил 1 январидagi ҳолати инобатга олинади»;

бешинчи қисмидаги «белгиланган энг юқори ставка бўйича» деган сўзлар «ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбошисида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

тўққизинчи қисми чиқариб ташлансин;

ўнинчи ва **ўн биринчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

35) **187-модда:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) солиқ даври тугаганидан кейин ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тўлов манбаидан солиқ солинмаган моддий наф тарзида даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиш»;

2-бандидаги «йилнинг ҳар чорагида» деган сўзлар «йилнинг ҳар ойида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маълумотларда ҳисобланган қуйидаги:

меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, жисмоний шахсларнинг даромадларидан ушланган солиқ суммалари ва ҳар бир жисмоний шахс бўйича фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларига тўланган бадаллар тўғрисидаги;

мулкий даромадлар (бундан дивидендлар ва фоизлар мустасно) ва моддий наф тарзидаги даромадлар, ҳар бир жисмоний шахс бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўлов манбаида ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги ахборот акс этирилади»;

36) **188-модда биринчи қисми иккинчи хатбошисининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда, бироқ ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай»;

37) **189-модда:**

биринчи қисмининг:

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи ва **еттинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи унинг аризасига кўра ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди, бундан ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган даромадлар мустасно»;

38) 192-модда:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кўчмас мулкнинг ижара шартномаси давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилаётганда бошланғич декларация тақдим этилмайди»;

саккизинчи ва **тўққизинчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўнинчи қисмидаги «энг юқори ставка бўйича» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

39) 193-модда учинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация ёки давлат солиқ хизмати органининг хабарномаси асосида, даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасигача ҳар ойда тўлайди»;

40) 197-модда қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Алоҳида тоифадаги солиқ тўловчилар учун, акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчилар бундан мустасно, ушбу Кодекснинг 40¹-бобида белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби 2021 йил 1 январгача бўлган даврга белгиланади»;

41) 204-модданинг:

еттинчи — тўққизинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади, бундан ушбу модданинг йигирманчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Асосий воситаларни, номоддий активларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни реализация қилиш чоғида, агар ушбу модданинг ўн учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ солинадиган база уларни реализация қилиш қиймати асосида, бироқ уларнинг қолдиқ (баланс) қийматидан кам бўлмаган, қўшилган қиймат солиғи киритилмаган ҳолда аниқланади.

Мол-мулкни молиявий ижарага, шу жумладан лизингга бериш чоғида солиқ солинадиган база чиқиб кетаётган актив қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда аниқланади. Бунда чиқиб кетаётган активнинг қиймати шундай сумма сифатида белгиланадики, унга кўра молиявий ижара ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган актив сифатида тан олинади»;

ўнинчи қисми чиқариб ташлансин;

ўн биринчи — йигирма биринчи қисмлари тегишинча **ўнинчи — йигирманчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн еттинчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

йигирманчи қисмидаги «бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ» деган сўзлар «бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчига реализация қилиш чоғида тўланадиган акциз солиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

42) **208-модданинг 28-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28) ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари»;

43) **37-бобнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37-боб. Имтиёзлар. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси»;

44) қўйидаги мазмундаги **211¹-модда** билан тўлдирилсин:

«211¹-модда. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси

Агар ушбу Кодекснинг 38-бобиди бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш айланмасига 20 фоизли ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади»;

45) **218-модда:**

олтинчи қисмининг биринчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтилганда, шу жумладан белгиланган йиллик айланманинг (олинган тушумнинг) энг кўп миқдоридан ошган ва (ёки) қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий тўлашга ўтилган тақдирда, юридик шахс товар-моддий захираларнинг қолдиқлари, узоқ муддатли активлар бўйича, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўтилган пайтдан эътиборан қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади»;

қўйидаги мазмундаги **тўққизинчи — ўн учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти доирасида фойдаланиладиган кўчмас мулк сотиб олинганда, барпо этилганда, устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинганда, олувчи қўшилган қиймат солиғи суммасини 36 календарь ой давомида тенг улушларда ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Асосий воситалар, бундан кўчмас мулк мустасно ва номоддий активлар сотиб олинганда, устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида олинганда, олувчи қўшилган қиймат солиғи суммасини 12 ой давомида тенг улушларда ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қурилиши тугалланмаган объект сотиб олинганда (барпо этилганда) солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи суммасини ушбу модданинг тўққи-

зинчи ва ўнинчи қисмларида назарда тутилган тартибда, уни фойдаланишга топширган пайтдан эътиборан ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар ушбу модданинг тўққизинчи — ўн биринчи қисмларида назарда тутилган давр тугагунига қадар реализация қилинган тақдирда, ҳисобга олиниши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг қолган суммаси тўлиқ ҳисобга олинади.

Мол-мулкни молиявий ижарага, шу жумладан лизингга беришда ҳисобга киритиладиган қўшилган қиймат солиғининг суммаси тўлиқ ҳисобга олинади»;

46) **219-модданинг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) 2019 йилнинг 1 январига қадар сотиб олинган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича; тадбиркорлик фаолияти доирасида фойдаланилмайдиган ёки солиқ солинмайдиган айланма мақсадида фойдаланиладиган, сотиб олинмайдиган кўчмас мулк бўйича»;

47) **220-модданинг иккинчи қисми** «товар-моддий захиралар қолдиқлари» деган сўзлардан кейин «узок муддатли активлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

48) **222-модда биринчи қисмининг:**

8-бандидаги «товарлар» деган сўз «товарлар (хизматлар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9¹-банди чиқариб ташлансин;

10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10) реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) бўйича акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинган ҳолдаги қиймати»;

49) **223-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йил оyi ҳисобот давридир»;

50) **225-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади»;

51) **226-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўшилган қиймат солиғини тўлаш ҳар ойда кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади»;

52) қуйидаги мазмундаги **40¹-боб** билан тўлдирилсин:

**«40¹-боб. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби**

**226¹-модда. Соддалаштирилган тартибни қўллашнинг ўзига хос
хусусиятлари**

Солиқ даври давомида ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошмайдиган юридик шахслар, шу жумладан ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳисобланган юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ушбу бобда белгиланган соддалаштирилган тартибини танлаш ҳуқуқига эга.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш учун ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчилар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш тўғрисида ёзма хабарномани қуйидаги муддатларда тақдим этади:

ўтган йил якунлари бўйича ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар — жорий йилнинг 1 февралидан кечиктирмасдан;

солиқ даври давомида ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган юридик шахслар — ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан;

ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлаш истагини билдирган юридик шахслар — ҳисобот даври бошланишидан бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунга қадар.

Солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига:

ушбу модданинг иккинчи қисми иккинчи хатбошисида кўрсатилганлар — ҳисобот йилининг бошидан;

ушбу модданинг иккинчи қисми учинчи хатбошисида кўрсатилганлар — ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ойдан кейинги ойнинг бошидан;

ушбу модданинг иккинчи қисми тўртинчи хатбошисида кўрсатилганлар — ҳисобот даврининг бошидан, янги ташкил этилганлар эса, фаолиятини бошлагандан ўтади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибидан ихтиёрий равишда воз кечилганда солиқ тўловчилар ушбу Кодекснинг 35 — 40-бобларида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига ўтиш тўғрисида ёзма хабарнома тақдим этилган ойдан кейинги ойнинг бошидан ўтади.

Солиқ даври давомида ялпи тушуми уч миллиард сўмдан ошган, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солиқ тўловчилар, ялпи тушуми белгиланган меъёрий

микдордан ошган ойдан кейинги ойнинг бошидан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига ўтади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибига ўтилганда юридик шахс ушбу тартибга ўтилган пайдан эътиборан товар-моддий захираси, узоқ муддатли активлар қолдиқлари, шунингдек тайёр маҳсулот қолдиқлари бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ушбу Кодекснинг 218-моддасида белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибини қўллаётган ёки ушбу тартибга ўтган солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтишга ҳақли эмас.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солиқ тўловчилар ушбу Кодекснинг 37-бобида, бошқа қонун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган имтиёزلарни қўллаш ҳуқуқига эга.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солиқ тўловчилар товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчига тақдим этилаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммасини кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактура тақдим этиши шарт.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактура қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибини қўллаётган солиқ тўловчи учун ушбу Кодекснинг 218-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

226²-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби доирасида календарь йил солиқ даври ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби доирасида ҳисобот даври бир ой ҳисобланади.

226³-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби доирасида қуйидагилар солиқ солиш объекти ҳисобланади:

1) ушбу Кодекснинг 199 ва 200-моддаларида белгиланган тартибда аниқланадиган солиқ солинадиган оборот. Бунда ушбу Кодекснинг 38-бобида назарда тутилган, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби доирасида солиқ солинмайдиган оборот ҳисобланади.

2) ушбу Кодекснинг 201-моддасида белгиланган тартибда аниқланадиган солиқ солинадиган импорт.

Реализация қилиш обороти амалга оширилган сана ушбу Кодекснинг 203-моддасида белгиланган тартибда аниқланади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби доирасида солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан белгиланади.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби доирасида солиқ тўловчининг солиқ солинадиган базасига тузатиш киритиш ушбу Кодекснинг 205-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Солиқ солинадиган оборотлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ аниқланган солиқ солинадиган база ва ушбу Кодекснинг 226⁴-моддасида белгиланган фарқланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ушбу Кодекснинг 39-бобида назарда тутилган солиқни ҳисобга олишни қўлламастан ҳисоблаб чиқарилади.

Ушбу Кодексга асосан зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан амалга ошириладиган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган, шунингдек товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини ушбу Кодекснинг 206 ва 207-моддаларида назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда мазкур Кодекснинг 211¹-моддасида белгиланган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқаради.

226⁴-модда. Қўшилган қиймат солиғининг фарқланган ставкалари

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтган солиқ тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғининг фарқланган ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Тўловчилар	Солиқ ставкалари солиқ солинадиган базага нисбатан фоизда
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги юридик шахслар, 2 — 6-бандларда назарда тутилганлар бундан мустасно	7
2.	Қурилиш ташкилотлари	8
3.	Чакана, улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдони амалга оширадиган савдо корхоналари	6
4.	Умумий овқатланиш, меҳмонхона хўжалиги корхоналари	10
5.	Касбий хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар (аудиторлик хизматлари, солиқ маслаҳати хизматлари, консалтинг хизматлари, брокерлик хизматлари ва бошқалар)	15
6.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, реализация қиладиган юридик шахслар ўзининг ишлаб чиқариш маҳсулотлари бундан мустасно	4

Қўшилган қиймат солиғининг турли фарқланган ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ушбу фаолият турлари бўйича алохида-алохида ҳисоб юритиш ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаши керак.

226⁵-модда. Солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқ-ни тўлаш тартиби

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби доирасида қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрини тақдим этади. Ҳисобварақ-фактура шакли, уни тўлдириш тартиби, шунингдек ҳисобварақ-фактуралар реестрини юритиш шакли ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Қўшилган қиймат солиғини тўлаш ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади»;

53) 229-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган (акциз тўланадиган хизматлар) мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчилар;

бензин, дизель ёқилғисини яқуний истеъмолчиларга реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни, шунингдек газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчилар. Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида яқуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ оловчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади»;

учинчи ва **тўртинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

54) 230-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **7** ва **8-бандлар** билан тўлдирилсин:

«7) бензин, дизель ёқилғиси ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш, бундан ихтисос-

лаштирилган газ таъминоти корхоналари орқали аҳолига маиший эҳтиёжлар учун реализация қилинадиган суюлтирилган газ мустасно;

8) акциз тўланадиган хизматлар кўрсатиш»;

55) **231-модданинг:**

номи «товарларга» деган сўздан кейин «(хизматларга)» деган сўз билан тўлдирилсин;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциз тўланадиган товарлар (хизматлар) олувчига жўнатилган (топширилган) кун, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) доир солиқ солинадиган операциялар амалга оширилган санадир»;

56) **232-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қатъий ва адвалор ставкалардан ташкил топган аралаш ставкалар белгиланган, акциз солиғи тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натура ҳолидаги ҳажмидан ҳамда (агар ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса) реализация қилинган, акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиқиб аниқланади»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Акциз солиғини, қўшилган қиймат солиғини ва мобиль алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар (алоқа компаниялари) томонидан тўланадиган абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловни ўз ичига олмайдиган, акциз тўланган ҳолда кўрсатилган хизматларнинг қиймати акциз тўланадиган хизматлар бўйича солиқ солиш базаси ҳисобланади.

Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш чоғида реализация қилинган ҳамда шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натурал ҳолида ифодаланган ҳажми солиқ солинадиган база ҳисобланади»;

57) **235-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«235-модда. Акциз тўланадиган товарлар ва хизматларнинг рўйхати. Акциз солиғи ставкалари

Акциз тўланадиган товарлар ва хизматлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Акциз солиғи ставкалари товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор), натурада ифодаланган ўлчов бирлигига нисбатан мутлақ суммада (қатъий), шунингдек адвалор ва қатъий ставкалардан ташкил топган аралаш ставкада белгиланади»;

58) **236-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация

қилишда акциз солиғи суммаси реализация қилинадиган бензиннинг, дизель ёқилғисининг ва газнинг нархида ҳисобга олинади. Бензин, дизель ёқилғиси ва газдан шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланилганда акциз солиғининг ҳисобланган суммаси солиқ тўловчининг харажатлари жумласига киритилади»;

59) **237-модда** чиқариб ташлансин;

60) **239-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда солиқ давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади, бундан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилиш ҳоллари мустасно. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинганда ҳисоб-китоб автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади»;

61) **247-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фойдали қазилмаларнинг алоҳида турлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда белгиланади, лекин у ер қаъридан фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ суммасидан паст бўлмаслиги керак»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш ҳар ойда кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади»;

62) **250-моддадаги** «ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

63) **257-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ягона ер солиғини тўловчилар, агар ушбу Кодекснинг 57-бобида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса»;

64) **259-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фойдаланилган сувнинг ҳажми ушбу Кодекс 261-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиққа тортилмайдиган сув ҳажми чегирилган ҳолда солиқ солинадиган база ҳисобланади»;

65) **260-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин;

«Фаолият турлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган сув ресурсларининг ҳажми ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида

ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

66) **263-модданинг бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

67) **265-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ягона ер солиғини тўловчилар, агар ушбу Кодекснинг 57-бобида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса»;

68) **266-модда биринчи қисмининг 3-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига ушбу қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектларнинг қурилишига ваколатли органнинг рухсати олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради»;

69) **269-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектларига, бўш турган биноларга, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга, шунингдек қайси фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари бўйича улардан самарасиз фойдаланилаётганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хулоса чиқарилган бўлса, ўша объектларга нисбатан қўлланилмайди»;

70) қуйидаги мазмундаги **269¹-модда** билан тўлдирилсин:

«269¹-модда. Солиқ ставкаси

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси солиқ солинадиган базанинг 2 фоизи миқдоридан белгиланади.

Норматив муддатларда белгиланмаган жиҳозлар ва норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектларига мол-мулк солиғи, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, икки карра оширилган ставкада тўланади.

Норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари, бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар бўйича, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ушбу майдонлардан самарасиз фойдаланилаётганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилган хулоса асосида, оширилган ставкалар бўйича тўланади»;

71) **271-модданинг:**

иккинчи ва учинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўн учинчи қисмлари тегишинча **иккинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўн биринчи қисмлари тегишинча **бешинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

72) **272-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, шунингдек кўчмас мулк мулкдори вафот этган тақдирда, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир»;

73) **275-модданинг тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

74) **276-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахслар солиқ солиш объектларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланганда ёхуд бу объектлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган бинолар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади ҳамда ушбу Кодекснинг 275-моддасида кўрсатилган имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

75) **279-модда тўртинчи қисмининг учинчи** хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ягона ер солиғини тўловчилар, агар ушбу Кодекснинг 57-бобида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса»;

76) **281-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ер солиғини тўловчи ер солиғини тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширганда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган ер участкалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаганда, солиқ солинадиган база олинадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида ер солиғини тўлаш назарда тутилган фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

77) **283-модда:**

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари, бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашган ер участкалари бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғи улардан самарасиз фойдаланилаётганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилган хулоса асосида, оширилган ставкалар бўйича тўланади ҳамда ушбу Кодекснинг 282-моддасида кўрсатилган имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди»;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

78) **285-модданинг бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

79) **286-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер солиғини тўлаш:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ер солиғи йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида, ҳар чорак биринчи ойининг 10-санасигача;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ер солиғи йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида, ҳар ойнинг 10-санасигача»;

80) **XIV бўлим** чиқариб ташлансин;

81) **51-бобнинг номидаги** «ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

82) **305-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

ушбу Кодекснинг 311-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ ягона ижтимоий тўловни тўлайдиган айрим тоифадаги жисмоний шахслар»;

83) **306-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объектидир. Бунда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахслар учун ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объекти уларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилгунига қадар охириги иш жойи бўйича олинган, Ўзбекистон Республикасида бюджет муассасалари ходимлари учун иш ҳақи оширилиши ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

84) **307-модданинг биринчи қисмидаги** «ва суғурта бадалларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

85) **308-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ижтимоий тўлов қуйидагиларга нисбатан ҳисобланмайди:

1) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммаларга;

2) қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга:

давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари;

3) акциядорлик жамиятларининг бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган чет эллик ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига;

4) пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган жисмоний шахслар томонидан бу ишларни бажарганлик учун олинадиган даромадларга»;

86) қуйидаги мазмундаги **308¹-модда** билан тўлдирилсин:

«308¹-модда. Ягона ижтимоий тўлов ставкалари

Агар ушбу Кодекснинг 311-моддасида ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ягона ижтимоий тўлов ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари, фоизда
1.	Бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар; қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсга тегишли бўлса, ўша юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари	25
2.	1-бандда назарда тутилмаган бошқа тўловчилар	12

»;

87) 310-модданинг:

номидаги «ва суғурта бадалларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ижтимоий тўлов солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ижтимоий тўлов иш берувчининг ва айрим тоифадаги жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмларидаги** «Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг», «ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларига», «Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини» деган сўзлар тегишинча «Ягона ижтимоий тўловнинг», «ягона ижтимоий тўловга», «Ягона ижтимоий тўловни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

88) 311-модда:

номидаги «суғурта бадалларини» деган сўзлар «ягона ижтимоий тўловни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ижтимоий тўлов солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар мажбурий тартибда қуйидагича тўланади»;

5-бандидаги «суғурта бадалларининг» деган сўзлар «ягона ижтимоий тўловнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган жисмоний шахслар йилига энг кам ойлик иш ҳақининг камида бир баравари миқдорда ягона ижтимоий тўлов тўлайди. Бунда деҳқон хўжалиги раҳбари ягона ижтимоий тўловни мажбурий тартибда тўлайди, бошқа аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тўлайди. Белгиланган миқдордаги ягона ижтимоий тўловнинг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг ва жисмоний шахснинг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади»;

учинчи қисмидаги «суғурта бадалини», «суғурта бадалининг», «суғурта бадалларини» деган сўзлар тегишинча «ягона ижтимоий тўловни», «ягона ижтимоий тўловнинг», «ягона ижтимоий тўловни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи — олтинчи қисмларидаги «Суғурта бадалларини», «суғурта бадалларининг», «суғурта бадалларини» деган сўзлар тегишинча «Ягона ижтимоий тўловни», «ягона ижтимоий тўловнинг», «ягона ижтимоий тўловни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «суғурта бадалларини» деган сўзлар «ягона ижтимоий тўловни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи — ўн тўртинчи қисмларидаги «суғурта бадалларини», «Суғурта бадалларини», «суғурта бадалини» деган сўзлар тегишинча «ягона ижтимоий тўловни», «Ягона ижтимоий тўловни», «ягона ижтимоий тўловни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

89) **52-боб** чиқариб ташлансин;

90) **54-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«54-боб. Автотранспорт йиғимлари»;

91) **320-модданинг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«320-модда. Автотранспорт йиғимларининг турлари»;

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Автотранспорт йиғимлари жумласига қуйидагилар киради»;

92) 348-модданинг:

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи — бешинчи қисмлари тегишинча **иккинчи — тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

93) 349-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзига нисбатан солиқ солишнинг содалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, агар ушбу Кодекснинг 373-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади:

ушбу Кодекснинг 165-моддасида назарда тутилган тартибда тўлов манбаида ундириладиган фойда солиғи;

ушбу Кодекснинг 207-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;

қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган объектлар бўйича қўшилган қиймат солиғи;

агар ушбу Кодекснинг 350-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда солинадиган акциз солиғи;

агар ушбу Кодекснинг 350-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (агар ушбу Кодекснинг 57-бобида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бундан ягона ер солиғини тўловчилар мустасно);

юрidik шахслардан олинадиган ер солиғи (агар ушбу Кодекснинг 57-бобида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бундан ягона ер солиғини тўловчилар мустасно);

юрidik шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (агар ушбу Кодекснинг 57-бобида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бундан ягона ер солиғини тўловчилар мустасно);

божхона тўловлари;

ягона ижтимоий тўлов;

давлат божлари;

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим».

94) 350-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ягона солиқ тўловини тўловчилар қуйидагилардир:

1) солиқ даврида олинган ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошмаган юрidik шахслар;

2) оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — солиқ даврида оддий ширкат фаолиятдан олинган ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркор;

3) солиқ даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми белгиланган миқдордан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар, бундан ушбу модданинг 4-бандида кўрсатилганлар мустасно;

4) солиқ даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми бир миллиард сўмдан ошмаган:

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширувчи;

Электрон тижорат субъектларининг миллий реестрига киритилган якка тартибдаги тадбиркорлар;

5) солиқ даврида олинган ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошмаган оилавий корхоналар;

6) ноижорат ташкилотлар даромадларининг солиқ даврида тадбиркорлик фаолиятдан олинган қисми бўйича, солиқ даврида тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлари бир миллиард сўмдан ошмаслиги шарт билан.

Воситачилик, топширик шартномаси бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар йиллик айланманинг (тушумнинг) белгиланган чегаравий миқдорини товар айланмасидан (битим суммаларидан) келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқаради.

Ягона солиқ тўлови:

акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга оширувчи;

акциз солиғига тортиладиган мобиль алоқа хизматлари кўрсатувчи;

ушбу Кодекснинг 57-бобига мувофиқ ягона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолият доирасидаги;

маҳсулот тақсимотига оид битимларнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди»;

95) **351-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«351-модда. Ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу Кодекс 350-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 6-бандларида кўрсатилган солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда, ягона солиқ тўловини тўлаш-

га ўтилатган жорий ҳисобот даври биринчи ойнинг 10-санасидан кечиктирмай хабардор қилади.

Янги тузилаётган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида танланган солиқ солиш тартибини кўрсатиш орқали ягона солиқ тўловини тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқига эга.

Солиқ тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда, ҳисобот даври туганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади.

Солиқ даврида олинган ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган ягона солиқ тўловини тўловчилар белгиланган чегаравий миқдор ошиб кетган ойдан кейинги ойнинг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтади»;

96) **352-модда** чиқариб ташлансин;

97) **353-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

98) **354-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ягона солиқ тўловини тўловчилар, агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, камида ўн икки ойдан сўнг ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

Ушбу Кодекс 351-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчилар, агар жорий солиқ даври якунларига олинган ялпи тушуми белгиланган чегаравий миқдордан ошмаса, кейинги солиқ давридан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган биринчи чорак учун фойда солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

Агар ягона солиқ тўловини тўловчилар ушбу Кодекснинг 199-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширса, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлаши мумкин. Юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш учун ҳисобот даври бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этади.

Қўшилган қиймат солиғини тўлашни ягона солиқ тўловини тўловчилар томонидан рад этиш солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда, кейинги солиқ даври бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида, фақат навбатдаги солиқ даврининг бошидан эътиборан амалга оширилиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ушбу Кодекснинг VII бўлимида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

99) **355-модда:**

иккинчи қисми 1-бандининг биринчи хатбошисидаги «акциз солиғини ва бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни» деган сўзлар «ва акциз солиғини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва ушбу фаолиятни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар»;

100) **356-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) календарь йил мобайнида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган белгиланган энг юқори чегаравий миқдордан ошганлиги сабабли ягона солиқ тўловини тўлашга ўтганда якка тартибдаги тадбиркорлар учун — қатъий белгиланган солиқни тўлаш даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум суммасига»;

101) **363-модда:**

учинчи қисмидаги «умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга» деган сўзлар «ушбу Кодексда назарда тутилган солиқларни тўлашга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи — ўнинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «Умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга» деган сўзлар «Ушбу Кодексда назарда тутилган солиқларни тўлашга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «ягона солиқ тўловини ёки ушбу Кодекснинг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ тўланиши назарда тутилган фаолият доирасида қатъий белгиланган солиқни тўлаши шарт» деган сўзлар «ушбу Кодексда назарда тутилган солиқларни тўлаши шарт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ер участкалари объектлари ва майдонларидан самарасиз фойдаланилганлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган тақдирда, ягона ер солиғини тўловчилар ушбу ер участкалари объектлари ва майдонлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ушбу Кодекс 269¹-моддасининг учинчи қисмида ҳамда 283-моддасининг учинчи қисмида белгиланган тартибда тўлайди»;

102) қуйидаги мазмундаги **367¹-модда** билан тўлдирилсин:

«367¹-модда. Ягона ер солиғи ставкаси

Ягона ер солиғи ставкаси қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади»;

103) **370-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир календарь йилда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми белгиланган миқдордан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўловчилар ҳисобланади.

Бир календарь йил давомида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми белгиланган миқдордан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдор ошган ойнинг кейинги ойдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга ўтади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолият амалга оширилган тақдирда, оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосигина қатъий белгиланган солиқни тўловчи бўлади.

Қуйидаги якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўловчилар ҳисобланмайди:

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширувчилар;

Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрига киритилганлар»;

104) **371** ва **372-моддалар** чиқариб ташлансин;

105) **373-модда:**

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 370-моддасида кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қуйидагиларни ҳам тўлайди»;

5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ягона ижтимоий тўлов»;

7-бандидаги «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

106) **374¹-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мазкур бобда белгиланган тартибга мувофиқ тўлайди.

Якка тартибдаги тадбиркор зиммасига ушбу Кодекснинг 311-моддасида белгиланган тартибда ягона ижтимоий тўлов тўлаш мажбурияти юклатилади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходими учун ҳисобга олиш карточкалари якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун ҳар бир ёлланган ходимга ягона ижтимоий тўловни ҳисоблашни тўхтатиб туришга асос бўлади.

Агар ўз фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркор давлат солиқ хизмати органига якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш карточкаларини белгиланган муддатларда тақдим этмаса, якка тартибдаги тадбиркорнинг мажбуриятлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ва ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш тўхтатилмайди»;

107) **376-модданинг иккинчи қисмидаги** «Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

108) **380-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмидаги «давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташланган ҳолдаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

109) **382-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият фақат якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилган тақдирда, биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи ишончли шахс мазкур маҳсулотни реализация қилишдан олинган, ушбу Кодекс 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида белгиланган миқдордан кам бўлмаган тушумдан ягона солиқ тўловини, шунингдек, агар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот акциз тўланадиган маҳсулот бўлса, акциз солигини тўлайди»;

110) **383-модда:**

иккинчи қисмининг 6-бандидаги «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари» деган сўзлар «ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

111) **387-модда:**

иккинчи қисмининг:

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошисидаги «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «бозорлар даромадидан тўланадиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташлангандан кейин қолган маблағларнинг 50 фоизи» деган сўзлар «50 фоизи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

112) **389-модда:**

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошисидаги «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

113) **390-модда:**

иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари» деган сўзлар «ягона ижтимоий тўлов» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

114) **391-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Республика йўл жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда:**

қуйидаги мазмундаги **йигирма бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:
«фискал таваккалчиликлар — бюджет жараёни иштирокчилари учун бюджет тизими бюджетлари маблағларини шакллантириш ва сарфлашда молиявий ресурслардаги йўқотишларни баҳолаш»;

йигирма бешинчи — қирқинчи хатбошилари тегишинча **йигирма олтинчи — қирқ биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **22-модда:**

иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«дастурий тасниф»;

тўртинчи — олтинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Харажатларнинг дастурий таснифи давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини бажариш учун маблағлар йўналишини акс эттирувчи харажатларни гуруҳлашдан иборатдир»;

бешинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **олтинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **36-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маблағлари солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар, шунингдек бюджет субсидияларидан шакллантириладиган давлат мақсадли жамғармалари давлат функцияларини амалга ошириш учун ташкил этилади.

Давлат мақсадли жамғармалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилади.

Давлат мақсадли жамғармалари юридик шахс шаклида ёки юридик шахс ташкил этмасдан тузилиши мумкин»;

4) **37 — 42-моддалар** чиқариб ташлансин;

5) **46-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади»;

6) 51-модданинг:

4-банди чиқариб ташлансин;

5-банди 4-банд деб ҳисоблансин;

4-банди «абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов» деган сўзлардан кейин «маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича фойда келтирадиган маҳсулотдаги давлат улуши» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) 52-модда:

биринчи қисми 2-бандининг:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи — олтинчи хатбошилари тегишинча **иккинчи — бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғи учун акциз солиғи» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво учун акциз солиғи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 10-боб чиқариб ташлансин;

9) 70-модда биринчи қисми 5-бандининг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 71-модда биринчи қисми:

1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «ёрдамчи ташкилотларни» деган сўзлардан кейин «тиббий-меҳнат эксперт комиссияларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2-бандининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қишлоқ хўжалиги ташкилотларини сақлаб туриш, шу жумладан ҳайвонлар касалликларига қарши курашувчи муассасалар хизматларига ҳақ тўлаш, ерларни рекультивация қилиш ишларини бажариш, шунингдек сув хўжалиги ташкилотларини сақлаб туриш»;

олтинчи хатбошиси «ўрмон хўжалигини» деган сўзлардан кейин «ўсимликлар карантинини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4-бандининг учинчи хатбошиси «Тошкент шаҳар ҳокимликлари, уларнинг бошқармалари ва бўлимларини» деган сўзлардан кейин «ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган давлат бошқаруви органларининг бошқа ҳудудий бўлимларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) 72-модда:

2-бандининг иккинчи хатбошиси «лабораторияларни» деган сўздан кейин «ирригация тизимларининг ҳавза бошқармалари ҳузуридаги туманлар (Қувасой шаҳри) ирригация бўлимларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3-банди «бўлимларини» деган сўздан кейин «шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилган давлат бошқаруви органларининг бошқа ҳудудий бўлимларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **14-боб** чиқариб ташлансин;

13) **83-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаси ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжаллари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликлари ва ўрта муддатли давр учун макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжалларини киритади»;

14) **96-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджетнома — эришилган натижалар ҳисобга олинган ҳолда мамлакатни келгуси даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тутувчи ҳужжат бўлиб, ушбу йўналишлар асосида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари шакллантирилади.

Бюджетнома қўйидагиларни ўз ичига олади:

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунларини ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг прогноз баҳосини, шунингдек мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўрта муддатли давр учун асосий йўналишларини;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозини;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини;

солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳасини;

прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжалларини;

«Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашрини;

давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни;

солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларига, прогноз йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасига ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжалларига доир, фискал таваккалчиликларни ўз ичига олган тушунтириш хатини.

Бюджетнома:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига — жорий йилнинг 15 сентябрига қадар киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиши учун — жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича икки ҳафталик муддатда хулоса тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталарига — жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан киритилади.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг лойиҳалари, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасига қўйилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун параллель равишда эълон қилинади»;

15) 97-модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталари солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини, прогноз йил учун Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжалларини қабул қилади»;

16) 98-модданинг:

номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«98-модда. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини ҳамда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармаларининг асосий параметрларини тасдиқлаш»;

иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ҳамда прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг параметрлари ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжаллари»;

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилари тегишинча **учинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

17) 121-модданинг:

иккинчи қисмидаги «махсус ахборот порталида (Ўзбекистон Респуб-

ликаси товар-хом ашё биржасининг махсус веб-сайтида)» деган сўзлар «операторнинг махсус ахборот порталида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонларни махсус ахборот порталида жойлаштириш жорий молия йилининг 10 декабридан кечиктирмасдан амалга оширилади»;

18) **122-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан ижро этилиши лозим бўлган юридик мажбуриятлар ғазначилик бўлиналари томонидан ҳисобга олинади»;

19) **125-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағидаги ва бошқа банк ҳисобварақларидаги бюджет тизими бюджетларининг вақтинча бўш турган маблағларини бошқаради»;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи ва **олтинчи қисмларидаги** «Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг» деган сўзлар «Ягона ғазна ҳисобварағининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **143-модданинг иккинчи қисми** «давлат активларини хусусийлаштиришдан» деган сўзлардан кейин «ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21) **164-модданинг олтинчи қисми** чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддаси 26-бандининг имтиёзни бекор қилишга оид қисми 2019 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 декабрь,
ЎРҚ–508-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

988 Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 20 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-модда. Апрель ойининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари кунини этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 декабрь,
ЎРҚ-509-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 27 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

989 Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 12 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 14 декабрда
маъқулланган

Халқаро миграция ташкилоти Конституцияси (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 декабрь,
ЎРҚ-510-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 27 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

990 **Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммалари ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (Женева, 1971 йил 29 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммалари ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (Женева, 1971 йил 29 октябрь) қўшилисин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 декабрь,
ЎРҚ-511-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 27 декабрда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****991 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг байроғи ва эмблемаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида***

Ички ишлар органлари бирдамлигини, ходимларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, улар томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» хизмат бурчи сўзсиз бажарилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг байроғи ва эмблемаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, байроқ ва эмблемани тайёрлаш, фойдаланиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 декабрь,
ПФ–5602-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги
ПФ-5602-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг байроғи
ТАВСИФИ**



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги байроғи (кейинги ўринларда — байроқ) тўқ кулранг тўғрибурчакли матодир.

Байроқнинг олд ва орқа томонлари марказида геральдик белги — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эмблемаси тасвирланган. Эмблема диаметри 98 сантиметрли айлана ичига чизилган.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг.

Байроқ бошқа ўлчамларда ҳам бўлиши мумкин, бироқ барча ҳолатларда байроқнинг кенлиги ва узунлиги 1:2 нисбатда бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги
ПФ–5602-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
геральдик белгиси — эмблемаси
ТАВСИФИ**



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги геральдик белгиси — эмблемаси четлари бронза рангда хошияланган халқали тўқ кумуш айлана кўринишига эга. Ички чизик марказида ҳаётий кучни ифодаловчи қизил рангли йўл-йўл чизик туширилган.

Халқали чизикнинг тепа қисмида бронза рангли тўғри босма ҳарфларда лотин алифбосида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI», пастки қисмида «ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI» сўзлари ёзилган. Ёзувлар қатъият, матонат ва шон-шарафни ифодаловчи иккита саккиз қиррали юлдуз билан бир-биридан ажратилган.

Айлана ўртасида Амир Темура кўшинлари томонидан фойдаланилган ҳамда ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояни ифодаловчи доирасимон қалқон тасвирланган. Қалқон марказида доира ичига чизилган ўнгга айланишни акс эттирувчи октограмма бўлиб, у тартиб, мувозанат ва камолотга етишишни англатади. Қалқон четлари миллий орнамент билан безатилган.

Қалқон ортида — тиғи пастга қаратилган ва диагональ тарзда кесишган икки шамшир — куч ва ҳимоянинг қадимий рамзи жойлашган. Шамширларнинг дастаси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари — қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг

хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ҳур-
мат қилиш, очиқлик ва шаффофликни ифодаловчи тўртта хошиядан иборат.

Қалқон хошияси графит кулранг, шамширлар кумуш рангда.

Қалқон ва шамширлар ортида тилла рангда ишланган, қанотлари ёйил-
ган, омад ва бахт рамзи бўлган Хумо қуши тасвирланган. Бундай жойла-
шув мамлакатда тинчлик ва осойишталик ҳимояланганлигини, ички ишлар
органлари халқ манфаатларига хизмат қилишини ифодалайди.

Геральдик белги бир рангли (силуэт) тасвирда бажарилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

992 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўна-
лишлари қабул қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига
1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 2-ило-
вага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-
ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президен-
ти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республика-
си Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зим-
масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 декабрь,
ПФ-5607-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 де-
кабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги
ПФ–5607-сон Фармонига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига кiritилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги ПФ–938-сон «Кам таъминланган oilаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандида:

биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Белгилансинки, кам таъминланган oilаларга моддий ёрдам қўрғон, қишлоқ, овул, шаҳарлардаги маҳаллалар фуқаролар йиғини, йиғинни чақириш имкони бўлмаганда эса қўрғонлар, қишлоқлар, овуллар маҳаллалари, кўчалар, турар жойлар фуқаролари вакиллари йиғилишининг қарорига кўра тайинланади».

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«кам таъминланган oilаларга моддий ёрдам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан белгиланади»;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонининг 8-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишлича учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПФ–5075-сон «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги Давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандидан «(аҳолига етказиб бериладиган газдан ташқари)» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ–5106-сон «Ёшларга оид Давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони 13-бандининг тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 1-бандининг тўртинчи хатбошидаги «январга» сўзи «июлга» сўзи билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ–5515-сон «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги Фармонида:

6-банднинг олтинчи хатбошидаги «ошириб бажарилган суммасининг» сўзлари «ошириб бажарилган сумманинг 50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-илованинг 8-позицияси чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги
ПФ–5607-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган фармонлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги ПФ–3017-сон «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 февралдаги ПФ–4273-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармониغا илованинг 6-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПФ–4841-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармониغا 1-илованинг 3-банди «а» кичик банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги ПФ–5250-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармониغا илованинг 2-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 февралдаги ПФ–5329-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармониغا 1-илованинг 10-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 апрелдаги ПФ–5398-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги (2017 йил 29 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ–454-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий

кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори) Фармонига 1-илованинг 16-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги ПФ-5447-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармонига 1-илованинг 43-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ПФ-5457-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонига илованинг 7-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги ПФ-5483-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5392-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3646-сон қарори) Фармонига 1-илованинг 44-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5497-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3671-сонли ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3672-сонли қарорлари) Фармонига 1-илованинг 14-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**993** **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*****[Кўчирма]**

Ўтган давр мобайнида мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида тизимли ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилди, шунингдек, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» олижаноб ғояси асосида тубдан қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва ушбу йўналишда ўзаро мақсадли ҳамкорликни ташкил этишда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самараси пастлигида, ҳуқуқбузарликларнинг, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш, содир этилганларини фош этишда фуқаролик позициясининг сузглигида намоён бўлаётган қатор камчиликлар мавжуд.

Мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўрнатилган механизмларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган ҳолда сафарбар қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ҳар куни:

тегишли ҳудуднинг сутка давомидаги криминоген вазияти билан шахсан танишади ва бунда ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларга алоҳида эътибор қаратади;

тегишли ҳудудда содир этилган, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини ўрганиб, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни келтириб чиқарган омилларни аниқлаштиради ҳамда масъул ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлигига нисбатан чоралар кўради;

ҳуқуққа хилоф ҳолатлар бўйича ўз вақтида таъсир чораларини кўриш ва уларнинг салбий оқибатларига барҳам бериш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида бевосита иштирок этувчи органлар ва муассасаларни

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 декабрда эълон қилинган.

жалб қилиш ҳамда уларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш борасида таъсирчан чора-тадбирларни кўриб, мазкур йўналишда шахсий назорат ўрнатади;

б) ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг мажлисларида ҳисобот даври якунига кўра, жамоат хавфсизлигини таъминлаш натижаларининг таҳлили асосида қўйидагилар танқидий муҳокама қилинади:

тегишли ҳудудда содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги жиноий ҳолатлар;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича манзилли таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссиясига киритишни белгиланган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида бевосита иштирок этувчи органлар ва муассасалар томонидан кўрилатган чора-тадбирларнинг аҳволи.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари лавозимларини тугатиб, уларга иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмларини сақлаб қолган ҳолда, бўшаётган штат бирликлари ҳисобидан профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари (бундан буён — профилактика инспекторларининг ёрдамчилари) лавозимларини жорий этиш ҳамда уларга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органларига амалий ёрдам кўрсатиш учун шахсий жавобгарликни юклаш;

бириктирилган ҳудудда жиноятлар даражаси пасайган, уларни олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари ўз вақтида кўрилган ҳолларда бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, профилактика (катта) инспекторлари ва уларнинг ёрдамчилари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг алоҳида ўрнатилган кўрсатган аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг (пул таъминотининг) 100 фоизигача бўлган миқдорда (ўрнатилган ва тўланаётган қўшимча ҳақ ва устамалардан қатъи назар) ва бошқа пул мукофотлари билан тақдирлаш тартибини жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

профилактика инспекторлари ёрдамчилари лавозимлари, қоида тариқасида, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг алоҳида ўрнатилган кўрсатган, бириктирилган ҳудудда доимий яшовчи ҳамда мулоқотга киришувчан ва ташкилотчилик қобилиятига эга аъзолари орасидан жамланади;

профилактика инспекторларининг ёрдамчилари профилактика (катта) инспекторларининг тавсиясига асосан туман (шаҳар) ички ишлар органларининг бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган профилактика инспекторларининг ёрдамчиларига Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғининг тавсиясига асосан ички ишлар органларининг олий таълим муассасаларига, шу

жумладан, касбий тайёргарлик факультетига квота асосида ўқишга кириш ҳукуки берилади;

профилактика инспекторларининг ёрдамчиларини ички ишлар органларининг олий таълим муассасаларига қабул қилиш дастлабки ва касбий танлов натижаларига асосан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ҳар йили белгиланадиган квоталарга мувофиқ амалга оширилади.

4. Ҳар бир маҳаллада «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги Тошкент шаҳрининг ижобий тажрибаси республиканинг барча ҳудудларига татиқ этилсин.

5. Профилактика инспекторларининг ёрдамчиларига «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари ва «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини кунлик назорат қилиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тегишлича жамоат хавфсизлигини таъминлашни рағбатлантириш жамғармалари (бундан буён — жамғармалар) ташкил этилсин.

Белгилансинки:

а) жамғармаларни шакллантириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади: ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан тегишлилигига кўра уларга тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича ундирилган маъмурий жарималар маблағлари; халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) жамғармаларнинг маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаларининг асослантилган хулосаларига мувофиқ қабул қилдиган қарорига асосан фақат қуйидагилар учун сарфланади:

бириктирилган ҳудудда жиноятлар даражаси пасайган, уларни олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари ўз вақтида кўрилган ҳолларда фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, профилактика (катта) инспекторлари ва уларнинг ёрдамчилари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг алоҳида ўрнатилган аъзоларини моддий рағбатлантириш;

жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда амалий ёрдам кўрсатган фуқароларни бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш, қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

жамоат тартибини сақлаш бўйича профилактика инспекторларининг ёрдамчилари лавозимларининг қўшимча штат birlikларини киритиш ва уларни молиялаштириш.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

барча даражадаги ҳудудий ички ишлар органларининг раҳбар ходимла-

ри ҳамда профилактика (катта) инспекторларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фақат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти филиалларида (аудиторияларида) узлуксиз асосда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари (бундан буён — идоровий академик лицейлар) директорларига тегишлилигича Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари ваколатлари берилади;

идоровий академик лицейларда ўз хизматчиларининг штат бирликлари ҳисобидан ходимларнинг малакасини ошириш бўйича директор ўринбосари шаходатланган лавозимлари жорий этилади ва уларнинг зиммасига вазирлик Малака ошириш институти филиаллари (аудиториялари) фаолиятини самарали ташкил этиш вазифаси юклатилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари идоровий академик лицейларга раҳбарлик қиладилар ҳамда уларнинг негизида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг самарали ташкил этилишига шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокурорларига идоровий академик лицейлар негизида ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни сифатли ташкил этишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилади;

профилактика (катта) инспекторлари лавозимлари, қоида тариқасида, юриспруденция соҳасида билим ва касбий малакага эга шахслар орасидан жамланади;

профилактика (катта) инспекторлари учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида сиртқи таълим олишга қабул қилинадиган ходимлар (ҳарбий хизматчилар) умумий сонининг ўн беш фоизи миқдорида қабул квотаси ажратилади.

8. 2019 йил 1 январдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, ташкилотлар ва жамоатчилик тузилмаларининг фаолияти ташкил этилиши ва мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун қуйидагиларга бириктирилади:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига — Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонига — Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига — Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Миллий гвардияси 2020 йил 1 январга қадар Бош прокуратуранинг Академияси ва Миллий

гвардиянинг Ҳарбий-техник институти тегишлича Тошкент шаҳрининг Чилонзор ва Олмазор туманларида жиноятларнинг содир этилиш сабабларини аниқлаш бўйича ўрганишлар ўтказиш ва диагностика қилишга жалб қилинишини таъминласин ҳамда фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагиларни белгиласин:

жиноятчилик аҳволи ўзгаришини криминологик прогнозлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига услубий кўмаклашиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

10. Худудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссияси зиммасига республика худудларига бириктирилган давлат органлари раҳбарларининг иш натижаларини тизимли мониторинг қилиш ва ҳолисона баҳолаш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

11. Республиканинг барча худудларида қуйидаги амалиёт босқичма-босқич жорий этилсин:

прокуратура органлари томонидан ички ишлар органлари билан биргаликда тегишли худудда жиноятчиликни ўрганиш, унинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда аҳволининг ўзгаришини криминологик прогнозлаш мақсадида маҳаллалар кесимида жиноятлар акс эттирилган туман (шаҳар)ларнинг электрон геоинформацион хариталари тузилиши ва тизимли юритилиши;

ҳар бир давлат органи ва ташкилоти фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, хавфларни ҳамда жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз стратегияларини ишлаб чиқиши.

12. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда ўн кун муддатда нодавлат ташкилотларга жисмоний ва юридик шахсларга тегишли объектларда хавфсизликни таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш ва қўриқлаш фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш тўғрисида таклифлар киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда туман (шаҳар) ҳокимларига оммавий тадбирлар давомида ва жамоат жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ички ишлар органлари ходимларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жалб қилиш тўғрисида шартномалар тузиш ваколатини бериш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Молия вазирлиги, Бош прокуратура ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда қўшма қарор билан фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, профилактика (катта) инспекторлари ва уларнинг ёрдамчилари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг алоҳида намуна кўрсатган аъзоларини моддий рағбатлантириш мезонлари ва тартибини мазкур қарор талабларига мувофиқ белгиласин;

Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда республиканинг ҳар бир ҳудудида Тошкент шаҳри тажрибаси асосида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда республиканинг ҳар бир ҳудудида, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида шахсий таркибнинг кундалик касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини самарали ташкил этиш имконини берувчи ички ишлар органларининг спорт базаларини шакллантириш бўйича таклифлар киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат қўмитаси 2019 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртма ва талаблари асосида ички ишлар органларининг йўл-патруль бўлинмалари ходимлари, кейинги навбатда патруль-пост хизмати учун мобиль видеокамералар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш электрон тизими планшетлари харид қилинишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 декабрь,
ПҚ-4075-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**994 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, чақирилувчилар, ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш ва самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини соғлом ва жисмонан бақувват ҳарбий хизматчилар билан тўлдириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ–257-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 декабрь,
ПҚ–4076-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги
ПҚ-4076-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни (кейинги ўринларда — тиббий кўрикдан ўтказиш) ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Тиббий кўрикдан ўтказиш қуйидагиларни аниқлаш мақсадида амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (кейинги ўринларда — фуқаролар) саломатлигига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (кейинги ўринларда — Мудофаа вазирлиги), Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (кейинги ўринларда — Миллий гвардия), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда — ПХДХ), Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда — ДХХ), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда — ИИВ), Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда — ФВВ), Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг махсус авария-тиклаш бошқармасида (кейинги ўринларда — 15361-ҳарбий қисм) хизмат фаолияти ҳақиқий ҳарбий хизматга тенглаштирилган (кейинги ўринларда — тенглаштирилган хизмат) бошқа вазирлик ва идоралар (кейинги ўринларда — вазирлик ва идоралар)да ҳарбий хизматга яроқлилигини;

фуқаролар соғлиги ва жисмоний ривожланишининг ҳолатига нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқ уларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари (кейинги ўринларда — Қуролли Кучлар) турлари, қўшин шакллари ва ҳарбий мутахассисликка тўғри тақсимлаш учун кўрсатмаларни;

ҳарбий хизмат (ҳарбий йиғинлар), тенглаштирилган хизматни ўташ даврида фуқаролар томонидан орттирилган касалланиш, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатланишнинг сабабий боғлиқлигини (кейинги ўринларда — касалланиш, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатланишнинг сабабий боғлиқлиги);

ҳарбий хизматчиларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг соғлигини тиклаш турлари, ҳажми ва муддатини.

3. Тиббий кўрикдан ўтказиш Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия,

ПХДХ, ДХХ, ИИВ, ФВВ, 15361-ҳарбий қисмда, ҳарбий хизматга тенглаштирилган хизматни ўташ назарда тутилган вазирлик ва идораларда амалга оширилади.

4. Тиббий кўриқдан ўтказиш учун мудофаа ишлари бошқармалари (кейинги ўринларда — МИБ) ва мудофаа ишлари бўйича бўлимларида (кейинги ўринларда — МИББ), тенглаштирилган хизмат ўташ кўзда тутилган вазирлик ва идораларда — тиббий комиссиялар, Мудофаа вазирлиги, ДХХ, ИИВда ҳарбий-тиббий комиссиялар (кейинги ўринларда — ХТК) ташкил этилади.

ХТК ва тиббий комиссияларни тузиш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг хулосаларини расмийлаштириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ўрнатилган тартибда белгиланади.

5. ХТК ва тиббий комиссиялар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

ҳарбий-тиббий экспертизага услубий раҳбарлик қилиш, даволаш-профилактика муассасаларидаги даволаш-соғломлаштириш ишларини, Қуролли Кучларнинг ҳарбий-тиббий муассасалари, ҳарбий қисмлари, муассасалари, корхоналари ва ташкилотларидаги даволаш-диагностика ишларини, давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, ПХДХ, ДХХ, ИИВ, ФВВ, 15361-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларининг (кейинги ўринларда — ҳарбий хизматчилар) тиббий текширувдан ўтказилиши ва даволанишини, шунингдек, мазкур Низомнинг 7-банди «а» — «в» кичик бандларида назарда тутилган фуқароларнинг текширувдан ўтказилиши (кузатувда бўлиши) ва даволанишини ташкил этиш, ўтказиш ва натижалари устидан назорат қилиш;

ҳарбий хизматчилар, тенглаштирилган хизматни ўтаётган фуқаролар, ҳарбий йиғинларни ўтаётган фуқаролар, ҳарбий хизматни ёки тенглаштирилган хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўтаган фуқароларнинг касалланиши, шикастланиши, ярадорлиги, жароҳатланишини, шунингдек, уларнинг ўлимига олиб келган касалланиш, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатланишнинг сабабий боғлиқлигини аниқлаш;

фуқароларни ҳарбий хизматдан (тенглаштирилган хизматдан) бўшатиш вақтида саломатлигига кўра ҳарбий хизматга (тенглаштирилган хизматни ўташга) яроқлилигини аниқлаш;

ҳарбий тиббий экспертизанинг муаммоларини илмий тадқиқ қилиш;

ҳарбий тиббий экспертизани ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича мутахассис-шифокорлар ва ўрта бўғин тиббиёт ходимларини тайёрлаш.

6. ХТК ва тиббий комиссияларнинг фаолиятини назорат қилиш, уларга услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш вазирлик ва идораларнинг марказий ҳарбий тиббий комиссиялари (кейинги ўринларда — МХТК) зиммасига юклатилади.

2-боб. Тиббий кўриқдан ўтказиш объектлари

7. Шахсларни, тиббий кўриқдан ўтказилиши қўйидаги вақтларда амалга оширилади:

- а) фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш вақтида;
- б) фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш вақтида;
- в) фуқароларни сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш вақтида;
- г) сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаётган фуқаролар;
- д) шартнома бўйича ҳарбий хизматга кираётган фуқаролар;
- е) тенглаштирилган хизматга кираётган фуқаролар;
- ж) ҳарбий хизматчилар;
- з) тенглаштирилган хизматни ўтаётган фуқаролар;
- и) ҳарбий таълим муассасаларига (кейинги ўринларда — ХТМ) кираётган фуқаролар;
- к) МИБ ҳузуридаги чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш марказларига юборилаётган фуқаролар;
- л) олий таълим муассасалари ҳузуридаги ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмаларига (ҳарбий таълим факультетлари, ҳарбий кафедралар, цикллар ва курслар) танлаб олинаётган (таҳсил олаётган) фуқаролар;
- м) ҳарбий йиғинларга чақирилаётган фуқаролар;
- н) ҳарбий йиғинларни ўтаётган фуқаролар;
- о) ҳарбий йиғинларни ўтаган фуқаролар;
- п) Қуролли Кучлар резерви ва захирасидаги фуқаролар (кейинги ўринларда — ҳарбий хизматга мажбурлар);
- р) шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари;
- с) ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароит билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишга тайинланаётган (кираётган) ёки ишлаётган ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматга мажбурлар, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчилари;
- т) Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ўқишга (малака оширишга) юборилаётган (кираётган) шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар, ХТМ курсантлари, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчилари.

8. Тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби, мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган фуқаролар соғлигининг ҳолатига нисбатан қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Соғлиқни сақлаш вазирлиги) билан ҳамкорликда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади.

9. Миллий гвардия, ФВВ, 15361-ҳарбий қисмга ҳарбий хизматга келаётган фуқароларни, шунингдек Миллий гвардия, ФВВ, 15361-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларини ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларининг оила аъзоларини тиббий кўриқдан ўтказиш Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ХТК томонидан амалга оширилади.

ПХДХга ҳарбий хизматга келаётган фуқароларни, шунингдек, ПХДХ

ҳарбий хизматчиларини ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ДХХ тасарруфидаги ХТК томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади.

Қуролли Кучлар авиациясининг учувчилар таркиби ва Қуролли Кучлар резерви ва захирасида турган учувчилар таркиби, учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ХТМ курсантлари, ушбу йўналиш бўйича ХТМга ўқишга кираётган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тиббий-учувчилик комиссиялари томонидан Мудофаа вазирлиги белгилаган тартибда амалга оширилади.

10. Қутқарувчилар ва қутқарув хизматининг бошқа мутахассисларини тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби таркибига қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмалари кирадиган вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади.

3-боб. Тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш

11. Ҳарбий-тиббий экспертиза тиббий текширув ва тиббий кўрик ўтказишни кўзда тутди.

Тиббий текширувда мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган мақсадларда тиббий кўрикдан ўтказиш олдида фуқаронинг шикоятлари, анамнези ва тиббий текширув маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш, лаборатория, тиббий ускуналар ёрдамида, морфологик ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган комплекс диагностика чора-тадбирлари ўтказилади.

Мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган фуқароларнинг ҳар бир тоифаси учун ўтказиладиган мажбурий диагностик текширувлар рўйхати тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади.

12. Фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш касалланиш, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатланишнинг аниқланиши оқибатида, айрим ҳолларда эса тиббий-экспертиза жараёнида аниқланганда амалга оширилади.

Тиббий-экспертиза жараёнида аниқланиш деганда, фуқаро соғлигининг шундай ҳолати тушуниладики, бунда тиббий текширув ва даволаш натижалари тиббий комиссия ёки ХТКга фуқаронинг ҳарбий хизматга (тенглаштирилган хизматга) яроқлилик тоифаси бўйича хулоса чиқаришга асос беради ҳамда кейинги даволанишлар ҳарбий хизматга (тенглаштирилган хизматга) яроқлилик тоифасининг ўзгаришига олиб келмайди.

13. Сиртдан тиббий кўрикдан ўтказиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

14. Тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида тиббий комиссия ва ХТК томонидан фуқаронинг ҳарбий хизматга (тенглаштирилган хизматга), ҳарбий-ҳисоб мутахассислиги бўйича хизмат қилишга (ўқишга) яроқлигини аниқлаш мақсадида фуқароларнинг соғлиғи ҳамда жисмонан ривожланиш ҳолати ўрганилади ва таҳлил қилинади ҳамда мазкур Низомда кўзда тутилган бошқа масалалар ҳал қилиниб, ёзма хулоса чиқарилади.

ХТК ва тиббий комиссиялар ўз хулосаларини маслаҳатлашган ҳолда, кенгашда қатнашаётган комиссия аъзоларининг кўпчилилик овози билан қабул қилади.

ХТК ва тиббий комиссияларнинг хулосалари мансабдор шахслар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

15. ХТК ёки тиббий комиссиянинг фуқарога нисбатдан чиқарган хулосаси бўйича фуқаронинг ўзи ёки унинг қонуний вакили юқори турувчи тиббий комиссияга, ХТК ёки судга шикоят қилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда юқори турувчи тиббий комиссия, ХТК ёки суд қарори асосида фуқаро назорат текшируви ва қайта тиббий кўриқдан ўтказиш учун МХТКга юборилиши мумкин.

16. Мазкур Низомнинг 7-банди «а» — «г», «ж» — «с» кичик бандларида назарда тутилган фуқароларга нисбатан тиббий комиссия ёки ХТК томонидан чиқарилган хулоса, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, тиббий кўриқ ўтказилган санадан бошлаб бир йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади. Тиббий комиссия ёки ХТК томонидан қабул қилинган такрорий ёки навбатдаги хулоса аввалги хулосани бекор қилади (ХТК ёки тиббий комиссиянинг вақтинча ҳарбий хизматга (тенглаштирилган хизматга) яроқсизлик ва касалланиш, шикастланиш, ярадорлик, жароҳатланиш сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги хулосалар бундан мустасно). ХТК ва тиббий комиссиянинг хулосаси белгиланган муддатда ижро этилмаган ҳолларда ва тиббий кўриқдан ўтказилаётган шахснинг мурожаатида ёки давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари ёхуд ҳарбий-тиббий муассасалар шифокорларининг хулосасида кўрсатилган муддатдан қатъи назар, ушбу шахснинг соғлиғи ҳолатида яққол ўзгаришлар қайд этилганда қайта тиббий кўриқ ўтказилади.

Мазкур Низомнинг 7-банди «д», «е» кичик бандларида назарда тутилган фуқароларга нисбатан тиббий комиссия ва ХТК томонидан чиқарилган хулоса кадрлар бўлинмалари томонидан татбиқ қилиш учун тиббий кўриқдан ўтказиш санасидан бошлаб олти ой мобайнида ҳақиқийдир.

17. Мазкур Низомнинг 7-банди «а» — «г», «и» — «п» кичик бандларида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари раҳбарларининг тақдимномасига кўра қабул қилган қарори билан шифокор-мутахассислар (жаррох, терапевт, невропатолог, офтальмолог, оториноларинголог, тери-таносил касалликлари шифокори, стоматолог (МИБ ҳузуридаги тиббий комиссияда, шу жумладан, психиатр), зарур ҳолларда бошқа мутахассисликдаги шифокорлар, давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларининг ўрта бўғин тиббиёт ходимлари жалб қилинади.

МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан қабул қилинган хулосаларнинг асослилигини назорат қилиш, мазкур Низомнинг 7-банди «а» — «в», «д», «и» — «л» кичик бандларида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишдаги мунозарали масалаларни ҳал қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўсмирлар ва чақирув ёшидаги ёшларга тиббий ёрдамни ташкил этиш маркази ҳузурида республика муқобил тиббий комиссияси (кейинги ўринларда — РМТК), маҳаллий ҳудудларда эса Қорақалпо-

гистон Республикаси муқобил тиббий комиссияси ва вилоятлар муқобил тиббий комиссиялари тузилиб, уларнинг таркибига вилоятнинг (Қорақалпоғистон Республикасининг) олий тоифага эга бўлган бош тиббиёт мутахассислари жалб этиладилар.

18. Фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун жалб этиладиган давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларининг шифокор-мутахассислари, ўрта бўғин тиббиёт ходимларининг иш ўрни, лавозими ва ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Агар шифокор-мутахассислар, ўрта бўғин тиббиёт ходимларининг тиббий кўриқдан ўтказишдаги иштироки доимий яшаш жойларидан бошқа ҳудудларга бориш билан боғлиқ бўлса, уларнинг сафар харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар бўйича қопланади.

4-боб. Фуқароларни чақирув участкаларида қайд этиш ҳамда муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш

19. Мазкур Низомнинг 7-банди «а» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкиллаштириш таркибига МИББ вакиллари ва шифокор-мутахассислар киритилган тегишли комиссиялар зиммасига юкланади.

20. Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олишни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар)ларда чақирув комиссиялари тузилади.

21. МИББ тиббий комиссиясининг (қайд этиш комиссиясининг) катта шифокори билан биргаликда мазкур Низомнинг 7-банди «а», «б» кичик бандларида назарда тутилган фуқароларни тайёрлашда уларнинг соғлиғи ҳамда жисмоний ривожланиш ҳолатини аниқлаш учун ҳар томонлама ўрганиш ишларини ташкил этади ва ўтказиши.

Шу мақсадда МИББ қўйидагиларни талаб қилиб олади ва ўрганади:

а) рухий-асаб, силга қарши, тери-таносил касалликлари ва наркологик диспансерлар, шунингдек, ОИТСга қарши кураш марказларидан — ҳисобда турувчи шахслар рўйхатини;

б) даволаш-профилактика муассасаларидан — амбулатория шароитида даволанувчи беморларнинг тиббий карталар ва уларга илова қилиб тикилган варақларни, касаллик тарихидан кўчирмалар, диспансер ва шифокор кузатуви ҳақидаги маълумотлар, шифокорларнинг хулосалари ҳамда фуқароларнинг соғлиғини тавсифловчи бошқа тиббий ҳужжатларни;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимларидан — ногирон деб топилган шахслар тўғрисидаги маълумотномаларни;

г) ақли заиф ва тарбияси оғир бўлганлар учун мўлжалланган махсус ёрдамчи мактаблардан — тиббий-педагогик тавсифномаларни;

д) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан — жиноий жавобгарликка

тортилган, терговда бўлган, судланган, қонунбузарлик ҳолатларини содир этганлиги сабабли рўйхатда турган, шу жумладан, тиббий кўрсатмаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда гиёҳванд ва психотроп моддаларни истеъмол қилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни.

22. Даволаш-профилактика муассасалари ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар 10 кунлик муддат ичида МИББнинг сўровномасига асосан тиббий ҳужжатлар (стационар шароитда даволанадиган беморларнинг тиббий карталари ва уларга тиркалган варақалар, касаллик тарихидан кўчирмалар, тиббий текширувлар ва шифокор кузатуви натижалари, рентгенограммалар, махсус услубдаги текширувлар баённомалари (таърифи) ва ҳ. к.) ҳамда фуқаролар соғлиғини тавсифловчи бошқа маълумотларни тақдим этади.

Мазкур Низомнинг 7-банди «а» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш яқунлангач, МИББ 10 кунлик муддат ичида тиббий ҳужжатларни тегишли даволаш-профилактика муассасаларига қайтаради.

23. Мазкур Низомнинг 7-банди «а» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилишидан олдин улар учун ҳар йили тиббий кўриқлар, текширувлар (кузатувлар), шунингдек, даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ва профилактик эмлашлар амалга оширилади.

Тиббий кўриқлар, текширувлар (кузатувлар), даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ҳамда профилактик эмлашларни ташкил этиш ва ўтказиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари ва давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари зиммасига юкланади.

Тиббий кўриқлар, текширувлар (кузатувлар), даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ҳамда профилактик эмлашларни ўтказиш ва ташкиллаштириш тартиби, уларнинг ҳисобини юритиш ва улар бўйича ҳисобот бериш ишлари устидан назоратни амалга ошириш тартиби Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

24. Мазкур Низомнинг 7-банди «а», «б» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишдан олдин давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан уларда оғиз бўшлиғи санацияси ҳамда мажбурий диагностик текширувлар, шунингдек, зарур ҳолларда тиббий кўрсатмаларга асосан бошқа текширувлар ўтказилади.

Мазкур Низомнинг 7-банди «б» кичик бандида назарда тутилган фуқароларнинг қон гуруҳи ва резус мансублиги (фактори) аниқланган бўлиши керак.

Охирги профилактик эмлашлар ҳақидаги маълумотлар (профилактик эмлашлар режасига асосан) фуқаронинг ҳарбий гувоҳномасига, қон гуруҳи ва резус мансублиги (фактори) ҳақидаги маълумотлар эса унинг паспорти ҳамда ҳарбий гувоҳномасига қайд этилади.

25. Тиббий кўриқдан ўтказиш ушбу амалиёт учун махсус жиҳозланган МИББ, МИББнинг чақирув (йиғин) пунктларида амалга оширилади.

Шифокор-мутахассислар хоналари тиббий кўриқдан ўтказиш учун зарур бўлган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминланади.

26. Мазкур Низомнинг 7-банди «а», «б» кичик бандларида назарда тутилган фуқаролар сони МИББ ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида бир иш куни мобайнида 50 нафардан ошмаслиги лозим.

МИБ йиғин пунктида чақирув гуруҳлари тузилиши вақтида бир иш куни мобайнида тиббий кўрикдан ўтаётган шахслар сони 100 нафардан ошмаслиги лозим.

27. Мазкур Низомнинг 7-банди «б» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни дастлабки тиббий кўрикдан ўтказиш МИББ ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан ташкил этилади.

28. Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари эксперт ҳужжатларга (касаллик тўғрисидаги гувоҳнома, маълумотномалар, тиббий кўрикдан ўтиш варақаси ва тиббиётга оид бошқа ҳужжатлар) киритилади.

Эксперт ҳужжатларининг шакллари тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади.

29. Чақирилувчининг соғлиғи ҳолатини аниқлашда шифокор-мутахассислар бир тўхтама кела олмаган ҳолларда, чақирув комиссияси уни амбулатор ёки стационар равишда тиббий текшириш уни давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасасига юборади. Йўлланмада дастлабки ташхис ва тиббий текширувда айнан нимага аниқлик киритилиши лозимлиги кўрсатилади.

Мазкур Низомнинг 7-банди «а», «б» кичик бандларида назарда тутилган фуқароларнинг амбулатор (стационар) текшируви бепул ўтказилади.

Тиббий текширув натижалари кўриб чиқиш учун чақирув комиссиясига тақдим қилинади, чақирув комиссияси чақирилувчининг соғлиғи, жисмоний ривожланиш ҳолати ва бошқа барча маълумотларни инобатга олган ҳолда унинг ҳарбий хизматга яроқлилиги масаласини ҳал қилади.

30. Мазкур Низомнинг 7-моддаси «а», «б» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари асосида, тиббий кўрикдан ўтказиш кунида шифокор-мутахассислар хулосаларига кўра тиббий комиссиялар қуйидаги тоифа ва чекланиш даражаси (соғлиқ ва жисмоний ривожланиш ҳолатининг кўрсаткичи) бўйича ҳарбий хизматга яроқлик тўғрисида хулоса қабул қилади:

А — ҳарбий хизматга яроқли (чекланиш даражаси — 1, 2).

Бу тоифага Қуролли Кучлар, қўшинларнинг барча турларида ҳамда барча ҳарбий мутахассисликлар бўйича ҳарбий хизмат ўташ (тахсил олиш) учун соғлиғи ва жисмоний ривожланишида чекланишлар мавжуд бўлмаган фуқаролар киради.

В — айрим чекланишлар билан ҳарбий хизматга яроқли (чекланиш даражаси — 3).

Бу тоифага ҳаво-десант қўшинларида (кейинги ўринларда — ХДҚ) ва уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмларда ҳарбий хизмат ўташига, алоҳида ҳарбий мутахассисликлар бўйича хизмат қилишга (тахсил олишга) монелик қиладиган касалликлари ёки жисмоний нуқсонлари мавжуд бўлган фуқаролар киради. ХДҚга тенглаштирилган ҳарбий қисмларга хизмат ўташ шароит-

лари ХДҚдаги шароитларга тенглаштирилган ҳарбий қисм ва бўлинмалар киради.

С — чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли (чекланиш даражаси — 4).

Бу тоифага Қуролли Кучлар, қўшинларнинг айрим бир турида ҳамда муайян ҳарбий мутахассислик бўйича ҳарбий хизмат ўташига (таҳсил олишга) монелик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари мавжуд бўлган фуқаролар киради.

Д — вақтинча ҳарбий хизматга яроқсиз (чекланиш даражаси — 5).

Бу тоифага саломатлигига кўра ҳарбий хизматга чақирилиш муддатини кечиктиришга ва даволаш-соғломлаштириш чораларини ўтказишга муҳтож бўлган фуқаролар киради. Ушбу хулосада фуқарони ҳарбий хизматга вақтинча яроқсиз деб ҳисоблаш даврининг муддати белгиланади.

Е — тинчлик даврида ҳарбий хизматга яроқсиз, уруш даврида чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли (чекланиш даражаси — 6).

Бу тоифага тинчлик даврида Қуролли Кучлар қўшинларнинг барча турларида ҳарбий хизмат ўташга монелик қилувчи касаллик ёки жисмоний нуқсонлари мавжуд бўлган, аммо Қуролли Кучларнинг иккинчи тоифали резерв ҳисобида турган фуқаролар киради.

Ғ — ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда ҳарбий хизматга яроқсиз (чекланиш даражаси — 7).

Бу тоифага ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга ва Қуролли Кучлар резерви ҳисобида туришга монелик қилувчи касаллик ёки жисмоний нуқсонлари мавжуд бўлган фуқаролар киради.

31. А, В ва С яроқлилиқ тоифалари тайинланган фуқароларга нисбатан Қуролли Кучларнинг айнан қайси турида хизматни ўташ бўйича яроқлилиқ тоифаси ҳам белгилаб қўйилади.

32. Мазкур Низомнинг 7-банди «а» кичик бандида назарда тутилган фуқароларда ногиронлик мавжуд бўлганда ёки муддатли ҳарбий ва муқобил хизматни ўташга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлари топилиб, тиббий-эксперт томонидан қайд этилганда, улар даволанишга муҳтож сифатида МИББ ҳисобига қўйилмайди. Мазкур фуқаролар, шунингдек, болалиқдан ногирон ва биринчи гуруҳ ногиронларига нисбатан ҳарбий хизматга яроқлилиқ тоифаси ҳақида якуний хулоса қабул қилинади.

33. Мазкур Низомнинг 7-банди «а» кичик бандида назарда тутилган фуқароларга нисбатан, комиссиянинг хулосаси билан қўшимча равишда мудофаа ишлари бошқармалари ҳузурида Чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш марказларида таҳсил олишга яроқлилиги аниқланиши мумкин.

Мазкур Низомнинг 7-банди «к» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш икки босқичда: бирламчи — МИББ ҳузуридаги тиббий комиссиялар, назорат тартибида — МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Мудофаа ишлари бошқармалари ҳузурида Чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш марказларида транспорт восита-

лари ҳайдовчилари сифатида тайёргарликка жалб этиладиган фуқаролар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ИИБ томонидан тасдиқланадиган ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ қўшимча тиббий кўриқдан ўтказилади.

34. Мазкур Низомнинг 7-банди «а», «б» кичик бандларида назарда тутилган фуқаролар узоқ муддатли (бир ойдан ортик) тиббий текширувга (даволанишга) мухтож бўлса, ўн икки ойгача муддатга даволанишга (тиббий кузатувга) мухтожлиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Саломатлигига кўра муддатли ҳарбий хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш бир йил мобайнида тақдим этилиши мумкин, шундан сўнг соғлиқ ҳолатидан келиб чиққан ҳолда яроқлилик тоифаси тўғрисида якуний хулоса қабул қилинади.

35. Мазкур Низомнинг 7-банди «б» кичик бандида назарда тутилган, даволанишга ва тиббий назоратга мухтож фуқаролар туман (шаҳар) МИББ томонидан ҳисобга олинади. Улар тўғрисидаги маълумотлар битта рўйхат билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига юборилади, рўйхатда даволанишга мухтож бўлган ва чақирув вақтига қадар чекланган ёки ундан юқори яроқлилик тоифасигача даволаса бўладиган шахслар қайд этилади.

36. Тиббий текширув (даволаниш) яқунлангач, фуқаро қайта тиббий кўриқдан ўтказилади ва муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин.

Фуқароларни чақирув участкасига қайд этиш комиссияси ёки чақирув комиссияси иши тугагунига қадар фуқарони тиббий текширувдан ўтказишни (даволашни) яқунлашнинг имкони бўлса, унинг ҳарбий хизматга вақтинча яроқсизлиги ҳақидаги хулоса қабул қилинмайди. Бундай ҳолатда шифокор-мутахассис фуқарони тиббий текширувга (даволанишга) мухтожлиги ҳақида такрорий тиббий кўриқдан ўтиш учун келиш муддатини кўрсатган ҳолда хулоса беради ҳамда фуқаронинг ҳарбий хизматга вақтинча яроқсизлик муддати тугаганидан сўнг унинг ҳарбий хизматга яроқлилиги ҳақида якуний хулоса чиқарилади.

37. Мазкур Низомнинг 7-банди «б» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар ҳарбий хизматга вақтинча яроқсиз деб топилган фуқаролар тиббий текширувдан (даволанишдан) бош тортган ёки қочган ҳолларда олти ойдан сўнг қайта тиббий кўриқдан ўтказилиши лозим. Агар қайта тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида фуқаролар соғлиғининг салбий томонга ўзгариши ёки муддатли ҳарбий, муқобил ёки сафарбарлик чақируви резерви хизматини ўташга монелик қиладиган касаллик ва шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асоратлари аниқланмаса, соғлиғининг ҳолатига нисбатан қўйилган талаблар бўйича ҳарбий хизматга яроқли деб топилади.

38. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари ва давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари, шунингдек, МИББ бошлиқлари фуқароларни тиббий текшириш (даволаш) ишларини ўз вақтида ўтказиш учун тегишли чоралар кўради.

39. Мазкур Низомнинг 7-банди «б» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар бевосита ҳарбий хизмат ўташ жойига жўнатилишидан аввал, саломатлигига кўра чақирувга лойиқ бўлмаганлиги сабабли муддатли ҳар-

бий хизматга нотўғри чақирилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, МИБ йиғин пунктида назорат тиббий кўригидан ўтказилади.

Назорат тиббий кўригидан ўтказиш МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий хизмат жойларига жўнатишдан олдин ўтказиладиган назорат тиббий кўриги вақтида фуқароларнинг соғлиғи ҳолатида ҳарбий хизматга яроқлилик тоифасини ўзгартириб юборадиган салбий ўзгаришлар ёки оғиз бўшлиғи санацияси ўтказилмаганлиги аниқланса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чақирув комиссиялари туман (шаҳар) чақирув комиссияларининг хулосаларини бекор қилиб, ўз хулосаларини чиқаради.

Кўшинларни муддатли ҳарбий хизматчилар билан бутлаш наряди ба- жарилганидан сўнг, МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар кейинги чақирув тадбирлари бошлангунига қадар туман (шаҳар) МИББ ҳузуридаги тиббий комиссиялари катта шифокорларига услубий, амалий ёрдам кўрсатади, жойларда ўтказилаётган даволаш-соғломлаштириш ишларини назорат қилади.

40. Мазкур Низомнинг 7-банди «б» кичик бандида назарда тутилган фуқароларда (кўшинларга жўнатиш вақтида) белгиланган ҳужжатларнинг барчаси мавжудлиги учун МИБ бошлиқлари, тиббий ҳужжатларнинг тўлиқ ва сифатли расмийлаштирилганлиги учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органларининг раҳбарлари масъулдирлар.

МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар йил давомидаги фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўсмирлар ва чақирув ёшидаги ёшларга тиббий ёрдамни ташкил этиш маркази ва МХТКга тақдим қилади.

41. Йиғин пунктидан қайтарилган ҳар бир фуқаро бўйича хизмат текширувини ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чақирув комиссиялари раислари томонидан туман (шаҳар) МИББ номига расмий хизмат хати жўнатилиб, унда фуқаронинг қайтарилиш сабаблари кўрсатилади.

42. Фуқаролар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чақирув комиссияларининг ўзига нисбатан чиқарилган ҳарбий хизматга яроқлилик тоифаси бўйича хулосаларидан норози бўлиб мурожаат қилган фуқаролар чақирув комиссиялари қарори асосида РМТК, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар муқобил тиббий комиссиялари ёки МХТКда назорат тиббий кўригидан ўтиши мумкин. Ҳарбий-тиббий муассасаларда назорат тиббий текширув ва тиббий кўриқдан ўтказиш фақат Мудофаа вазирлиги МХТК раисининг рухсати билан амалга оширилади.

Айрим ҳолатларда фуқаролар бевосита МХТКга юборилишлари мумкин. Зарурат туғилганда, тиббий текширув ўтказиш учун тегишли вазирлик ва идораларнинг бош тиббий мутахассислари жалб этилади.

Тиббий текширувдан сўнг текширув натижалари қайд этилган эксперт ҳужжат (тиббий кўриқдан ўтказиш варақаси, маълумотнома, касаллик тўғрисида гувоҳнома ва ҳ. к.) тақдим этилади ва унинг асосида чақирув комиссияси томонидан фуқаронинг ҳарбий хизматга яроқлилиги тўғрисида якуний хулоса қабул қилинади.

43. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари ҳамда Қуролли Кучлар тасарруфидаги ҳарбий қисмлар, муассасалар, ХТМлар, корхона ва ташкилотларнинг тиббиёт хизмати ўртасида чақирилувчиларнинг соғлиғини ўрганиш, уларга нисбатан профилактика ва даволаш-соғломлаштириш тadbирларини ўтказишда узвий боғлиқликни таъминлаш мақсадида МИББ муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларнинг бошқа ҳужжатлари билан бир қаторда, амбулатор шароитда даволанувчи беморнинг тиббий варақаси билан бирга ҳарбий қисмга (муассасага) чақирув участкасида қайд этиш вақтида ва муддатли ҳарбий хизматга чақириш вақтида ўтказилган тиббий текширув ва тиббий кўрикдан ўтказиш маълумотлари киритилган илова варағини ҳам юборади.

5-боб. Фуқароларни сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилишда ва хизматни ўташ даврида тиббий кўрикдан ўтказиш

44. Мазкур Низомнинг 7-банди «в» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш туман (шаҳар) МИББ ҳузуридаги тиббий комиссия зиммасига юкланади.

Мазкур Низомнинг 7-банди «в» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар мажбурий диагностик текширувлардан ўтказилади.

45. Мазкур Низомнинг 7-банди «в» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилганидан сўнг МИББ ҳузуридаги тиббий комиссиялар уларга нисбатан мазкур Низомнинг 30-бандида келтирилганидек ҳарбий хизматга яроқлилик тўғрисидаги хулосаларни қабул қилади.

46. Даволашга ва тиббий кузатувга муҳтож фуқаролар туман (шаҳар) МИББ томонидан ҳисобга олинади. Улар тўғрисидаги маълумотлар даволаш-соғломлаштириш чораларини ўтказиш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига юборилади.

Тиббий текширув (даволаниш) якунига етгач, мазкур Низомнинг 7-банди «в» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар қайта тиббий кўрикдан ўтказилади ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилинишлари мумкин (чақирув даврида).

47. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилинган фуқаролар бир ойлик ҳарбий йиғинга жўнатилишидан 10 кун олдин МИБ ҳузуридаги тиббий комиссия шифокор-мутахассислари томонидан тиббий текширувдан ўтказилади.

48. Бир ойлик ҳарбий йиғинни ўтамаган ва тиббий комиссиялар томонидан саломатлигига кўра Е ва F яроқлилик тоифалари тайинланган, мазкур Низомнинг 7-банди «г» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади. МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялари томонидан хулоса қабул қилинганидан сўнг эксперт ҳужжатлар расмийлаштирилади, улар бошқа тиббий ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун МХТКга юборилади.

49. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари билан ҳарбий қисм тиббиёт хизмати ўртасида узвий боғлиқликни таъминлаш мақсадида МИББ томонидан ҳарбий йиғинга юборилаётган, мазкур Низомнинг 7-банди «г» кичик бандида назарда тутилган фуқароларнинг амбулатор бемор тиббий варақалари билан биргаликда илова қилиб тикиладиган варақалар ҳам юборилади.

Мазкур Низомнинг 7-банди «г» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар ҳарбий йиғин жойларига етиб келгач, биринчи сутка давомида ҳарбий қисм тиббий хизмати томонидан тиббий текширувдан ўтказилади.

Тиббий текширув натижасида мазкур Низомнинг 7-банди «г» кичик бандида назарда тутилган фуқарода стационар шароитда даволанишни талаб этадиган ва ҳарбий йиғин ўташга монелик қиладиган ўткир касалликлар, жароҳатлар аниқланса, у соғломлаштириш учун чақирув жойидаги МИБга қайтарилади ҳамда ҳарбий йиғинларга кейинги ойлarda юборилиши лозим. Е ва F яроқлилик тоифалари бўйича хулоса беришни назарда тутувчи касалликлар ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асоратлари аниқланган шахслар ҳам МИБ ҳузуридаги тиббий комиссияда қайта тиббий кўриқдан ўтиш учун МИБга қайтарилиши лозим.

50. Бир ойлик ҳарбий йиғинларни ўташ даврида мазкур Низомнинг 7-банди «г» кичик бандида назарда тутилган фуқарода стационар равишда даволанишни талаб этадиган ва ҳарбий йиғин ўташ учун монелик қиладиган касаллик, жароҳат аниқланган ҳолларда, у тиббий текширув (даволаш) учун ҳарбий-тиббий муассасага юборилади. Стационар даволаниш муддати 10 суткадан ошиб кетса ёки ҳарбий йиғинни ўташга монелик қиладиган касалликлар аниқланган ҳолларда, фуқаро соғломлаштириш ва тиббий кўриқдан ўтиш учун йиғинга жалб қилган МИБга қайтариб юборилади.

Зарурат туғилганда, мазкур Низомнинг 7-банди «г» кичик бандида назарда тутилган, бир ойлик ҳарбий йиғинни ўтаётган фуқаро сафарбарлик чақируви резерви батальони командирининг қарорига асосан ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки ҳарбий-тиббий муассаса бошлиқлари томонидан тиббий кўриқдан ўтказиш учун ХТКга юборилади.

51. Бир ойлик ҳарбий йиғинга чақирилган ва ҳарбий йиғинни ўташ даврида шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олган, мазкур Низомнинг 7-банди «г» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар, уларнинг ҳарбий хизматга яроқлилик тоифаси ўзгариши ёки ўзгармаслигидан қатъи назар тиббий кўриқдан ўтказилади, бир ойлик ҳарбий йиғинни ўташ даврида касалланганлар эса касаллик уларни ҳарбий хизматга яроқсизликка олиб келадиган ҳолатларда тиббий кўриқдан ўтказилади.

52. Мазкур Низомнинг 7-банди «г» кичик бандида назарда тутилган, ХТК томонидан тиббий текширув ва тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича саломатлигига кўра Е ва F яроқлилик тоифалари тайинланган фуқароларга эксперт ҳужжатлари расмийлаштирилади ҳамда бошқа тиббий ҳужжатлар билан бир қаторда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун МХТКга юборилади.

6-боб. ХТМга ўқишга кираётган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш

53. Ҳарбий хизматни ўтамаган ва ХТМга ўқишга кираётган номзодларни (кейинги ўринларда — номзодлар) тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш:

Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардия учун — туман (шаҳар) МИББ-нинг;

ДХХ учун — ДХХ ҳудудий бошқармалари ҳарбий-тиббиёт хизматларининг зиммасига юкланади.

МИББнинг (ДХХ ҳудудий бошқармалари ХТКнинг) йўлланмасига кўра номзодлар тиббий кўриқдан ўтказилишидан олдин давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида мажбурий диагностик текширувлардан ўтадилар.

Ташхисга аниқлик киритиш мақсадида номзод МИББ (МИБ) ҳузуридаги тиббий комиссияси (ДХХ ҳудудий бошқармалари ХТК) томонидан амбулатор (стационар) равишда тиббий текширувдан ўтказиш учун давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларига юборилиши мумкин.

54. Номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ёш фуқаролар орасидан (ДХХ ХТМга кираётган номзодлардан ташқари) уч босқичда: бирламчи — МИББ ҳузуридаги тиббий комиссиялар, такрорий — МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар, якуний — ХТМ ҳузуридаги ХТК томонидан;

ҳарбий хизматчилар таркибидан (ДХХ ХТМга кираётган номзодлардан ташқари) икки босқичда: бирламчи — тегишли вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ХТК, якуний — ХТМ ҳузуридаги ХТК томонидан;

ДХХ ХТМга кираётган номзодлар икки босқичда: бирламчи — ДХХ ҳудудий бошқармаларнинг ХТК, якуний — ХТМ ҳузуридаги ХТК томонидан;

Номзодларнинг тиббий текширув натижалари эксперт ҳужжатларига, ҳарбий хизматчилар таркибидаги номзодларнинг тиббий текширув натижалари эса, шу жумладан, уларнинг тиббий китобчаларига ҳам қайд этилади.

55. Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббий факультетга ўқишга кираётган олий тиббий таълим муассасалари талабаларини тиббий кўриқдан ўтказиш қуйидагича амалга оширилади: бирламчи — МИБ (МИББ) ҳузуридаги тиббий комиссиялар, якуний — Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббий факультети ҳузуридаги ХТК томонидан.

56. Номзодни якуний тиббий кўриқдан ўтказиш вақтида, зарурат туғилганда, мажбурий диагностик текширувлардан ташқари қабул комиссияси раисининг йўлланмасига биноан номзод лаборатор, рентгенологик ва бошқа қўшимча тиббий текширувлар, ҳатто, ҳарбий-тиббий муассасада стационар равишда текширувдан ўтказилиши ҳам мумкин.

Номзодни ўқишга киришга яроқсизлиги тўғрисидаги ХТК хулосаси ҳаққоний ва қатъий асосланган бўлиши керак. Саломатлигига кўра танлов ўтказишга йўл қўйилмайди.

57. Тиббий кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра номзодларга нисбатан тиббий комиссия ва ХТК томонидан қўйидаги хулосалар қабул қилинади:

(ХТМ, факультет номи кўрсатилади)га ўқишга киришга яроқли;
кейинги тиббий кўриқдан ўтказиш шарти билан стационар (амбулатор) равишда текширувдан ўтиши лозим;

(ХТМ, факультет номи кўрсатилади)га ўқишга киришга яроқсиз.

58. Қуролли Кучлар Академиясига ўқишга кираётган офицерлар таркибидаги шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши қўйидаги тартибда амалга оширилади:

бирламчи — тегишли вазирлик ва идоралар ХТК томонидан;

такрорий — тегишли вазирлик ва идоралар марказий поликлиникалари ҳузуридаги ХТК томонидан;

яқуний — Қуролли Кучлар Академияси ҳузуридаги ХТК томонидан.

Қуролли Кучлар Академиясига ўқишга кираётган, шунингдек, хорижий давлатларнинг ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга (малака оширишга) юборилаётган номзодларнинг тиббиёт китобчаларида сўнгги уч йил давомида диспансеризация натижалари ҳақидаги маълумот бўлмаса, улар стационар равишда текширув ва тиббий кўриқдан ўтказиш учун Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталига юборилади.

Офицерлар таркибидаги шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларни малака ошириш факультетларига ўқишга кириш вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш тегишли вазирлик ва идоралар ХТКда амалга оширилади.

59. Оддий аскар ва сержантлар таркибидаги шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларни ХТМ, офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсига ўқишга юбориш вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш тегишли вазирлик ва идоралар ХТКда амалга оширилади.

60. Яқуний тиббий кўриқдан ўтказиш вақтида саломатлигига кўра ХТМга ўқишга киришга яроқсиз деб топилган номзодларнинг эксперт ва ҳисобот ҳужжатлари ХТК иши яқунланганидан сўнг уч кунлик муддатда МХТКга юборилади.

ХТМдан келиб тушган эксперт ҳужжатлари (касаллик тўғрисида гувоҳнома, маълумотномалар, тиббий кўриқдан ўтказиш варақаси ва бошқа тиббий ҳужжатлар) МХТКда ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш яқунларига қараб, йилнинг 1 сентябрига қадар хизмат текшируви ўтказиш учун номзодларни дастлабки саралашдан ўтказган МИБ, ХТКга юборилади.

МИБ (МИББ) бошлиқлари ва ХТК раислари томонидан ўтказилган хизмат текшируви материаллари йилнинг 1 ноябрига қадар МХТКга тақдим қилинади.

61. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети талабалари иккинчи босқични тугатганидан сўнг Мудофаа вазирлиги Марказий поликлиникасида чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказилади.

Чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтаётганда, ушбу ХТМда таҳсил олишни давом эттиришга монелик қиладиган касалликлар аниқланган

шахслар ҳарбий-тиббий муассасаларда стационар (амбулатор) равишда тиббий текширув ва тиббий кўриқдан ўтказилиши лозим.

7-боб. Ҳарбий хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш

62. Ҳарбий хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун йўлланма ҳарбий қисм командирлари (муассаса бошлиқлари), ҳарбий прокуратура органлари ёки суд томонидан берилади.

Тиббий кўриқдан ўтказиш учун йўлланма тегишли командир (бошлиқ)-нинг қарорига асосланган ҳолда штаб бошлиғи (лавозими унга тенглаштирилган) ва ундан юқори лавозимда турган бошлиқ ҳамда кадрлар бўлинмаси бошлиғи томонидан имзоланиши мумкин.

Тиббий кўриқдан ўтказишга йўлланаётган ҳарбий хизматчиларнинг қуйидаги ҳужжатлари ХТКга тақдим этилади:

йўлланаётган шахснинг ҳарбий унвони, фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими, қачон, қайси МИББ томонидан ҳарбий хизматга чақирилганлиги, тиббий кўриқ ўтказишдан кўзланган мақсад ва дастлабки ташхис кўрсатилган йўлланма;

шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

хизмат ва тиббий тавсифномалар;

тиббий китобча.

Шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олганлиги сабабли тиббий кўриқдан ўтказишга юборилаётган ҳарбий хизматчиларга шикаст (ярадорлик, жароҳат) олиш ҳолати тўғрисидаги маълумот берилган ҳужжат ҳам тақдим этилади.

Тиббий текширув ёки даволаш жараёнида ҳарбий хизматчида F яроқлилиқ тоифаси тайинлашни кўзда тутадиган касаллик ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асоратлари аниқланган ҳолатларда ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган (ўқиётган) ҳарбий қисм командирига (муассаса бошлиғи) хабар берилган ҳолда, тиббий кўриқдан ўтказиш ҳарбий-тиббий муассаса бошлиғининг кўрсатмасига биноан амалга оширилади ва бу ҳақидаги маълумот касаллик тарихида қайд этилади.

63. Ҳарбий-тиббий муассасаларда даволанаётган фуқароларда (шу жумладан, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ва Қуролли Кучлар резервига бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларда) стационар даволанишдан сўнг, алоҳида ҳолатларда — касаллик ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асоратлари бўйича аниқланган тиббий-эксперт оқибати қайд этилганда ХТК томонидан тиббий кўриқдан ўтказилади.

64. Алоҳида ҳолатларда ХТК хулосасига кўра, ҳарбий хизматчилар ташхисга аниқлик киритиш ёки махсус даволаниш учун давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги ихтисослаштирилган даволаш-профилактика ёки илмий-тадқиқот муассасаларига юборилиши мумкин. Тиббий текширувлар (даволаниш) якунлангач, ҳарбий хизматчилар ХТК томонидан қайта тиббий кўриқдан ўтказилади. Ўтказилган тиббий текширув (даволаниш)га сарф

қилинган тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

65. Муддатли ҳарбий хизматчилар шартнома бўйича ҳарбий хизматга кириш вақтида бирлашмалар комиссиялари томонидан ҳарбий-касбий саралашдан ўтказилгач, ХТК томонидан мазкур Низомнинг 104-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошида қайд этилган тиббий ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолда тиббий кўриқдан ўтказилади.

Ҳарбий хизмат ўташ муддатини узайтириш тўғрисида янги шартнома тузиш истагини билдирган шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар қисм командирининг (муассаса бошлиғи) қарорига биноан, ҳарбий хизматда бўлишнинг белгиланган ёш чегарасидан ўтганлар эса янги шартнома тузиш ҳолатларида мажбурий тарзда тиббий кўриқдан ўтказилади.

66. Тиббий кўриқдан ўтиш натижалари асосида ХТК ҳарбий хизматчиларга нисбатан қуйидаги хулосаларни чиқаради:

А — ҳарбий хизматга яроқли;

В — айрим чеклашлар билан ҳарбий хизматга яроқли;

С — чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли;

Д — вақтинча ҳарбий хизматга яроқсиз;

Е — тинчлик даврида ҳарбий хизматга яроқсиз, уруш даврида чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли;

Ғ — ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда ҳарбий хизматга яроқсиз;

санаторий (санаторий ихтисоси кўрсатилади) шароитида даволаниши лозим.

Чекланиш билан яроқлилик тўғрисида хулоса қабул қилинганда, ХТК ўз хулосасида қайси турдаги хизмат ва ишларга қарши кўрсатмалар мавжудлигини яқка тартибда кўрсатиши мумкин.

67. Ҳарбий хизматчини касаллиги туфайли таътилга чиқариш ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод қилишга (кейинги ўринларда — озод қилиш) муҳтожлиги тўғрисидаги хулоса ҳарбий хизматга вақтинча яроқсизлик кўзда тутилган ҳолатларда берилади.

Ҳарбий хизматчининг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришга кириша олиши мумкин бўлган муддат бир ойдан кам бўлмаган ҳолатларда ХТК касаллик туфайли таътилга муҳтожлик тўғрисида хулоса чиқаради.

Судланган ёки интизомий ҳарбий қисмда жазони ўтаётган муддатли ҳарбий хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказишда ХТК томонидан уларнинг касаллик туфайли таътилга муҳтожлиги тўғрисидаги хулоса қабул қилинмайди. Уларнинг даволаниши ҳарбий госпиталь ёки интизомий ҳарбий қисм тиббиёт пунктида яқунланиши лозим.

Муддатли ҳарбий хизматчилар касаллик таътили тугаганидан сўнг мажбурий тарзда ҳарбий хизматга яроқлилик тоифасини аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтказилади, бунда эксперт ҳужжати ва чиқиш эпикризида тиббий кўриқдан ўтказиладиган манзил (ХТК ёки ҳарбий-тиббий муассаса) кўрсатилиши зарур.

68. Касаллик таътилининг давомийлигини касаллик ёки шикастланишнинг (ярадорлик, жароҳатнинг) хусусияти, оғирлик даражаси ва асоратла-

рига қараб ХТК белгилайди. Ҳарбий хизматчига касаллик таътили 30 суткадан 60 суткагача бўлган муддатга берилади.

Муддатли ҳарбий хизматчиларга касаллик таътили алоҳида ҳолатларда 60 суткадан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчига касаллик туфайли бериладиган таътил ҳар сафар 30 суткадан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчининг узлуксиз даволаниш вақти, касаллик туфайли бериладиган таътил муддатини кўшиб ҳисоблаганда, тўрт ойдан ошмаслиги лозим (сил касаллигига чалинганлар учун — ўн икки ой). Зарурат туғилганда, даволаниш муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилиши мумкин. Даволаниш ва касаллик таътилининг белгиланган энг кўп муддатлари ўтганидан сўнг шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматга яроқлилигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказилади.

Ҳарбий хизматчи-аёлларга ХТК хулосаси асосида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга ҳомиладорлик ва туғуруқ бўйича таътиллари берилади.

Касаллик туфайли таътилга муҳтож бўлган ХТМ курсантларини (тингловчиларини) ўқув жараёни узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ХТК таътил ўрнига ўқув машғулотларига қатнашиш шarti билан таътилнинг кўзда тутилган муддатида хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий хизматдан бўшатиш вақтида касаллиги туфайли хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод қилиш ёки таътилга муҳтожлик тўғрисидаги хулосалар чиқарилмайди (мазкур Низомнинг 72-бандида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

Ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш имконияти тикланмаслиги юзасидан шубҳага ўрин қолдирмайдиган асослар мавжуд бўлган ҳолатларда, ХТКнинг ҳарбий хизматга вақтинча яроқсизлик тўғрисидаги хулосаси чиқарилмайди, аксинча хизматчининг ҳарбий хизматга яроқлилиги тоифаси тўғрисидаги масала ҳал этилади.

69. Мазкур Низомнинг 67-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилмаган ҳолатларда, ХТК ҳарбий хизматчининг 7 суткадан 15 суткагача бўлган муддатга хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод қилишга муҳтожлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

ХТК ҳарбий хизматчининг хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод қилишга муҳтожлиги тўғрисида такрорий хулоса чиқарилиши мумкин, лекин озод қилишнинг умумий муддати 30 суткадан ошмаслиги лозим.

70. Соғлиғининг ҳолати бўйича ҳарбий хизматга нотўғри чақирилган муддатли ҳарбий хизматчиларни (касаллик ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) оқибатларининг сабаби Куролли Кучлардаги хизмат билан боғлиқ бўлмаганда) тиббий кўрикдан ўтказиш стационар текширувдан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати томонидан унинг ҳудудий органлари шифокор-мутахассислари ёки МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар шифокор-мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилади. Ҳамкорликда ўтказилган тиббий кўрик маълумотлари касаллик тарихига, ҳарбий хизматчи-

нинг тиббий китобчасига қайд этилади, мутахассис-шифокорларнинг шахсий имзоси ва муҳри билан тасдиқланади, эксперт ҳужжатларида (касаллик тўғрисидаги гувоҳнома, маълумотнома, тиббий кўрикдан ўтказиш варақаси ва бошқа тиббиётга оид ҳужжатларда) кўрсатиб ўтилади.

ХТКнинг ҳарбий хизматга яроқсизлик тўғрисидаги хулосаси МХТК томонидан тасдиқланганидан сўнг улар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиладилар.

71. Саломатлигига кўра ҳарбий хизматга нотўғри чақирилган ва Қуролли Кучлар сафидан қайтарилган муддатли ҳарбий хизматчилар қўшимча тиббий текширув ва такрорий тиббий кўрикдан ўтказилмайди.

Саломатлигига кўра ҳарбий хизматга нотўғри чақирилган муддатли ҳарбий хизматчини Қуролли Кучлардан бўшатишнинг ҳар бир ҳолати бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари томонидан МИБ билан ҳамкорликда батафсил хизмат текшируви ўтказилиб, мазкур Низомнинг 7-банди «б» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни тиббий текширув ва тиббий кўрикдан ўтказиш ишларининг сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Хизмат текшируви натижаларига кўра хатоликларга йўл қўйган мутахассис-шифокорлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари раҳбарларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўрилади.

Хизмат текшируви ҳужжатларининг нусхалари жорий йилнинг 1 июнига қадар МХТК ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўсмирлар ва чақирилувчи ёшларга тиббий ёрдамни ташкил этиш марказига тақдим этилади.

Муддатли ҳарбий хизматчини саломатлигига кўра Қуролли Кучлардан бўшатишнинг ҳар бир ҳолати тўғрисида (сабабий боғлиқлигидан қатъи назар) МИБ бошлиқлари томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий органлари раҳбарлари ёзма равишда хабардор қилинади.

72. Агар шартнома бўйича ҳарбий хизматчига F яроқлилик тоифаси тайинланган бўлса ҳамда у ҳарбий хизматдан бўшаш тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштириш даврида саломатлигига кўра ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажара олмаса, ХТК ҳарбий хизматга яроқсизлик ҳақидаги хулоса билан биргаликда ҳарбий хизматдан бўшатиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун зарур бўлган, бироқ 30 суткадан ортиқ бўлмаган муддатга хизмат мажбуриятларини бажаришдан озод қилишга муҳтожлиги тўғрисида қўшимча хулоса чиқаради.

Агар тиббий кўрикдан ўтаётган шахсда алоҳида олганда юзага чиқиш даражаси бўйича фуқаролар соғлиғи ҳолатига нисбатан қўйиладиган талабларда кўзда тутилган чекланиш даражасига етмаган, ammo биргаликда D, E ёки F тоифалар бўйича яроқсизликни келтириб чиқарадиган бир нечта касаллик аниқланган бўлса, комиссия юқорида кўрсатилган хулосалардан бирини чиқаради. Бунда якка ҳолда баҳолаш пайтида касалликларнинг ўзаро алоқадорлиги ва уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришга таъсири, касалликни олдиндан тахмин қилиш, тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг ёши, умумий хизмат муддати ва бошқа мезонларни ҳисобга олиш зарур.

Агар тиббий кўрикдан ўтаётган шахсда фуқаро соғлиғининг ҳолатига

нисбатан қўйиладиган талабларда назарда тутилмаган касаллик аниқланган бўлса, ХТК фуқаро соғлигининг ҳолатига нисбатан қўйиладиган мавжуд талаблар, патологик жараёнга, организмнинг зарарланган аъзоси ёки тизимига энг ўхшаш ҳолатлар асосида хулоса чиқаради.

73. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда уларнинг ҳарбий хизматга яроқлилик тоифасини яқка тартибда баҳолаш усули ҳар бир ҳолатда қўлланилиши лозим. ХТК уларнинг ҳарбий мутахассислиги, тайёргарлиги, иш тажрибаси, маълумоти, ёши, амалда меҳнатга лаёқатлилиги, ҳарбий қисм қўмондонлиги ва шифокорининг фикрлари, тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг йўналтирилиши ва унинг соғлиги ҳолатига энг кўп мувофиқ келадиган ишда фойдаланишни инobatга олади.

74. ХТК томонидан С яроқлилик тоифаси тайинланган, ҳарбий хизматда бўлишнинг белгиланган ёш чегарасига етмаган ҳарбий хизматчилар соғлигининг ҳолати, тайёргарлиги ва хизмат тажрибасини инobatга олган ҳолда улар бажара оладиган бошқа лавозимларга ўтказилиши мумкин.

Ҳарбий хизматчига ХТК томонидан Е ёки F яроқлилик тоифалари тайинланиб, тегишли МХТКда тасдиқланган эксперт ҳужжатлари келиб тушгандан сўнг ҳарбий қисм командири (муассаса бошлиғи) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда уни Қуролли Кучлар сафидан бўшатиш тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштиради.

75. Бўйи 190 см ва ундан баланд бўлган муддатли ҳарбий хизматчилар, ХТМ курсантларига нисбатан тегишли аломатларга қараб ХТК томонидан асосида уч ойдан кўп бўлмаган муддатга белгиланган озиқ-овқат меъёрининг тенг ярми миқдоридаги қўшимча овқат билан таъминлаш тўғрисида хулоса чиқарилади.

Қўшимча овқат билан таъминлаш муддатини узайтириш зарурияти туғилганда такрорий хулоса чиқарилади.

Ушбу хулосанинг чиқарилишига сабаб бўлувчи ҳолатлар: кайфиятнинг ёмонлашишига оид шикоятлар, очлик ҳисси, овқатланишдан сўнг тўйиш ҳиссининг йўқлиги, шунингдек, ҳарбий хизматчи вазнининг салбий томонга ўзгариши.

76. Ўзбекистон Республикасини химоя қилиш, ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш, фавқулодда вазиятлар шароитида вазифаларни бажариш, қўшинлар иштирокидаги махсус ҳаракатлар (операциялар) ёки бошқа жанговар ҳаракатларни ўтказиш вақтида касаллик орттирган ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олган ҳарбий хизматчиларни, шунингдек, жанговар ҳаракатлар олиб борилган хорижий давлатларда ҳарбий хизматни ўташ даврида, чет элда разведка ва контрразведка ишларини олиб борган даврида касалланган ҳарбий хизматчилар, муддатидан қатъи назар, стационар равишда даволангандан сўнг баъзи ҳолларда касаллик ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асорати бўйича тиббий-эксперт оқибати қайд этилганда тиббий кўрикдан ўтказилади.

77. Ҳарбий йиғинларни ўташ даврида шикастланиш (ярадорлик ва жароҳат) олган фуқаролар, ҳарбий хизматга яроқлилик тоифасининг ўзгариш ёки ўзгармаслигидан қатъи назар, ҳарбий йиғинларни ўташ даврида касал-

лик орттирган фуқаролар эса касаллик уларнинг ҳарбий хизматга яроқликлик тоифаси ўзгаришига сабаб бўлганда ёки уни ҳарбий хизматга яроқсизликка (шу жумладан, вақтинчалик) олиб келганда тиббий кўрикдан ўтказилади.

78. Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи ёки унинг оила аъзолари даволанишни давом эттириш учун бир даволаш-профилактика (ҳарбий-тиббий) муассасасидан бошқасига ўтказилишга муҳтож бўлса, шунингдек, ҳарбий хизматда бўлишининг белгиланган ёш чегарасига етган, саломатлигига кўра ёки ташкилий-штат тадбирлари туфайли ҳарбий хизматдан бўшатишга ҳамда ҳарбий хизматда бўлишнинг умумий давомийлиги 20 йил ва ундан кўп бўлган катта офицер стационар даволанишга муҳтож бўлиб, унинг даволаниш манзилига бориши билан боғлиқ бўлса, ХТК уларнинг кўчиришга муҳтожлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

79. Ҳарбий хизматда бўлишнинг белгиланган ёш чегарасига етган, саломатлигига кўра ёки ташкилий-штат тадбирлари туфайли ҳарбий хизматдан бўшатишга ҳамда ҳарбий хизматда бўлишнинг умумий давомийлиги имтиёзли ҳисобга кўра 20 йил ва ундан кўп бўлган катта офицер ёки унинг оила аъзолари даволаниш учун давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларига (шу жумладан, идоравий, ҳарбий-тиббий ёки санаторий-курорт муассасаларига) бораётганда, бундан ташқари, соғлиги туфайли таътил берилган ёки ҳарбий хизматдан резервга бўшатишга (истеъфога чиқарилганда) сўнг яшаш манзилига бораётганда кузатиб борувчига муҳтож бўлса, ХТК кузатиб борувчиларга муҳтожлик тўғрисида, уларнинг сонини кўрсатган ҳолда, хулоса чиқаради.

Тиббий кўрикдан ўтувчининг саломатлиги, унинг тиббий ёрдам ва ўзгаришлар кўмагига муҳтожлик ҳолатига қараб, ХТК тиббий кўрикдан ўтувчи ва уни кузатиб борувчи шахсларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ҳарбий ташувчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда ҳаво ёки темир йўл транспортида юришга муҳтожлиги ҳақида хулоса чиқариши мумкин.

Изоляцияга муҳтож беморга нисбатан ХТК у ва беморни кузатиб борувчи шахсларнинг белгиланган манзилгача темир йўл транспортининг алоҳида купесидида кетишлари лозимлиги ҳақида хулоса чиқаради.

80. Соғлиги туфайли мамлакатнинг алоҳида ҳудудларида ҳарбий хизматни ўташга (яшашга) яроқлилигини аниқлаш учун шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказиш ҳарбий хизматчиларнинг оғир иқлим шароитларида ҳарбий хизматни ўташи ва унинг оила аъзолари яшашига қарши тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган тиббий кўрсатмалар инobatга олинган ҳолда амалга оширилади.

81. Ҳарбий хизматчилар идоравий тиббий таъминот хизмати томонидан диспансеризация қилинади. Диспансеризацияни ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади.

Диспансеризация даврида ҳарбий хизматчиларда ҳарбий хизматни ўташга монелик қиладиган шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асоратлари ёки касалликлар аниқланса, улар стационар текширувдан ўтиш ва даволаниш учун

ҳарбий-тиббий муассасаларга юборилади ва кейин ҳарбий хизматга яроқлик тоифасини аниқлаш учун ХТК томонидан тиббий кўриқдан ўтказилади.

82. Мазкур Низомнинг 7-банди «г» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш пайтида уларда касаллик, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) оқибатлари мавжуд бўлганида тиббий комиссия ёки ХТК мамлакатнинг тиббий кўриқдан ўтказилаётган шахс юборилаётган географик иқлим шароитларида патологик жараённинг ривожланишини олдиндан инobatга олган ҳолда хулоса чиқаради.

Мазкур шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш, тиббий комиссиялар ва ХТК хулосаларининг баён этилиши, шунингдек, эксперт ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади.

8-боб. ХДҚ ва уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмларга хизматга танланаётган ва уларда хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш

83. Фуқароларни ХДҚ ва уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмлардаги хизматга яроқчилигини аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тегишли вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ХТК томонидан амалга оширилади.

Тиббий кўриқдан ўтказилаётган шахслар мажбурий диагностик текширувларга қўшимча равишда организмнинг оғир жисмоний зўриқишлар ва паст атмосфера босимидаги фаолиятга мослашувини аниқлаш текширувларидан ўтади.

84. ХТК ХДҚ ва уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмларга хизматга танланаётган фуқаролар ва уларда хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қуйидаги мазмундаги хулосалар чиқарилади:

ХДҚ ва уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмлардаги хизматга яроқли; айрим чекланишлар билан ҳарбий хизматга яроқли;

ХДҚ ва уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмлардаги хизматга яроқсиз; чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли;

тинчлик даврида ҳарбий хизматга яроқсиз, уруш даврида чекланган равишда ҳарбий хизматга яроқли;

ҳарбий ҳисобдан чиқарилган ҳолда ҳарбий хизматга яроқсиз;

ХДҚ ва уларга тенглаштирилган ҳарбий қисмлардаги хизматга яроқли. 6 — 12 ойдан (муддат кўрсатилсин) сўнг қайта тиббий кўриқдан ўтказиш шarti билан парашют билан сакрашга вақтинча яроқсиз.

стационар (амбулатор) равишда текширувдан ўтказилиб, сўнгра тиббий кўриқдан ўтиши лозим.

Махсус бўлинмаларда (ҳарбий қисмлар) хизмат қилиш учун саралаб олинаётган фуқароларни, бундай бўлинмаларда (ҳарбий қисмлар) хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказишда ХТК ўз хулосасида текширилувчи қайси бўлинмада хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатишга ҳақли.

85. ХДҚ ва унга тенглаштирилган қисмларда ҳарбий хизматни ўтаётган

ҳарбий хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш вақтида уларда парашют билан сакрашга монелик қиладиган касалликлар ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асоратлари аниқланганда ХТК кейинчалик тиббий кўриқдан ўтказиш шарти билан мазкур ҳарбий хизматчиларнинг парашют билан сакрашга вақтинча яроқсизлиги (муддати кўрсатилган ҳолда) тўғрисида хулоса чиқаради. ХТК тиббий кўриқдан ўтаётган шахснинг парашют билан сакрашга яроқлилик тоифаси тўғрисидаги хулоса чиқаришда Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланган Қуроли Кучлар авиациясининг учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низом талабларига таянади.

Такрорий тиббий кўриқдан ўтказиш вақтида ХТК парашют билан сакрашга яроқлилик тўғрисидаги хулоса чиқаришда ХДК ва унга тенглаштирилган ҳарбий қисмлардаги хизматга яроқлилик масаласини ҳам кўриб чиқади.

9-боб. Ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишга тайинланаётган (қабул қилинаётган) ва ишлаётган ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш

86. Мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳарбий қисм тиббиёт хизмати бошлиғи ҳамда қўмондонлик вакили иштирок этиши шарти билан тегишли вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ХТК томонидан амалга оширилади.

87. Ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ лавозимлар ва ҳарбий ҳисоб мутахассисликлари рўйхати тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади.

88. Мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни дастлабки тиббий кўриқдан ўтказмасдан ишга тайинлаш тақиқланади.

89. Ҳарбий қисм қўмондонлиги мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган, тиббий кўриқдан ўтказиш лозим бўлган фуқаролар рўйхатини тиббий кўриқдан ўтказиш мақсади, иш стажининг давомийлиги, дозиметрик назоратнинг шахсий воситаларидан олинган маълумотларни кўрсатган ҳолда ХТКга аввалдан тақдим этади. Тиббий кўриқдан олдин қўмондонлик вакили ХТК аъзоларини тиббий кўриқдан ўтаётган шахсларнинг иш шароитлари билан таништиради, ҳарбий қисм тиббиёт хизмати бошлиғи эса ХТК аъзоларига уларнинг комиссиялараро даврдаги саломатлигига оид тиббий кузатув натижалари ҳақида ахборот беради.

Мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш тиббий кўрсатмаларга қараб, лекин бир йилда камида бир марта амалга оширилади.

Мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар тиббий кўриқлар оралиғида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда тиббий кўриқка чақирилади.

90. Мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган

фуқароларнинг тиббий кўриқдан ўтказишга ўз вақтида юборилишига ҳарбий қисм командири (муассаса бошлиғи) ва тиббиёт хизмати бошлиғи жавобгардир.

91. Мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар турли сабабларга кўра (таътил, хизмат сафари, касаллик ва бошқа сабаблар) ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтмаган тақдирда, ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароитлари билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишга қўйилмайди.

92. Мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқароларга нисбатан тиббий комиссиялар ва ХТК қўйидаги хулосаларни чиқаради:

(тиббий кўриқдан ўтказилаётган шахсга қайси турдаги ишларга рухсат берилганлиги кўрсатилади) ишга яроқли;

кейинчалик тиббий кўриқдан ўтказиш шarti билан стационар (амбулатор) равишда текширувдан ўтиши лозим;

олти — ўн икки ойдан кейин (муддати кўрсатилади) тиббий кўриқдан ўтказиш шarti билан (тиббий кўриқдан ўтказилаётган шахс қайси турдаги ишларга рухсат берилмаганлиги кўрсатилади) ишга вақтинча яроқсиз;

(тиббий кўриқдан ўтказилаётган шахсга қайси турдаги ишларга рухсат берилмаганлиги кўрсатилади) ишга яроқсиз. Ҳарбий хизматга яроқли (яроқсиз) (ҳарбий хизматга яроқлилик тоифаси кўрсатилади).

93. Мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар соғлиғидан шикоят қилган, соғлиғи ҳолати сабабли ишдан вақтинча четлатилган ва касаллик туфайли таътилдан қайтиб келган, бошдан кечирган касаллик ёки олган шикастланишларига (ярадорлик, жароҳатларига) кўра ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишлашга яроқсиз деб топилиши мумкин бўлганлигида, ушбу шахслар навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказилиши лозим.

94. Олти — ўн икки ойдан кейин тиббий кўриқдан ўтказиш шarti билан ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишлашга аввал вақтинча яроқсиз деб топилган шахслар стационар равишда тиббий текширувдан ўтиш ва тиббий кўриқдан ўтказиш учун юборилади (хомиладорлик туфайли таътил берилган аёллар бундан мустасно).

95. Мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар ҳарбий меҳнатнинг зарарли ва салбий омиллари билан зарарланганлиги гумон қилиниб, стационар тиббий текширувдан ва тиббий кўриқдан ўтказиш учун ҳарбий-тиббий муассасаларга йўлланаётганда меҳнат шароити ва мутахассис иш жойининг санитар-гигиеник тавсифномаси тўғрисидаги маълумот акс этган ҳужжат тақдим этилади.

Мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар стационар тиббий текширувдан ўтказилгандан сўнг касбий касаллиги туфайли ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишлашга яроқсиз деб топилиши (вақ-

тинча ёки доимий) тахмин қилинган ҳолатларда, МХТК раисининг кўрсатмасига биноан ХТК ишида қатнашиш учун тегишли вазирлик ва идораларнинг санитария-эпидемиология хизмати тиббий мутахассислари жалб этилади.

96. Ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ бўлган мутахассислиги бўйича ишлашга тайинланаётган ва ишлаётган, мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида уларнинг ўз шикоятлари ва бу шикоятларнинг тавсифи, техника хавфсизлиги ва санитария қоидаларининг бузилиш ҳолатлари, бошидан ўтказган захарланиш ҳолатлари ёки юқумли касалликлар, дозиметрия назоратининг шахсий воситаларидан олинган маълумотлари, касбий анамнез маълумотлари, тиббий текшириш ва даволаш натижалари, ҳарбий меҳнатнинг зарарли ҳамда салбий омиллари билан ўткир ва сурункали шикастланиш ҳолатларида эса комиссиялараро даврда тиббий кўрикдан ўтаётган шахслар саломатлигининг тиббий кузатуви натижалари, тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг ҳарбий мутахассислик бўйича хизматга яроқлилиги тўғрисида ҳарбий қисм тиббиёт хизмати бошлигининг фикри инобатга олинади.

97. Ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишлашга яроқлиликни яқка тартибда баҳолаш вақтида ХТКнинг ишга яроқлилик тўғрисидаги хулосаси патологик жараённинг компенсация даражаси, ҳарбий мутахассислик, умумий ва касбий меҳнат стажи, тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг амалий меҳнат қобилияти ва йўналиши, қўмондонлик ва ҳарбий қисм тиббий хизмати бошлигининг фикри ҳисобга олинган ҳолда чиқарилади.

98. Алоҳида олганда ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишлашга монелик қилмайдиган бир нечта касалликлар мавжуд бўлган тақдирда, ХТК ишга яроқлилик ёки яроқсизлик тўғрисидаги хулосани касалликлар тавсифи ва функционал бузилишларнинг ифодаланганлик даражасини ҳисобга олиб, қатъий равишда яқка тартибда чиқаради.

99. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ҳамда ҳомиладорлиги аниқланган аёллар ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишлашга йўл қўйилмайди. Аёллар эмизиш даврида ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ бўлган мутахассислиги бўйича ишлашга йўл қўйилмайди.

100. Ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишга тайинланаётган (қабул қилинаётган) ҳамда ишлаётган, мазкур Низомнинг 7-банди «с» кичик бандида назарда тутилган фуқароларда ўтказиладиган тиббий текширувлар ҳажми, шунингдек, ҳарбий меҳнатнинг кўрсатиб ўтилган зарарли ва салбий омилларининг таъсири остида ишлаётганлар ўртасида ўтказиладиган даволаш-профилактика тадбирлари тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланади.

101. Ҳарбий меҳнатнинг соғлиқ учун хавfli ва ўта оғир шароити билан боғлиқ мутахассислиги бўйича ишлаётган ҳамда касб касаллиги, шикаст-

ланиш (ярадорлик, жароҳат) асоратлари мавжуд бўлган ишчи ва хизматчилар касбий меҳнатга лаёқатлигини йўқотиш даражасини аниқлаш мақсадида қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда тиббий кўриқдан ўтказиш учун тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясига (кейинги ўринларда — ТМЭ) юбориладилар.

10-боб. Ҳарбий хизматга мажбурларни тиббий кўриқдан ўтказиш

102. Ҳарбий хизматга мажбурларни тиббий кўриқдан ўтказиш МИББ бошлиғининг, Миллий гвардия, ПХДХ ва ДХХ ҳарбий қисм командирлари (бўлинма раҳбарлари) фармойишига (алоҳида ҳолатларда МХТК раисининг қарорига) биноан қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақиришда;

шартнома бўйича ҳарбий хизматга киришда;

ўқув, текширув ва махсус йиғинларга чақиришда;

ҳарбий хизматга мажбурларнинг соғлиғига оид шикоятлари ёки улар соғлиғидаги ўзгаришлар ҳақидаги бошқа маълумотлар (даволаш-профилактика муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари ва бошқалардан келган хабарлар ёки ҳужжатлар) мавжуд бўлганда;

ҳисобга олиш мақсадларида.

103. Резервга олинган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий йиғинларга жалб этиш йилида ва йиғинлар бошланишидан кўпи билан 2 ой аввал МИБ ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан мажбурий равишда тиббий кўриқдан ўтказилади.

104. Шартнома бўйича ҳарбий хизматга кираётган ҳарбий хизматга мажбурларни тиббий текширувдан ўтказишни ташкил этиш бўйича жавобгарлик тегишли вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ХТК зиммасига юкланади.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматга кираётган ҳарбий хизматга мажбурлар тиббий кўриқдан ўтказиш бошлангунга қадар ХТКга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (паспорт, ҳарбий гувоҳнома);

наркология, силга қарши, тери-таносил, руҳий-асаб касалликлари диспансерлари ва ОИТСга қарши кураш марказларидан маълумотномалар;

амбулатор равишда даволанган беморнинг тиббий варақасидаги охириги беш йил давомида олиб борилган қайдлардан кўчирма.

мажбурий диагностик текширув натижалари.

105. Шартнома бўйича ҳарбий хизматга чақирилаётган ҳарбий хизматга мажбурларга нисбатдан ХТК томонидан чиқариладиган хулосалар мазкур Низомнинг 7-банди «б» кичик бандида назарда тутилган фуқароларга чиқариладиган хулосалар билан бир хил бўлади.

106. Ҳарбий хизматга яроқлилик тоифаси якка тартибда аниқланиши кўзда тутилган касалликлар, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) оқибатла-

ри мавжуд бўлган шахсларга нисбатдан тиббий комиссия ва ХТК томонидан ҳарбий хизматга яроқлилиқ тўғрисида хулоса ҳарбий хизматга яроқлилиқни энг юқори даражада чеклаш асосида чиқаради.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматга кираётган ҳарбий хизматга мажбурларга чиқарилган ХТК хулосалари қатъий равишда МХТК да кўриб чиқилиши ва асосланиши лозим.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматга кираётган ҳарбий хизматга мажбурларга ҳарбий хизматга вақтинча яроқсизлик кўзда тутилган хулоса беришда ХТК даволаш-соғломлаштириш муолажалари ўтказилиши учун зарур муддатга хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш тақдим қилинганлиги тўғрисида қўшимча хулоса чиқаради.

107. Резервдаги ҳарбий хизматга мажбур шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш учун йўллашда МИББ унинг қачон ва нима сабабдан резервга бўшатирилганлигини кўрсатиб ўтади. Саломатлигига кўра ҳарбий хизматдан бўшатирилганларга ҳарбий хизматга мажбур шахс хизматдан бўшатирилишига асос бўлган эксперт ҳужжати, шунингдек, унинг шахсий йиғма жилди ХТКга тақдим этилиши шарт. Резервдаги ҳарбий хизматга мажбур шахс ушбу ҳужжатлари билан бирга МХТКга юборилади ва унинг хулосасига биноан қайта тиббий кўриқдан ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги, тиббий текширув ва тиббий кўриқдан ўтказиш тури белгиланади. ХТК томонидан ҳарбий хизматга яроқлилиқ тўғрисида, шу жумладан, чекловлар билан хулоса чиқарилганда, эксперт ва тиббий ҳужжатлар ҳамда хизматдан бўшатирилгандан сўнг ўтказилган тиббий назорат натижалари ва иш жойидан тавсифномалар билан бирга МХТКга кўриб чиқиш учун юборилади.

Хизмат вазифасига нолайиқ топилган ёки суд ҳукми қонуний кучга кирганлиги туфайли ҳарбий хизматдан бўшатирилган шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар бўшатирилиш даврида ҳарбий хизматга яроқлилигини аниқлаш бўйича тиббий кўриқдан ўтказилмайдилар (ҳарбий хизматдан бўшатирилгандан кейин аниқланган ва хизмат даврида ташхиси қўйилмаган эндоген рухий касалликка чалинган, бўшатирилишининг сабаби ушбу касаллик оқибатидаги хатти-ҳаракатлар туфайли бўлган шахслар бундан мустасно).

108. Сафарбарлик эълон қилинганда, шунингдек, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши қуролли тажовуз рўй берганда аҳолини ҳимоя қилиш учун жалб қилинадиган резерв ва захирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказилиши мумкин.

109. Ҳарбий хизматга мажбур шахс касаллик ташхисини аниқлаш учун давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида амбулатор ёки стационар равишда тиббий текширувдан ўтишга юборилиши мумкин.

110. Ҳарбий хизматга мажбурлар резерв тоифаси, ҳарбий-ҳисоб мутахассислиги ва хизматдаги мақсадларига кўра МИББ ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан тақрорий тиббий кўриқдан ўтказилади.

Тиббий комиссиялар ёки ХТК томонидан Е яроқлилиқ тоифаси тайинланган ва ҳарбий хизматга мажбурлар рўйхатига ўтказилган шахслар 27 ёшга

тўлгунларига қадар ҳар 3 йилда бир марта такрорий тиббий кўрикдан ўтказилади.

Тегишли вазирлик ва идоралар томонидан белгиланган касаллик ва шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) туфайли саломатлигига кўра тиббий комиссиялар ёки ХТК томонидан аввал F ёки E яроқлилиқ тоифалари тайинланган шахслар такрорий тиббий кўрикдан ўтказилмайди.

Резерв ёки захирада турган офицерларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг даврийлиги Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

111. Аввал E яроқлилиқ тоифаси тайинланган фуқароларга давлат соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилган тиббий текширувлар натижасида аввал қўйилган ташхис ўзгартирилган ёки улар соғлом деб топилган ҳолатларда улар такрорий тиббий кўрикдан ўтказилиши мумкин.

112. Агар резервдаги (истеъфодаги) ҳарбий хизматга мажбур шахс ҳарбий хизматдан бўшатилиш давридаги ўзининг ҳарбий хизматга яроқлилигини аниқлаш ёки ХТКнинг шу давр учун чиқарган хулосасини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани кўтарса (ҳарбий хизматдан бўшатилишнинг асосини ўзгартириш мақсадида), МИББ унинг аризаси, шахсий йиғма жилди, тиббий китобчаси ҳамда мурожаат йўлловчи ёки даволаш-профилактика ва ҳарбий-тиббий муассасалардан олинган бошқа тиббий ҳужжатларни МХТКга юборади.

МХТК зарурат туғилганда, қўшимча тарзда, мурожаатчининг ҳарбий хизматни ўташ давридаги ва ҳарбий хизматдан бўшатиладиган кейинги яқин вақт ичидаги саломатлигини тавсифловчи барча тиббий ва бошқа ҳужжатларни сўраб олади ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар бош тиббий мутахассислари билан ҳамкорликда ўрганиб чиқади. Агар бунда ҳарбий хизматдан бўшатилиш даврида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ мурожаат қилган шахснинг илтимосини қаноатлантириш учун асослар мавжуд бўлса, МИББ резервдаги (истеъфодаги) ҳарбий хизматга мажбур шахсни ҳозирги вақтда ҳарбий хизматга яроқлилигини аниқлаш мақсадида тиббий кўрикдан ўтказиш учун МИББ ҳузуридаги тиббий комиссияга ёки ХТКга юборади.

Резервдаги (истеъфодаги) ҳарбий хизматга мажбур шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари эксперт ҳужжатиغا киритилади. Бунда касаллик ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳат)нинг сабабий боғлиқлилиги тўғрисидаги масала тиббий комиссия ёки ХТК томонидан кўриб чиқилмайди.

Эксперт ва тиббий ҳужжатлар кўриб чиқиш учун МИББ ёки ХТК томонидан МХТКга юборилади. Ушбу ҳужжатлардан ташқари МХТКга тиббий кўрикдан ўтаётган шахснинг шахсий ва нафақа йиғма жилдлари, ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилишидан кейинги даврларга оид барча тиббий ҳужжатлари, ТМЭКнинг тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги далолатномалари ҳам тақдим этилади. Тиббий комиссия ёки ХТК хулосасининг асосланганлигини кўриб чиқиш вақтида, касаллик ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳат)нинг ҳарбий хизмат билан боғ-

лиқлиги тўғрисида шубҳасиз маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, МХТК уларнинг сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги хулосани қабул қилади.

Алоҳида ҳолларда резервдаги (истеъфодаги) ҳарбий хизматга мажбур шахс тиббий кўриқдан ўтиш учун бевосита МХТКга мурожаат қилиши мумкин, резервдаги (истеъфодаги) ҳарбий хизматга мажбур шахснинг тиббий китобчаси ва бошқа тиббий ҳужжатлари ўрганиб чиқилгандан сўнг, зарур ҳолларда, у МХТК раиси томонидан ҳарбий хизматга яроқлилигини аниқлаш мақсадида тиббий кўриқдан ўтказиш учун тегишли тиббий комиссия ёки ХТКга юборилиши мумкин.

11-боб. Ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўтаётган (ўтаб бўлган) фуқароларда орттирилган касаллик ёки олинган жароҳатларининг (ярадорлик, шикастланишларнинг) сабабий боғлиқлигини аниқлаш

113. Мазкур Низомнинг 7-банди «г», «ж», «н», «с», «т» кичик бандларида назарда тутилган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг барча ҳолатларида ХТК томонидан уларнинг орттирилган касалликлари ва олган шикастланишларининг (ярадорликлари, жароҳатлари) сабабий боғлиқлиги аниқланади, касаллик орттирилган ва шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олган ушбу шахслар тергов остида бўлган ёки уларга нисбатан қўзғатилган жиноий иш судга оширилган ҳолатлар бундан мустасно.

114. Мазкур Низомнинг 7-банди «о», «п» кичик бандларида назарда тутилган фуқароларнинг орттирилган касаллик ва олган шикастланишлари (ярадорликлари, жароҳатлари) нинг сабабий боғлиқлиги МХТК томонидан улар рўйхатда турган МИББ бошлиқларининг йўлланмасига асосан қуйидаги ҳолатларда кўриб чиқилади:

фуқаро ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўташ даврида ХТК томонидан тиббий кўриқдан ўтказилган, даволанишда бўлган ёки саломатлигига кўра ҳарбий хизматдан бўшатирилган бўлса;

фуқаро ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўташ даврида касаллик орттирилган ёки шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олган ёхуд орттирилган касаллик ёки олинган шикастланишнинг (ярадорлик, жароҳатнинг) асорати у ҳарбий хизматдан бўшатирилгандан (ҳарбий йиғинлар тугагандан) кейин аниқланган бўлса, шикастланиш (ярадорлик, жароҳатнинг) олиниши ёки шу жумладан, ўлимга олиб келган касалликнинг бошланишини ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўташ даври билан боғлаш мумкин бўлган ҳолларда.

115. Тиббий комиссия ва ХТК касалликлар мавжудлигида қуйидаги мазмундаги хулосаларни қабул қилади:

а) «касаллик фронтда бўлганлиги билан боғлиқ»:

агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахс касалликни Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳаракатдаги армия сафида, 1939 йилда Халхин-Гол кўли, 1938 йилда Хасан кўли бўйидаги жанглар, 1939 йилда Фарбий Белоруссия ва Фарбий Украинанинг СССР билан бирлашиш давридаги жанговар ҳаракатларда, 1939-1940 йиллар Совет-Финляндия урушида, 1945 йил Япония билан урушда,

1924 — 1958 йиллар Хитойда, 1956 йил Венгрияда, 1962 — 1964 йиллар Жазаорда, 1962 — 1975 йиллар Мисрда, 1961 — 1969 йиллар Яман Араб Республикасида, 1961 — 1972 йиллар Вьетнамда, 1967 — 1973 йиллар Сурияда, 1975 — 1979 йиллар Анголада, 1967 — 1969 йиллар Мозамбикда, 1970 йил Камбожада, 1972-1973 йиллар Бангладешда, 1960 — 1970 йиллар Лаосда, 1982 йил Сурия ва Ливанда ва 1978 — 1989 йиллар Афғонистонда олиб борилган жанговар ҳаракатларда орттирган ёки ушбу воқеалардан олдин орттирилган касаллик кечишининг ривожланиши (оғирлашуви) қайд этилган ёки агар сурункали, секинлик билан оғирлашувчи касаллик тиббий кўриқдан ўтаётган шахснинг ҳаракатдаги армия сафидан бўшатиладиган кейин биринчи беш йил ичида берилган тиббий ҳужжатларда ёки касаллик кечишининг ўзига хос хусусиятларига кўра касаллик бошланишини унинг юқорида кўрсатилган воқеаларда қатнашиш даври билан боғлаш мумкин бўлса;

б) «касаллик ҳарбий хизматни ўташ даврида орттирилган»:

агар касаллик тиббий кўриқдан ўтаётган шахсда ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўташ даврида юзага келган ёки кўрсатилган даврда муддатли ҳарбий хизматга (ҳарбий йиғинларга) чакирилгунга, шартнома бўйича ҳарбий хизматга киргунга қадар юзага келган касалликнинг ривожланиши (оғирлашуви), шунингдек, сурункали, секин ривожланиб борувчи касалликнинг ташхиси ҳарбий хизматдан бўшатиладиган сўнг қўйилган бўлса, тиббий ҳужжатлар ва касаллик кечишининг ўзига хос хусусиятлари касалликнинг бошланишини ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўташ даври билан боғлаш имконини берса;

агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахсда касаллик ҳаракатдаги армия таркибига кирмаган ҳарбий қисм, орган ва муассасаларда ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўташ даврида ёки жанговар ҳаракатлар олиб бориладиган давлатга чиқиб кетгунга қадар юзага келган ҳамда ушбу давлатдаги ҳарбий хизмат касалликни ривожлантирмаган (оғирлаштирамаган) бўлса;

агар шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни) ўташ даврида олинган, аммо тиббий кўриқдан ўтказиш пайтида шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олиншининг сабаблари тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

в) «касаллик ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этишда орттирилган» — қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда.

г) «касаллик Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги хизмат билан боғлиқ эмас»:

агар касаллик тиббий кўриқдан ўтаётган шахсда у ҳарбий хизматга (ҳарбий йиғинларга) чакирилгунга, шартнома бўйича ҳарбий хизматга киргунга қадар юзага келган ва ҳарбий хизмат (ҳарбий йиғинлар) даврида унинг ҳарбий хизматга яроқлилиқ тоифасининг ўзгаришига сабаб бўладиган даражада ривожланмаган (оғирлашмаган) бўлса;

агар касаллик тиббий кўриқдан ўтаётган шахсда у ҳарбий хизматдан бўшатиладиган, ҳарбий йиғинлар тугаганидан кейин юзага келган бўлиб,

бунда касаллик бошланишини ҳарбий хизмат (ҳарбий йиғинлар) ўташ даври билан боғлашнинг имкони бўлмаса.

116. Тиббий комиссия ва ХТК шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) мавжудлигида қуйидаги мазмундаги хулосалар қабул қилади:

а) «шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда олинган» — агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахс шикастланиш (ярадорлик, жароҳат)ни Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, ҳаракатдаги армия сафидаги ҳарбий хизмат даврида ҳарбий хизмат мажбуриятларини (хизмат мажбуриятларини) ижро этиш ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини қўриқлаш чоғида олинган бўлса;

б) «шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этишда олинган»:

агар шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) тиббий кўриқдан ўтаётган шахс томонидан Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомларида кўзда тутилган ҳарбий хизмат мажбуриятларни ижро этишда олинган бўлса;

агар шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) тиббий кўриқдан ўтаётган шахс томонидан фавқулодда вазиятлар шароитида, қўшинлар иштирокидаги махсус ҳаракатлар (операциялар) ўтказилаётганда ёки қуролли тўқнашувлар даврида вазифаларни бажариш вақтида; жанговар ҳаракатлар олиб борилган хорижий давлатларда ҳарбий хизматни ўташ даврида, хорижий давлатларда разведка ва контрразведка ишларини олиб борган даврда олинган бўлса;

агар шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) тиббий кўриқдан ўтаётган шахс томонидан ҳаракатдаги армия таркибига кирмаган ҳарбий қисмларда, штаб ва муассасаларда ўқув, махсус ва назорат йиғинларини ўташ даврида, шунингдек, ҳарбий хизмат манфаатлари йўлида бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш чоғида олинган бўлса;

агар зарарланиш тиббий кўриқдан ўтаётган шахс томонидан ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш чоғида ҳарбий меҳнатга оид омилларнинг соғлиққа таъсирлари натижасида олинган бўлса. Ушбу хулоса тегишли вазирлик ва идоралар санитария-эпидемиология хизматлари мутахассислари иштирокида ХТК томонидан қабул қилиниб, кейин МХТКда кўриб чиқилади;

агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахс шикастланишни (ярадорлик, жароҳатни) хизмат мажбуриятларини ижро этиш чоғида ҳашарот ёки судралиб юривчининг чақиши, ҳайвон томонидан етказилган тан жароҳати оқибатида олган бўлса;

агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахс шикастланишни (ярадорлик, жароҳатни) давлат ёки жамоатчилик олдидаги мажбуриятлар, шунингдек, жамоат ташкилотларининг махсус топшириқларини, гарчи бу топшириқлар ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлмаса-да, бажариш вақтида олган бўлса;

агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахс шикастланишни (ярадорлик, жароҳатни) донорлик вазифасини бажариш туфайли олган бўлса;

в) «шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш билан боғлиқ бўлмаган бахтсиз ҳодиса оқибатида олинган»:

агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахс шикастланишни (ярадорлик, жароҳатни) Куролли Кучлар Умумҳарбий Низомларида кўзда тутилган ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш билан боғлиқ деб топилмаган ҳолатларда олган бўлса;

агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахс шикастланишни (ярадорлик, жароҳатни) хизмат текшируви, тергов олди текширув ва тергов натижасида аниқланган қонунбузарлик ҳаракати оқибатида олган бўлса;

агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахс ўзига қасддан танага шикаст (ярадорлик, жароҳат) етказган, аммо бунинг учун жиноий жавобгарликка тортилмаган ёки унга нисбатан жиноят иши тергов ёки суд органлари томонидан тўхтатилган бўлса;

г) «шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларидаги хизмат билан боғлиқ эмас»:

агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахс шикастланишни (ярадорлик, жароҳатни) ҳарбий хизматга (ҳарбий йиғинларга) чақирилгунига, шартнома бўйича ҳарбий хизматга киргунига қадар олган ва ҳарбий хизмат (ҳарбий йиғин) даврида унинг ривожланиши (кечишининг оғирлашиши) кузатилмаган бўлса.

117. Радиация омилларининг таъсири билан боғлиқ бўлмаган, аммо Чернобъл АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ бўлган касалликларнинг сабабий боғлиқлигини белгилаш вақтида ХТК томонидан қуйидаги таҳрирда хулоса қабул қилинади: «касаллик Чернобъл АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ».

118. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, фронтда бўлиш, ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этишда олинган шикастланишнинг (ярадорлик, жароҳатнинг) сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги ХТК хулосаси хизмат ва тергов олди текширувлари ёки жиноий иш материалларига кўра берилган шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олишнинг ҳолати бўйича ишончли маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжат асосида қабул қилинади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, фронтда бўлиш, ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этишда орттирилган касаллик ёки олинган шикастланишнинг (ярадорлик, жароҳатнинг) сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги ХТК хулосасини қабул қилиш учун тиббий кўриқдан ўтаётган шахснинг ҳарбий гувоҳномасидаги ҳарбий қисмнинг гербли муҳри билан тасдиқланган ёзувлар, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олганлиги тўғрисида ҳарбий қисм командирининг буйруғидан кўчирма, шунингдек, архив муассасаларидан олинган маълумотномалар ҳамда шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) ҳолати тўғрисидаги бошқа ишончли маълумотлар асос бўлиши мумкин.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, фронтда бўлиш, ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этишда орттирилган касаллик ва олинган шикастланишларнинг (ярадорликлар, жароҳатларнинг) сабабий боғлиқлигини белгилаш учун асос бўла олмайди.

119. Касалликлар билан бир қаторда шикастланишнинг (ярадорлик, жа-

роҳатнинг) асоратлари ҳам мавжуд бўлган ҳарбий хизматчилар, ҳарбий йиғинларни ўтаётган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш чоғида уларнинг сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги ХТК хулосаси алоҳида тарзда мазкур Низомнинг 115, 116-бандларида назарда тутилган шаклларда қабул қилинади.

120. Агар тиббий кўриқдан ўтаётган шахсда турли шароитларда орттирилган (олинган) бир неча касалликлар ёки шикастланишларнинг (ярадорликлар, жароҳатларнинг) асоратлари аниқланган бўлса, уларнинг сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги ХТК хулосалари ҳам шикастланиш ҳолатлари ҳисобга олинган ҳолда алоҳида тарзда қабул қилинади.

121. Тергов остида бўлган ёки қўзғатилган жиноий иш судга оширилган ҳарбий хизматчилар, ҳарбий йиғинларни ўтаётган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишда, касалликнинг сабабий боғлиқлиги тўғрисида қуйидаги мазмундаги хулоса чиқарилади: «иши терговда», қавс ичида эса қуйида келтирилган таърифлардан бири кўрсатилади: «касаллик Қуролли Кучлардаги хизмат билан боғлиқ эмас»; «касаллик ҳарбий хизматни ўташ даврида орттирилган» ёки «касаллик ҳарбий қисми ўзбошимчалик билан ташлаб кетган даврда орттирилган». Шикастланишларнинг (ярадорликлар, жароҳатларнинг) сабабий боғлиқлиги ҳам шундай шаклда кўрсатилади. Агар тергов тўхтатилган бўлса, бу масала мазкур Низомнинг 115, 116-бандларида назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.

122. Касалликнинг, шикастланишнинг (ярадорлик, жароҳатнинг) Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, фронтда бўлиш, ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш билан сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги ХТК хулосаси бошқа хулосалар қатори тиббий кўриқдан ўтаётган шахсга оид тиббий ҳужжатларга шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олинган, касаллик орттирилган ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатга таянган ҳолда киритилиши шарт.

Эксперт ҳужжатларини (касаллик тўғрисидаги гувоҳномалар, маълумотномалар, тиббий кўриқдан ўтказиш варақаси ва тиббиётга оид бошқа ҳужжатлар) расмийлаштириш чоғида мазкур қайдни ёзиш учун асос бўлган ҳужжатлар мажбурий тарзда кўрсатилган ҳолда, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олинган, касаллик орттирилган ҳолатлар баён этилади, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) асоратларининг объектив текшируви натижалари келтириб ўтилади, шунингдек, бошқа аниқланган касалликлар билан бир қаторда ушбу асоратларнинг тўлиқ ташхиси кўрсатилади.

Шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) олинганлиги, касаллик орттирилганлиги ҳақиқийлигини ва ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг асоратлари тиббий кўриқдан ўтаётган шахснинг ҳарбий хизматга (ҳарбий мутахассислиги бўйича хизмат ва бошқаларга) яроқлилигини чеклаши ёки чекламаслигидан қатъи назар, шикастланиш (ярадорлик, жароҳат) ёки касалликнинг, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш, фронтда бўлиш, ҳарбий хизмат мажбуриятларини ижро этиш билан сабабий боғлиқлиги тўғрисидаги ХТК хулосаси эксперт ҳужжати (касаллик тўғрисидаги гувоҳнома, маълумотнома, тиббий кўриқдан ўтказиш варақаси ва тиббиётга оид бошқа ҳужжатлар)да қайд этилади.

12-боб. Яқунловчи қоида

123. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги
ПҚ-4076-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил
14 январдаги ПҚ-257-сон қарори билан тасдиқланган
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий
хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги
матнига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 143-банднинг «д» ва «м» кичик бандларидаги «годными к службе вне строя в мирное время» ва «годные к службе вне строя в мирное время» сўзлари тегишлича «ограниченно годными к военной службе» ва «ограниченно годные к военной службе» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 342-банддаги «в военное время» сўзлари «с исключением с воинского учета» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 359-банднинг «а» кичик бандидаги «2-й степени» сўзлари «к военной службе» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 380-банддаги «негодными к строевой службе» сўзлари «не годными к военной службе в мирное время, ограниченно годными к военной службе в военное время» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**995** Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***[Кўчирма]**

Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноатнинг базавий тармоқларини техник ва технологик жиҳозлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлатга ёки хўжалик бошқаруви органларига тегишли акциялар пакетларини (улушни) инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга белгиланган тартибда бериш танлов асосида 5 йилгача бўлган муддатга қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун тегишли лицензиянинг мавжудлиги;

ишончли бошқарувчи томонидан тегишли комиссияга корхона фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш бўйича бизнес-режани тақдим этиш;

корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига ишончли бошқарувга бериладиган улуш бўйича тайинладиган аъзоларнинг камида 40 фоизи миқдо-рида давлат вакиллари киритиш;

ишончли бошқарувчининг хизматларига унинг маъмурий харажатларини қоплаш учун ҳар ой тўланадиган мукофот пули ва молиявий йил якуналарига кўра бизнес-режа параметрларининг бажарилишига қараб ҳисобланадиган бонус кўринишида ҳақ тўлаш.

Бунда, ишончли бошқарувчи тасдиқланган бизнес-режани амалга ошириш учун пул маблағлари, ускуналар, дастурий маҳсулотлар шаклида ўз маблағларини жалб этган ҳолларда ушбу маблағлар асослантилган ҳисобкитоблар ва мустақил аудитор хулосасига кўра ҳамда ишончли бошқарувчи ва корхона ўртасида келишилган алоҳида графикка мувофиқ белгиланган тартибда қоплаб берилиши лозим.

2. Белгилаб қўйилсинки, устав капиталидаги давлат ёки хўжалик бошқаруви органларига тегишли акциялар пакетлари (улушлари) инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга белгиланган тартибда ишончли бошқарувга берилган корхоналарга нисбатан:

а) қонун ҳужжатларининг қуйидаги талаблари татбиқ этилмайди:

товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш бўйича контрактлар, жумла-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 декабрда эълон қилинган.

дан, импорт контрактларини, техник топшириқларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида мажбурий экспертизадан ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган (биргаликда молиялаштириладиган) ҳолатлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5215-сон Фармонининг 2-иловасига киритилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш бўйича контрактларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида;

ишончли бошқарувчи томонидан кузатув кенгаши аъзоси сифатида илгари сурилган шахслар корпоратив бошқарувчининг малака гувоҳномасига эга бўлиши тўғрисида;

б) суммасидан қатъи назар, идоравий (ички) танлов комиссиялари баҳолайдиган энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали товарлар (ишлар ва хизматлар)ни харид қилиш контрактларини, шу жумладан, импорт контрактларини мустақил равишда тузиш ҳуқуқи берилади;

в) 2019 йил 1 февралдан бошлаб олиб кириладиган (олиб чиқиладиган) товарлар (ишлар, хизматлар)нинг божхона расмийлаштирувида ваколатли иқтисодий операторлар мақоми қўлланилади;

г) корхоналар томонидан ушбу қарорга мувофиқ тузиладиган шартномалар (контрактлар) тўғрисидаги ахборотни улар тузилган санадан бошлаб уч кундан кечиктирмай давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига жойлаштириш тартиби жорий этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази акциялар (улушлар) давлат пакетини ишончли бошқариш бўйича ўзи тузган шартномаларнинг лозим даражада бажарилиши устидан самарали мониторинг олиб борсин.

4. Белгилансинки:

инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларининг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди учун тендер ҳужжатлари ва техник шартларини ҳамда контрактларни комплекс экспертизадан ўтказиш якунлари бўйича ҳулосалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази томонидан берилади;

корпоратив бошқарувчининг малака гувоҳномасига эга бўлиш тўғрисидаги талаб кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича мустақил аъзоси сифатида илгари сурилган, тегишли тармоқда иш тажрибасига эга бўлган, шу жумладан хорижлик шахсларга нисбатан қўлланилмайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари улуши устун бўлган, ишончли бошқарувчиларга ишончли бошқарувга берилган корхоналар томонидан инвестиция лойиҳалари кузатув кенгашининг ижобий қарори мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

5. «Ўзстандарт» агентлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Қурилиш вазирлиги 2019 йил 1 мартга қадар металлургия маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари, давлат стандартлари, техник меъёрлар, қоидалар ва регламентларни такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қурилишда қўлланиладиган материалларнинг сифати ва хавфсизлигига доир экологик стандартларни, талабларни кучайтириш, шунингдек, хориждаги амалиётни инобатга олган ҳолда қўйиш цехларида маънан эскирган ускуналар ва техникадан фойдаланишни тақиқлаш назарда тутилсин.

6. «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПҚ–3487-сон қарори билан тасдиқланган Товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарининг рўйхатига киритилсин ва мазкур корхоналарга нисбатан қабул қилинаётган қарорнинг 2-бандида назарда тутилган шартлар татбиқ этилсин.

7. «Олмалиқ КМК» АЖ, «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ фаолиятини янада такомиллаштиришга оид «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Б.А. Ходжаев зиммасига вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Олмалиқ КМК» АЖ, «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ билан биргаликда:

ҳаракат таркиби паркини, жумладан, хусусий оператор компанияларини ташкил этиш орқали кенгайтириш чораларини кўрсин;

ушбу корхоналар эҳтиёжлари учун бўш вагонлар беришнинг чораклик графикларини тасдиқлаб, уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаган ҳолда импорт ва экспорт қилинадиган юклар логистикаси бўйича тизимли ишларни ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги «Олмалиқ КМК» АЖ, «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ билан биргаликда 2019 йил 10 январга қадар «Олмалиқ КМК» АЖ, «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖнинг импорт контрактлари бўйича олиб қилинадиган товарларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қўйидагилар назарда тутилсин:

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

товарлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни амалга ошириш бўйича хар ой бажариладиган тадбирлар графиги;

аниқ даврда ишлаб чиқарилиши маҳаллийлаштирилиши лозим бўлган товарлар турларининг рўйхати, шунингдек, уларни маҳаллийлаштириш даражаси;

товарлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ишларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари.

10. «Ўзметкомбинат» АЖга, истисно тариқасида, 2020 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзметкомбинат» АЖнинг 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган ривожланиш Дастури тўғрисида»ги ПҚ–3468-сон қарорига мувофиқ «Қуйиш-прокатлаш комплексини қуриш» инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш доирасидаги қурилиш-монтаж ишларини белгиланган шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя қилган ҳолда параллел лойиҳалаш ҳамда ўз маблағлари ва қарз маблағлар ҳисобидан молиялаштириш шартлари асосида бажаришга рухсат берилсин.

Қуйидагилар Лойиҳани амалга ошириш доирасида 2022 йил 1 январга қадар:

а) «Ўзметкомбинат» АЖ, пудратчи ва субпудратчилар:

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғидан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича, шу жумладан, «вақтинча олиб кириш» божхона режимида олиб кириладиган материаллар, ускуналар, маҳсул ва транспорт техникаси, уларнинг эҳтиёт қисмлари, асбоб ва анжомлар учун божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан;

б) юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳам доимий муассаса, ҳам Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаси орқали олинadиган даромадлар бўйича фойда солиғини тўлашдан;

в) жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўлашдан озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда, жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисида янгиланган низомни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

танлов шартларига ишончли бошқарувдан кутилаётган натижалар бўйича давлат талабларини киритиш;

талаб даражасидан паст бўлмаган кўрсаткичларга эришиш бўйича чоратадбирларни ўз ичига олган бизнес-режа тақдим этган талабгорларнинг танлов савдоларида иштирок этишига рухсат бериш;

акциялар (улушлар) давлат пакети ишончли бошқарувга берилган жа-

миятларнинг йиллик бизнес-режаларини уларнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш;

жамият томонидан бизнес-режанинг бажарилиши, қилинган харажатларнинг, экспорт ва импорт контрактлари бўйича нархларнинг асосланганлигини ҳар йили мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан, шу жумладан, давлатнинг ваколатли органи томонидан жалб этилган ташкилот томонидан тасдиқлаш;

ишончли бошқарувчи томонидан тасдиқланган йиллик бизнес-режалар тўлиқ бажарилган ва ижобий аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ишончли бошқарув шартномасини танлов савдоларини ўтказмасдан узайтириш.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги, «Олмалиқ КМК» АЖ, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 декабрь,
ПҚ-4077-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги
ПҚ-4077-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги «Ёшлик I» кони негизида «Олмалиқ КМК» АЖнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2807-сон қарори рус тилидаги матнининг 6-бандидаги «1 декабря 2018 года» сўзлари «1 марта 2020 года» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги «Симли блок ўрнатган ҳолда 2-сон сортопрокат цеҳи «300» станида катанкани ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2825-сон қарори рус тилидаги матнида:

5-банддаги «1 января 2019 года» сўзлари «1 марта 2019 года» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг номланишидаги «1 января 2019 года» сўзлари «1 марта 2019 года» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги «Фойдали қазилмалар конларини саноат йўли билан ўзлаштириш соҳасидаги лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишлари бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3145-сон қарори рус тилидаги матнининг 3-бандида:

а) учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги «Олмалик КМК» АЖни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3211-сон қарори 1 — 8 ва 13 — 24-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Уч-Қулоч» конини очиқ усулда ўзлаштириш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3452-сон қарори 1 — 7 ва 10 — 15-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–3454-сон қарори рус тилидаги матнининг 31¹-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31¹. Оборот по реализации продукции из меди по группе 74 кодов ТН ВЭД на экспорт за иностранную валюту облагается налогом на добавленную стоимость по установленной ставке (за исключением продукции собственного производства АО «Алмалыкский ГМК», АО «Узметкомбинат» и АО «Узвторцветмет»)».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПҚ–3487-сон қарори билан тасдиқланган Товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарининг рўйхатининг рус тилидаги матни қуйидаги мазмундаги 20 ва 21-бандлар билан тўлдирилсин:

«20. АО «Узметкомбинат»

21. АО «Узвторцветмет»».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖнинг ишлаб чиқиш қувватларини реконструкция қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3954-сон қарори рус тилидаги матнида:

а) 7-банднинг иккинчи хатбошисидаги «до 1 марта 2019 года» сўзлари «до 1 октября 2019 года» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

«

ВСЕГО:	457,4	181,0	213,1	40,6	22,7	
---------------	--------------	--------------	--------------	-------------	-------------	--

»;

сатри қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

ВСЕГО:	4 279,9	929,05	973,73	1 160,77	1 142,87	
---------------	----------------	---------------	---------------	-----------------	-----------------	--

»;

қуйидаги мазмундаги сатрлар билан тўлдирилсин:

«

4.	Закуп медного и цинкового сырья***	3 822,5	748,05	760,63	1120,17	1120,17	
	Медное сырье (код ТН ВЭД 2603, 7401, 7407)	2 624,02	466,8****	479,38	838,92	838,92	собственные средства и кредиты коммерческих банков
	Цинковое сырье (код ТН ВЭД 2608, 2817, 7902)	1 125	281,25	281,25	281,25	281,25	

»;

қуйидаги мазмундаги изоҳлар билан тўлдирилсин:

«***) подлежит уточнению в связи с изменением объемов металлургического сырья исходя из содержания металла в сырье, а также цены на биржевых торгах

****) часть из них включается в объемы поставок в 2018 году».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**996 Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида*****[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» 2018 йил 17 ноябрдаги 2119–III-сон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» 2018 йил 13 декабрдаги СҚ–348–III-сон қарорларини бажариш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2020-2021 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун консолидациялашган бюджети жамланма параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари 2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети асосий параметрлари 3-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси), Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасининг 2019 йил учун асосий параметрлари 4 — 6-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2019 йил учун:

ягона солиқ тўлови ставкалари 7-иловага** мувофиқ;

ягона ижтимоий тўлов ставкалари 8-иловага** мувофиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари 9-иловага** мувофиқ;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, имзоланадиган бонус ва ти-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 декабрда эълон қилинган.

** 1 — 9-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

жоратбop топилма бонуси, айрим турдаги махсулотлар бўйича қўшимча фойда солиғи ставкалари 10 — 13-иловаларга* мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари 14 — 16-иловаларга* мувофиқ;

келиб тушаётган маблағларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказган ҳолда ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишда автотранспорт воситаларининг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимлар ҳамда хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзити учун йиғимлар ставкалари 17-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб:

ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдорлари;

юк ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун, солиққа тортиш тизимидан қатъи назар, битта транспорт воситасига ҳисоблаганда улар томонидан тўланаётган солиқларнинг жами миқдори якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги тўғрисидаги тартиб бекор қилинсин.

4. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ёки ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан тўлиқ озод қилиш кўринишидаги вақтинчалик имтиёзларга эга бўлган юридик шахслар юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини имтиёзлар амал қилиш муддати тугагунга қадар икки баравар пасайтирилган ставкада тўлаш тартиби сақлаб қолинсин.

5. Ўрнатилсинки, белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўланадиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтиради. Ушбу бадал миқдори жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 0,1 фоиз миқдорида ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига зарур ахборотларни тақдим этган ҳолда ишчи-солиқ тўловчининг ҳисобини якка тартибда олиб боришни назарда тутиб, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўловнинг ягона солиқ ҳисоботи шаклини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслар хизмат кўрсатувчи банклардан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун пул маблағларини олишда (ёки пластик карталарга ўтказишда) ягона ижтимоий тўлов

* 10 — 17-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш бўйича тўлов ҳужжатларини такдим этиши лозимлиги назарда тутилсин.

7. Иш берувчи ташкилотларга солиқ юкининг, шу жумладан, ягона ижтимоий тўловнинг камайтирилиши натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан ходимлар иш ҳақи миқдорини ошириш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди асосиз пасайтириш ҳолатларини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мониторингини амалга оширсин.

солиқ тўловчилар 2019 йил 1 апрелга қадар ходимлар сони ва (ёки) меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди ихтиёрий равишда ҳисоботларда расмийлаштирган ва акс эттирган тақдирда аввалги ҳисобот даврларида ходимлар сонини яширганлик учун жавобгарликдан, илгари кўрсатилмаган ходимлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлови суммасини қўшимча ҳисоблашдан озод қилинсин.

8. 2019 йил 1 январдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини 4 фоиз ставкада тўлашга ўтказилади;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинади;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2019 йил 1 февралга қадар якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартибини тасдиқласин.

9. Қуйидагилар:

а) 2019 йил 1 январдан:

бир вақтнинг ўзида мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов ҳақини ойига 2000 сўмга пасайтириш ҳамда маблағларни 18-иловага* мувофиқ нормативларга асосан тақсимлаган ҳолда кўрсатилган хизматларнинг умумий қийматидан 15 фоиз ставкада мобиль алоқа хизмати учун акциз солиғи;

бир вақтнинг ўзида полиэтилен гранула бўйича қўшимча фойда солиғини бекор қилган ҳолда 25 фоиз миқдоридagi полиэтилен гранулаларга акциз солиғи;

* 18-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

б) 2019 йил 1 мартдан қатъий белгиланган солиқ билан бир қаторда адвалор ставканинг киритилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган сигареталарга акциз солиғининг аралаш ставкаси киритилсин.

2019 йил 1 июлдан алкоголь ва тамаки маҳсулотларига белгиланган ставкаларни қўшимча равишда 20 фоизгача оширган ҳолда 2019 йил учун акциз солиғига тортиладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарларга (хизматларга) акциз солиғи ставкалари 19-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, 2019 йил 1 июлдан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олувчилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланмайдиган етказиб берувчилардан олинган ҳисоб-фактуралар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бунда, солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти орқали реал вақт режимида аниқланади.

11. 2019 йил 1 январдан:

цемент ва клинкер учун қўшимча фойда солиғи;

фойдали хизмат муддати тугаган, тўлиқ эскирган ускуналардан фойдаланиш учун тўлов бекор қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи тўловчиларнинг тўлиқ қамраб олиниши ва уларнинг ҳисоби аниқ юритилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

Давлат солиқ хизмати органлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботларини тузишда хўжалик субъектларига қўмаклашсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда 2019 йил 1 майга қадар иккинчи ва ундан кейинги уй-жой фонди объектлари, шунингдек, дала-ҳовлилари учун жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқнинг оширилган ставкаларини киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. 2019 йилда ягона ер солиғи тўловчилар учун солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолиниши маълумот учун қабул қилинсин.

2019 йил 1 январдан, тажриба тариқасида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, тоқзорлар) билан банд қилинган сугориладиган ва сугорилмайдиган ерлар учун мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ундириладиган ягона ер солиғининг базавий ставкалари 20-иловага* мувофиқ киритилсин.

* 19-20-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

14. 2019 йил учун маҳаллий йиғимларнинг чегараланган ставкалари 21-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

22. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва «Солиқ хизмати» ДУК билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар фермер хўжаликларига бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизмат кўрсатиш учун махсус дастурий маҳсулотни ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, фермер хўжалиқларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тузиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин.

23. Қарзни ундиришни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари 23-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

24. Мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадларни солиққа тортиш шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда, лекин:

юридик шахслар учун — давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларидан;

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун 24-иловага* мувофиқ белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда белгилансин.

25. Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши, шунингдек, ягона солиқ тўлови таркибининг ўзгариши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг:

а) 2019 йил 1 январдан:

ижтимоий соҳа муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш функцияларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини;

соҳани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, магистрал (вилоятлараро) коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича буюртмачи функцияларини Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги зиммасига, мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш функцияларини эса Молия вазирлиги зиммасига юклаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини;

* 21, 23-24-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастурини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харажатларни алоҳида сатрда кўрсатган ҳолда молиялаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармасини тугатиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (кейинги ўринларда — Республика йўл жамғармаси)-ни Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасаруфига ўтказиш ҳамда:

йўл хўжалиги соҳасидаги қурилиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш, шунингдек, автомобиль йўлларида фойдаланиш ва сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, унинг ҳудудий бош бошқармалари, туман йўллардан фойдаланиш корхоналари, йўллардан мунтазам фойдаланиш корхоналари, кўприклардан фойдаланиш корхоналари, Республика йўл жамғармаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини сақлаш функцияларини Молия вазирлиги зиммасига юклаш;

бошқарув ходимларининг чекланган сонини 9 бирликдан иборат этиб белгиланган ҳолда Республика йўл жамғармасини йўл хўжалиги соҳасида халқаро молиявий институтлар, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ижрочи орган сифатида белгиланган тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

26. Белгилансинки:

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармасига 2019 йил 1 январдан кейин тушадиган мажбурий ажратмалар суммаси тўлиқ миқдорда Пенсия жамғармасига ўтказилади. Ушбу тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммалар Пенсия жамғармасидан тўланади;

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармасининг (ходимларни моддий рағбатлантириш махсус ҳисобрақамидан ташқари) 2018 йил якуни бўйича қолдиқ маблағлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилади ҳамда якунланмаган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилади;

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармаларининг 2019 йил 1 мартгача бўлган давр учун ходимларига тўланадиган иш ҳақи, компенсация тўловлари ва бошқа харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармаси томонидан аввал жалб қилинган хорижий кредитларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қайтарсин;

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармасининг харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари вазифа жиҳатидан таснифининг тегишли тармоқлари бўйича акс эттирсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда давлат мақсадли жамғармаларини тугатиш ва ўтказиш ишларини ташкил этиш, уларнинг активлари ва мажбуриятларини хатловдан ўтказишни ва қабул қилиш-топширишни амалга ошириш, шу жумладан, қарзларни ундириш ёки умидсиз қарздорликни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифлар кириштириш учун тугатиш комиссиясини ташкил этсин.

28. Белгилансинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ҳамда дафн этиш маросими учун нафақаларни тўлаш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йил 1 январь ҳолатига пенсияларни тўғри тўлаш бўйича текширишлар натижасида аниқланган фуқароларга ортиқча тўланган пенсия суммаси қолдиқларини ҳисобдан чиқарсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва биринчи навбатдаги тўловларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадида бюджет маблағлари олувчиларга бюджет маблағлари ажратишни аввал ажратилган маблағларнинг амалда ўзлаштирилишига қараб амалга оширсин.

Белгилансинки, вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқ бўлмаган тўловлардан ажратмалар меъёрларини ўзгартириш, шунингдек, янги турдаги ажратмаларни жорий этиш келгуси йилнинг бошидан амалга оширилади.

30. Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси тугатилсин.

Белгилансинки, Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармасидан аввал ажратилган маблағлар ва унинг қолдиқлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши шарт.

31. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2019 йил 1 мартдан бошлаб вазирликлар, идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджет маблағлари тақсимловчилари бюджетдан ажратилган маблағлар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланиш, ўтказилган танлов (тендер)лар ва сотиб олинган товарларни етказиб бериш ҳақидаги тегишли ахборотни ўз расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

32. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2019 йил мобайнида қатъий белгиланган купон ставкасида 5 йил ва ундан ортиқ муомала муддатига эга бўлган 500 миллион АҚШ доллардан кам бўлмаган суммада Ўзбекистон Республикасининг суверен облигацияларини чиқарсин ва жойлаштирсин;

2019 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан биргаликда айрим бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар фаолиятини тўлиқ ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш борасида ўрганишларни амалга оширсин;

2019 йилдан бошлаб ноль ставкани қўллаш натижасида юзага келган қўшилган қиймат солиғи бўйича ортиқча суммани қайтаришни Ўзбекистон

Республикаси Давлат бюджети даромадларини ушбу суммага камайтирган ҳолда амалга оширсин.

33. 2019 йил 1 январдан бошлаб 14 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақалар, бола икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши бўйича нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам миқдорлари 25-иловага* мувофиқ белгилансин.

34. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулияти ва манфаатдорлигини кучайтириш, уларнинг даромадлар бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятларини ошириш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар:

а) қуйидаги даромадлар:

жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олинадиган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (электр станцияларидан ташқари), ягона ер солиғи, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғимлар, бозорлардан тушадиган даромадлар, шунингдек, 26-иловага* мувофиқ айрим норуда қурилиш материаллари бўйича ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари, қонунбузарликларнинг айрим турлари учун жарималар туманлар ва шаҳарлар бюджетларига;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимлаган ҳолда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ягона солиқ тўловидан ажратмалар, алкоголь маҳсулотлари, пиво, бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана реализациясига акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши;

б) қўшилган қиймат солиғи тушумларининг бир қисми (товарларни импорт қилишда олинадигани бундан мустасно), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бундан мустасно), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланадигани, шунингдек, норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида ушлаб қолинадигани бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ўртасида тақсимланиши;

в) бюджет ташкилотларини молиялаштиришни 27-иловага* мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказиш;

г) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғис-

* 25 — 27-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

тон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган солиқлардан (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи бундан мустасно) маҳаллий бюджетларга ажратмалар 50 фоиздан кам бўлган тақдирда, ушбу солиқлар бўйича даромадларнинг прогноздан ошириб бажарилишидан ҳосил бўлган маблағларнинг 50 фоизи маҳаллий бюджетларга қайтарилиши;

д) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши:

харажатларнинг етишмаётган суммасини алоҳида туманлар ва шаҳарлар бюджетларини режалаштиришда шаклландиган ортиқча даромадларни Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимлаш ҳисобидан қоплаш;

қўшилган қиймат солиғи (импорт қилинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно), жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи (мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олиннадиган солиқ бундан мустасно), юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланадигани, шунингдек, норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида ушлаб қолинадигани бундан мустасно)нинг бир қисмини тегишли ҳудудларда қолаётган даромадлар доирасида йўналтириш;

даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган маблағлардан бир қисмини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказиш бўйича ваколатлар берилиши назарда тутилсин.

35. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилнинг январь ойида Марказий банк билан биргаликда 2018 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда ўтказилган операцияларни акс эттирган ҳолда унинг ижроси бўйича якуний операцияларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширсин, жумладан:

юқори ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро қарздорлик тўлиқ ҳажмда қопланишини назарда тутувчи бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш;

туғатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармаси маблағларининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида акс эттирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатига ўзлаштирилмаган қолдиқ-

ларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида акс эттирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказиш.

36. Сув таъминоти ташкилотлари томонидан жалб қилинган халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари қарзлари ва кредитларининг қайтарилиши етишмаган қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари сув таъминоти ташкилотларининг молиявий ҳолатини қатъий назорат қилиш, уларнинг молиявий оқимлари устидан мониторинг олиб боришни таъминласин, кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча маблағларни ундириш чораларини кўрсин ва маблағлар етмаган ҳолларда, асосий қарз ва фоиз тўловларининг қопланмаган қисмини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари мавжуд бўлмаган ва қарздорликни тўлаш муддатлари келган ҳолларда қарздорлик ўз вақтида сўндирилмаслигига йўл қўйган сув таъминоти ташкилотларининг молиявий оқимлари устидан мониторингни таъминлаш бўйича таклифлар киритган ҳолда уларнинг халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари олдидаги қарздорлигини Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча даромадлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқи берилсин.

37. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2019 йил охирига қадар пенсиялар тайинланганлиги ҳолати ва уларнинг тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотномаларни бериш, шунингдек, кейинчалик Пенсия жамғармаси маълумотлар базаси билан интеграциялашувини амалга оширган ҳолда бола туғилганда бериладиган нафақа ва дафн маросими учун нафақалар тайинлаш юзасидан мурожаатлар бўйича давлат хизматлари кўрсатиш жараёни тўлиқ автоматлаштирилишини таъминласин.

38. 2019 йил учун қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан мақсадли ижтимоий трансфертлар миқдорлари 28-иловага* мувофиқ;

2019 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари 29-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 30-иловага* мувофиқ;

* 28 — 30-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

2019 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари миқдорлари 31-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

39. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар бюджет ташкилотларидаги мавжуд махсус кўриқлаш постлари сонини танқидий ўргансин ва уларнинг сонини мақбуллаштиришни назарда тутган ҳолда махсус кўриқланиши талаб этиладиган ташкилотларнинг янгиланган рўйхатини тасдиқласин.

40. 2019 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини 2018 йил учун белгиланган миқдорларда сақлаб қолган ҳолда 2019 йил 1 майдан бошлаб уларнинг миқдорлари 32-иловага* мувофиқ белгилансин.

41. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармаларининг асосий параметрларини қуйидаги ҳажмларда аниқлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари 62 500 миллиард сўм, харажатлари — 74 000 миллиард сўм миқдорида;

Пенсия жамғармасининг даромадлари 23 520 миллиард сўм ва харажатлари — 20 483 миллиард сўм миқдорида;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари 3 807,6 миллиард сўм ва харажатлари — 3 807,6 миллиард сўм миқдорида.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон қарори 24-бандининг амал қилиши 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 33-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2019 йил 1 январдан 34-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

45. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

* 31-32-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

46. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 декабрь,
ПҚ-4086-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги
ПҚ-4086-сон қарорига
ЗЗ-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 февралдаги ПҚ-800-сон «Хорижий инвестициялар иштирокида «Женерал Моторс Ўзбекистон» корхонасини барпо этиш тўғрисида»ги қарори 8-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

«Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган маҳсулотлар қисми қўшилган қиймат солиғи тўлашдан»;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги ПҚ-1134-сон «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рабатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори 2-банди:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4 апрелдаги ПҚ-1736-сон «Самарқанд автомобиль заводида автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 3-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ қўшилган қиймат солиғи тўлашдан».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сон «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги қарори:

а) 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача» сўзлари «, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан белгиладиган» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг рус тилидаги матнида 3, 12, 17, 26, 27, 30, 35, 41, 42, 48, 53 ва 54-позициялари* қуйидаги тахрирда баён этилсин:

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорида:

а) 3-илованинг рус тилидаги матни изоҳи қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Численность производственного персонала — 2 единицы».

б) 4-илованинг рус тилидаги матни изоҳи қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Численность производственного персонала — 2-3 единицы.

Общая численность производственного персонала — 30 единиц».

в) 5-илованинг рус тилидаги матни изоҳи қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Численность производственного персонала — 2 единицы.

Общая численность производственного персонала — 26 единиц».

г) 6-илованинг рус тилидаги матни изоҳи қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Численность производственного персонала — 2 — 5 единиц.

Общая численность производственного персонала — 695 единиц».

д) 7-илованинг рус тилидаги матнида:

8-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«участие в разработке отраслевых программ развития государственно-частного партнерства в приоритетных направлениях экономики и социальной сфере»;

9-банд 10-кичик бандининг йигирма иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

11-банднинг:

йигирма бешинчи ва йигирма олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

йигирма еттинчи — ўттиз тўртинчи хатбошилар тегишинча йигирма бешинчи — ўттиз иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

17-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Заработная плата работников системы Министерства финансов состоит из должностного оклада, премий, доплат и надбавок, предусмотренных действующим законодательством.

На работников территориальных финансовых органов системы Министерства финансов Республики Узбекистан распространяются условия оплаты труда, установленные пунктом 1 постановления Президента Республики

* Позициялар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Узбекистан от 9 января 2017 года № ПП–2722 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности и усилению материального стимулирования работников территориальных органов государственного управления»;

Работникам центрального аппарата Министерства финансов за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан выплачиваются ежемесячные надбавки за выслугу лет в следующих размерах (в коэффициентах к должностному окладу с учетом коэффициента стимулирования): от 2 до 5 лет — 0,1; от 5 до 10 лет — 0,2; от 10 до 15 лет — 0,3; от 15 до 20 лет — 0,4; от 20 до 25 лет — 0,5; свыше 25 лет — 0,6. Стаж работы, дающий право на получение вознаграждения за выслугу лет, исчисляется в соответствии с порядком, утверждаемым Министерством финансов Республики Узбекистан».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2934-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матни 22-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«22. Работникам центрального аппарата Министерства экономики Республики Узбекистан за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан выплачиваются ежемесячные надбавки за выслугу лет в следующих размерах (в коэффициентах к должностному окладу с учетом коэффициента стимулирования): от 2 до 5 лет — 0,1; от 5 до 10 лет — 0,2; от 10 до 15 лет — 0,3; от 15 до 20 лет — 0,4; от 20 до 25 лет — 0,5; свыше 25 лет — 0,6. Стаж работы, дающий право на получение вознаграждения за выслугу лет, исчисляется в соответствии с порядком, утверждаемым Министерством экономики Республики Узбекистан»;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПҚ–3028-сон «2017 — 2021 йилларда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 12-банди «а» кичик банди чиқариб ташлансин;

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3672-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-банди учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларидаги йиллик индексацияни ўз ичига олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 2018–2019 йилларда 18 млрд сўм».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги ПҚ–3764-сон «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида:

4-банднинг учинчи хатбошидаги «январдан» сўзи «июлдан» сўзи билан алмаштирилсин;

7-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПҚ–3818-сон қароридаги:

а) 1-илованинг* рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

б) 2-илованинг рус тилидаги матнида:

«Ставка акцизного налога (в % от таможенной стоимости товара или в долларах США за ед. изм.)» графасининг «Прочие сигареты, содержащие табак» позициясидаги «60 долл. США/1000 шт.» сўзлари «45 долл. США/1000 шт.» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги позициялар** билан тўлдирилсин:

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПҚ–3892-сон «Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорининг 6-банди иккинчи хатбошидан «фоизсиз асосда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3954-сон ««Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 4-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ–3976-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбар ходимлари, мутахассислари ва хизматчиларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-илоvasи қуйидаги «***» мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«*** Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси инспектори меҳнатига ҳақ тўлаш разряди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси канцелярияси етакчи консультанти (етакчи инспектори) меҳнатига ҳақ тўлаш разрядига тенглаштирилади».

14. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божлари ставкаларининг 6-банди:

қуйидаги мазмундаги «б¹» кичик банд билан тўлдирилсин:

«б¹) Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига чет элга чиқиш учун биометрик паспорт берганлик учун — энг кам иш ҳақининг 120 фоизи»;

«в» кичик бандидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг 80 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

«д» кичик бандидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг 60 фоизи» сўзлари «энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«м» кичик бандидаги «ушбу банднинг тегишли равишда «а», «б», «в», «г», «д», «и» кичик бандларида кўрсатилган миқдорларда» сўзлари «ушбу

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Позициялар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

банднинг тегишли равишда «а», «б», «б¹», «в», «г», «д», «и» кичик бандларида кўрсатилган микдорларда» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 7 августдаги 224-сон «Хорижий инвестиция иштирокидаги «JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 4-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

««JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ қўшилган қиймат солиғи тўлашдан»;

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 14-банди «а» кичик бандида:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тегишинча учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағ ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 1-иловадаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 11-позицияси* қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 2010 йил 5 майдаги ПФ–4216-сон Фармони амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 2010 йил 2 июндаги 104-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 25-модда) 2-бандининг:

иккинчи хатбошидаги «78» рақами «75» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «12» рақами «15» рақами билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 23 декабрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 52-сон, 603-модда) 1-банди «а» кичик бандининг:

иккинчи хатбошидаги «78» рақами «75» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «12» рақами «15» рақами билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 мартдаги 165-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 3-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомининг 3-банди биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгиланган микдорда тайинланади ва тўланади».

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 391-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва

* 11-позиция «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 106-модда):

2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди «а» кичик банди ва 42-банди, шунингдек, унинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги 540-сон «Нотариал ҳаракатлар ва ФХДЁ органлари хизматлари учун тўловларни амалга оширишда интерактив хизматларни жорий этишни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-банди учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нотариуслар ва ФХДЁ органлари ундирадиган ҳамда тижорат банкларининг нотариал идоралар ва ФХДЁ органлари бинолари ва хоналарида очилган махсус кассалари орқали тушаётган давлат божи тўловлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тақсимлангунига қадар улар суммасининг бир фоизи миқдоридан тижорат банклари мукофот олиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин».

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги 731-сон «Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида:

2-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ёшга доир, ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқимандага), болалигидан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, ногирон бўлган 16 ёшгача (ОИВни юктириб олган 18 ёшгача) болаларга нафақа, шунингдек, ёшга доир пенсиянинг белгиланган миқдоридан кам пенсия ва нафақа бўйича ҳар бир нафақа олувчига»;

3-банднинг «а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги
ПҚ-4086-сон қарорига
34-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг 2019 йил 1 январдан ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-718-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ–744-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори 31-иловасининг 4-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори 7-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори 5-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ–1326-сон «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 7-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ–1449-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори 5 ва 7-бандлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ–1887-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 4-банди иккинчи хатбоши ҳамда 35-иловаси 6-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ–1958-сон «2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 7 ва 9-бандлари ҳамда 6 ва 7-иловалари.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ–2699-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори 8-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПҚ–3043-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қарори иловасининг 1-банди ҳамда 2-бандининг «б» ва «д» кичик бандлари.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги ПҚ–3082-сон «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 2 — 6-бандлари, 7-бандининг биринчи хатбоши ҳамда 1 ва 2-иловалари.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 августдаги ПҚ–3242-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида бюджет-

дан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори 7 ва 8-бандлари.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 3-банди учинчи хатбоши ҳамда 9-илоvasи.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ–3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 7-банди бешинчи хатбоши.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 августдаги 404-сон «Акциялар пакетларини жойлаштиришни такомиллаштириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6 — 8-бандлари ҳамда 1-илоvasи.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги 261-сон «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-банди учинчи хатбоши ҳамда 2-илоvasи.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 августдаги 221-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси ХҚ, 2013 йил, 8-сон, 53-модда) иловасининг 1-банди.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–360-сон ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–398-сон қонунлари) (Ўзбекистон Республикаси ХҚ, 2016 йил, 4-сон, 28-модда) 1-илоvasининг 18-банди.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 мартдаги 159-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси ХҚ, 2017 йил, 3-сон, 34-модда).

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги 740-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлан-

тириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси ХҚ, 9-сон, 213-модда).

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 декабрдаги 1019-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5017-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2900-сон қарори) (Ўзбекистон Республикаси ХҚ, 2017 йил 12-сон, 302-модда) иловасининг 16-банди.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 мартдаги 197-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги 2017 йил 18 декабрдаги ПҚ–3437-сон қарори) (Ўзбекистон Республикаси ХҚ, 3-сон, 56-модда) 1-иловасининг 8 ва 13-бандлари.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 майдаги 384-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3454-сон қарори) (Ўзбекистон Республикаси ХҚ, 2018 йил 5-сон, 121-модда) 1-иловасининг 18-банди.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 майдаги 400-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси» Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси ХҚ, 2018 йил 5-сон, 129-модда) иловасининг 25-банди.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги 596-сон «Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига харид қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**997 Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнги йилларда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар кўрилди.

2008 — 2017 йиллар мобайнида Давлат бюджетидан 2 172,8 км ирригация тизимлари, 368,8 км лотокли суғориш тармоқлари, 347 дона гидротехник иншоотлар, шунингдек, 83,7 куб м/сек умумий сув узатиш ҳажмига эга бўлган насос станциялари, умумий ҳажми 1 581,3 млн куб/м бўлган сув омборлари ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун 3,2 трлн сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, бунинг натижасида 1,7 млн гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминотини яхшилашга эришилди.

Бундан ташқари, ушбу давр ичида мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига 2,5 трлн сўм ажратилиб, 2,5 млн гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига, ер ости сувларининг барқарорлиги таъминланишига ва меъёрда ушлаб турилишига эришилди.

Шу билан бирга, ишларнинг ҳақиқий ҳолати таҳлили қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахта хом ашёсини етиштиришда илмий асосланган агротехника тадбирларини амалга ошириш ва суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этишда жиддий қолоқликларга йўл қўйилаётганлигидан далолат бермоқда, хусусан:

биринчидан, томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш, мазкур технологияларни қўллаётган пахта хом ашёсининг ишлаб чиқарувчиларини, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимлари ва ушбу тизимларни бутловчи қисмлар билан таъминловчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари мавжуд эмас;

иккинчидан, юқори ҳосилдорликка, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга эришишни таъминлайдиган, республиканинг тупроқ-иқлим ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишнинг илмий асосланган агротехника қоидалари мавжуд эмас;

учинчидан, замонавий томчилатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш, лойиҳалаш ва қуриш, пахта хом ашёсини етиштиришда маҳсулот сифатини назорат қилиш масалалари эътибордан четда қолмоқда;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 декабрда эълон қилинган.

тўртинчидан, томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланган ҳолда етиштиришга мўлжалланган навларни яратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларининг, айниқса, ғўзанинг маҳаллий навлари селекцияси соҳасида илмий изланишларни жадаллаштиришга кучли зарурат мавжуд;

бешинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги техникаси, машина ва механизмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган;

олтинчидан, суғоришнинг сувни тежайдиган замонавий технологияларидан фойдаланиш ва илмий асосланган агротехника қоидаларини, шунингдек, илғор хорижий тажриба ва ноу-хауларни амалиётга жорий қилиш бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимлари замонавий талабларга жавоб бермайди.

Сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг, айниқса, ғўза ҳосилдорлигини ошириш, шу асосда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар ғўза етиштиришда томчилатиб суғориш тизимини жорий қилишни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

ғўза етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан фойдаланиш бўйича лойиҳаларни амалга ошираётган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан тизимини жорий этиш, томчилатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, томчилатиб суғориш йўли билан ғўза етиштириш соҳасидаги инновацион ғоялар, илмий-тадқиқот ишланмалари, замонавий технологиялар ва илмий ютуқларни кенг жорий этиш;

республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим ва бошқа шароитларини ҳисобга олган ҳолда томчилатиб суғориш технологияларини қўллаш учун илмий-амалий ва услубий асосларини шакллантириш;

томчилатиб суғориш технологияларини қўллаган ҳолда пахта етиштиришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги техникаси, машина ва механизмларни, шунингдек, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

2. 2018 йилда «Иштихон Нурли Давр» (Иштихон тумани) ва «Мароқанд Кластер» (Нарпай тумани) фермер хўжаликлари ҳамда «PengSheng» ўзбекхитой қўшма корхонаси (Сирдарё тумани) томонидан 200 гектардан ортиқ майдонда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, бу усул ушбу майдонларда сувни икки баробар тежаш билан бирга, ҳар гектардан 40 — 45 центнергача, республика бўйи-

ча ўртача ҳосилдорликдан 1,5 — 1,7 марта юқори кўрсаткичга эришиш имконини берганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шундай тартиби белгилансинки, унга мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хом ашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига 8 млн сўм субсидия тақдим этилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарга 20 млн сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизли пункти миқдорида қопланади;

в) бюджет маблағларини олувчилар билан тузиладиган импорт шартномаларини экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талаби пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчилари томонидан томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича ишлар доирасида тузиладиган импорт шартномаларига татбиқ этилмайди;

г) пахта хом ашёсининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари, шунингдек, томчилатиб суғориш тизими ишлаб чиқарувчилари томонидан олиб кирилдиган, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар ва хом ашё 2021 йилнинг 1 январига қадар 1-иловадаги рўйхатга мувофиқ божхона божини тўлашдан озод этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳларни (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

а) ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

томчилатиб суғориш технологиясини жадал ва тўлиқ жорий этишда пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига ҳуқуқий ва ташкилий-техник ёрдам кўрсатиш;

томчилатиб суғориш технологияларини жорий этадиган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига сервис ташкилотлари ҳамда томчилатиб суғориш тизимини ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатли сервис хизмат кўрсатилишини ташкил этишни таъминлаш;

пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига, шу жумладан, томчилатиб суғориш тизимларини қуриш бўйича намунавий лойиҳаларни тақдим этиш орқали суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш услубларини ўзлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, шунингдек, пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб сугориш технологияларини жорий этиш учун кредит олишда амалий кўмаклашиш;

сувни тежайдиган сугориш технологияларининг жорий қилинишини ва ундан фойдаланиш самарадорлигини, жумладан, сугориш суви, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техник ресурсларни ишлатиш ҳажмларини қисқартириш кўрсаткичларининг тизимли мониторинг қилинишини ташкил этиш;

аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича тезкор чоралар кўриш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда маълумот тақдим этиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаменти ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи) ҳисобланади;

в) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мувофиқлаштирувчининг ишчи органи ҳисобланади;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ишчи гуруҳларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

Белгилансинки, ишчи гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги «Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3939-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади.

5. 2019-2020 йилларда пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Мувофиқлаштирувчи:

а) бир ҳафта муддатда ишчи гуруҳлар таркибини тасдиқласин;

б) пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларининг мувофиқлаштирилган ҳолда фаолият юртишини таъминласин;

в) томчилатиб сугориш технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ишчи гуруҳлар раҳбарларининг ҳисоботлари ҳар ойда эшитиб борилишини таъминласин;

г) томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этиб борсин;

д) 2019 йил 1 ноябрга қадар:

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ушбу қарорда назарда тутилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишни рабатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини қишлоқ хўжалиги экинларининг бошқа турларини ишлаб чиқарувчиларга ҳам татбиқ этиш;

2020 йил ва келгуси йилларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш тавсия этиладиган майдонлар, шунингдек, уларнинг аниқ рўйхати бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларининг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019 йилда пахта хом ашёсини ишлаб чиқарувчиларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларини қоплаш харажатлари учун 120 млрд сўм ажратилишини таъминласин;

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларининг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 2019-2020 йилларда мазкур қарорда назарда тутилган шартларда пахта хом ашёси ишлаб чиқаришда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш истагини билдирган пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларининг аниқ рўйхатини шакллантирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекнефтогаз» АЖ ва «Ўзкимёсаноат» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда «Oltin Yo'l GTL» қўшма корхонаси ва «Шўртан ГKK» МЧЖ томонидан ишлаб чиқариладиган полимер хом ашёси базасида томчилатиб суғориш тизимларини (трубалар, шланглар, фитинглар, сув сақлаш сифимлари, сув етказиб бериш ускуналари ва бошқалар) ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватларни таҳлил қилиш асосида иқтисодий самарадорликдан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятида томчилатиб суғориш тизимлари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи янги корхона ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига аниқ таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ихтисослаштирилган олий ўқув юртларининг тегишли таълим йўналишларида:

талабаларнинг тегишли амалиёт даврида сувни тежайдиган тизимларни қуриш ва фойдаланиш жараёни билан бевосита таништириб боришни назарда тутувчи суғоришда сувни тежайдиган технологияларни чуқур ўрганишларини;

профессор-ўқитувчилар таркибининг етакчи маҳаллий ҳамда чет эл таълим ва илмий-тадқиқот институтларида суғоришда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш бўйича стажировка ўташини ташкил қилсин;

б) 2019 йил 1 мартга қадар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини жойларга чиққан ҳолда қисқа муддатли курслар шаклида суғоришнинг сувни тежайдиган тизимларидан фойдаланишга ўқитиш бўйича дастурларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда маҳаллий ва жаҳон илм-фани ва амалиётининг энг яхши ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда 2019-2020 йилларда томчилатиб суғориш учун мослаштирилган илдиз тизимига эга пахта навларини етиштириш агротехнологиясини яратиш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борсин.

12. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига — ҳудудларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, томчилатиб суғориш тизимларини қуриш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, томчилатиб суғориш тизимларини қуриш ва сервис хизмат кўрсатиш бўйича пудрат гуруҳлари ташкил этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т. Юсупов зиммасига — ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, томчилатиб суғориш тизимларидан фойдаланган ҳолда пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш ва машиналар ёрдамида йиғиб олиш технологик хариталарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига — ҳолислик ва шаффофлик тамойилларига асосланган ҳолда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги юзасидан жавобгарлик юклансин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлигига ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини, шунингдек, 2019 йилда пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш жараёни ва натижаларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

14. Сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 декабрь,
ПҚ-4087-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги
ПҚ-4087-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2021 йилнинг 1 январига қадар божхона божларини
тўлашдан озод этиладиган айрим турдаги бутловчи
қисмлар ва хом ашёлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товарлар номи	ТИФ ТН коди
1.	Томчилатиб суғориш тизими учун қувур ва шланглар ишлаб чиқариш учун пигмент ва препаратлар	3206 19 000 0
2.	Томчилатиб суғориш тизими учун ПВХ қувурлар	3917 23 900 0
3.	Суғориш учун томчилатиш трубкаси, томчилатиб суғориш тизими учун эгилувчан қувурлар	3917 32 000 9
4.	Томчилатиб суғориш тизимини улаш учун фурнитура ва фитинглар	3917 40 000 0

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги
ПҚ-4087-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий
этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳларнинг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ҳокими, ишчи гуруҳ раҳбари.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

4. Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

5. Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири, ирригация тизимлари хавза бошқармаси бошлиғи.

6. Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоят молия бошқармаси бошлиғи.

7. Ер ресурслари ва давлат кадастри ҳудудий бошқарма бошлиғи.

8. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси директори.

9. «Ўзкимёсаноат» АЖ вакили.

10. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси вакили.

11. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгаши вакили.

12. Вилоят «Агробанк» АТБ бошқарувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

998 Табиий газ ва электр энергияси тарифлари оширилиши шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Табиий газ ва электр энергияси тарифлари оширилиши шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан:

«Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг корхоналарига — табиий газ харажатлари қисмини қоплаш учун 1-иловага мувофиқ;

иссиқлик таъминоти корхоналарига — аҳоли учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш учун 2-иловага мувофиқ субсидиялар ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 январда эълон қилинган.

Белгилансинки, ушбу банд билан киритиладиган ўзгартиришлар 2018 йил 16 ноябрдан бошлаб кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С. Султанов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 декабрь,
ПҚ-4088-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 29 декабрдаги
ПҚ-4088-сон қарорига
1-ИЛОВА

«Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг корхоналарига
2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар
МИҚДОРИ*

млрд. сўм

Т/р	Корхона номи	Субсидиялар миқдори***
1.	«Ўзбекэнерго» АЖ	190,5**
2.	«Тошкент ИЭС» УК	21,2
3.	«Сирдарё ИЭС» АЖ	46,3
4.	«Янги-Ангрен ИЭС» АЖ	16,8
5.	«Навоий ИЭС» АЖ	30,5
6.	«Тахياتош ИЭС» АЖ	10,4
7.	«Галимаржон ИЭС» УК	29,6
8.	«Тошкент ИЭМ» АЖ	3,0
9.	«Муборак ИЭМ» АЖ	2,9
10.	«Фарғона ИЭМ» АЖ	2,8
	Жами:	354,0

* «Ўзбекэнерго» АЖ корхоналарига ажратиладиган субсидиялар табиий газ бўйича қарзларни тўлашга йўналтирилади. Бунда «Ўзбекэнерго» АЖ корхоналарининг электр энергиясини ишлаб чиқариш учун тарифларини шакллантириш 2018 йил 16 ноябрдан 31 декабргача бўлган давр мобайнида ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажмига мос равишда субсидия суммасини чегирган ҳолда амалга оширилади.

**** Ажратиладиган субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган бюджет ссудасини тўлашга йўналтирилади.**

***** Ажратиладиган субсидиялар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига тақсимланмайди.**

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 29 декабрдаги
ПҚ-4088-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Иссиқлик таъминоти корхоналарига
2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар
МИҚДОРИ***

млн. сўм

Т/р	Ташкилот номи	2018 йилда	2019 йилда
1.	Қорақалпоғистон Республикаси		
	«Коммуналлык ыссылык орайы» ДУК	27,9	125,0
	«Тахияташ ыссылык тармаклары» МЧЖ	43,4	202,6
2.	Андижон вилояти		
	«Иссиқлик манбаи» ДУК	54,7	182,4
3.	Бухоро вилояти		
	«Иссиқлик манбаи» ДУК	1 491,5	9 294,3
	«Бухороэнергомарказ» ДУК	1 211,2	6 056,1
4.	Жиззах вилояти		
	«Иссиқлик манбаи» ДУК	20,5	275,0
5.	Қашқадарё вилояти		
	«Иссиқлик манбаи» ДУК	180,4	1 620,0
6.	Наманган вилояти		
	«Иссиқлик манбаи» ДУК	83,6	4 137,2
7.	Самарқанд вилояти		
	«Иссиқлик манбаи» ДУК	14,5	130,4
8.	Сурхондарё вилояти		
	«Иссиқлик манбаи» ИЧБ	2,2	203,8
9.	Сирдарё вилояти		
	Гулистон ш. «Иссиқлик манбаи» ИЧК	70,8	236,0
10.	Тошкент вилояти		
	«Иссиқлик манбаи» ИЧБ	465,9	2 866,7
	Чирчиқ ш. «Иссиқлик энергияси» ИЧК	83,9	9 655,4
	Ангрен ш. «Иссиқлик энергияси» ДУК	4 733,3	30 009,6
	Ангрен ш. «Коммунал хизмат кўрсатиш» ДК	384,7	1 282,7

Т/р	Ташкилот номи	2018 йилда	2019 йилда
11.	Фарғона вилояти		
	«Иссиқлик манбаи» ИЧБ	454,1	10 241,1
	«Иссиқлик энергия и/ч сервис» ДУК	209,3	1 956,7
	«Киргули иссиқлик манбаи» МЧЖ	726,5	8 887,7
	«Қўқон иссиқлик энерго» ИЧДК	4,4	14,7
12.	Хоразм вилояти		
	«Хоразм иссиқлик манбаи» ДУК	57,5	2 253,1
13.	Тошкент шаҳри		
	«Тошиссиққуввати» ДУК	47 890,5	210 818,2
	Жами	58 210,6	301 087,3

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан иссиқлик манбаи корхоналарига ажратиладиган субсидиялар суммаси аҳолига амалда сотиладиган иссиқлик энергияси ҳажмларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 29 декабрдаги
ПҚ-4088-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 4-банди олтинчи ва еттинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3253-сон «Валюта бозорини либераллаштириш шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 4-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг рус тилидаги матни 12¹-иловасида:

12 ва 13-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

12. Нефтепродукты ³ :		
бензин Аи-80		32 143 сум/тонну
бензин Аи-91, Аи-92, Аи-93		35 343 сум/тонну
бензин Аи-95		40 889 сум/тонну
дизтопливо		27 340 сум/тонну
дизтопливо ЭКО		28 425 сум/тонну
авиакеросин		5 058 сум/тонну
моторное масло для дизельных или карбюраторных (инжекторных) двигателей		20 700 сум/тонну
13. Газ природный, включая экспорт ²	15	

»;

изоҳнинг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

999 Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари Рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ошишини олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддасига асосан ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари Рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

бир ҳафта муддатда солиқ тўловчиларга ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали етказсин;

солиқ тўловчилар томонидан имтиёزلардан фойдаланишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 декабрь,
1065-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 31 декабрдаги 1065-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган
реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан
озод этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари
РЎЙХАТИ***

1. Гўшт (мол, қўй, товук), шунингдек ҳайвонлар (қорамол ва қуш) тирик ҳамда уларнинг сўйилган маҳсулотлари.
2. Балиқ.
3. Картошка.
4. Пиёз.
5. Тухум.
6. Гуруч (барча навлари).
7. Шакар.
8. Нон маҳсулотлари**.

* қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича имтиёз Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларини чакана ва улгуржи реализация қилинганда тақдим этилади.

** ишлаб чиқариш ва реализация қилишда.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

1000 «Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумот шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2074-1

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 15 декабрдаги 2009-37-сон «Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумот шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2074, 2010 йил 27 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 3-4-сон, 34-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 январдан кучга киради.

**Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 декабрь,
2018-81-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MOЛИЯ VAЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1001** Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (5-сонли БҲС) «Қишлоқ хўжалиги»ни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3106

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида **бююраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (5-сонли БҲС) «Қишлоқ хўжалиги» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 ноябрь,
143-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 13 ноябрдаги
143-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти
(5-сонли БҲС) «Қишлоқ хўжалиги»**

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (5-сонли БҲС) «Қишлоқ хўжалиги» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Стандартда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 декабрда эълон қилинган.

биологик актив — ҳайвонлар ёки ўсимликлар;

биологик активларнинг гуруҳлари — ўхшаш хусусиятларга эга ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг жамланмаси;

биотрансформация — ўсиш, насл қолдириш, ишлаб чиқариш ва кўпайиш жараёни натижасида биологик активда содир этиладиган сифат ва сон ўзгариши;

етилган биологик активлар — бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотини йиғиб олиш мумкин бўлган даражага етган (фойдаланиладиган (истеъмол қилинадиган) биологик активларга нисбатан қўлланиладиган) ёки уларни мунтазам равишда йиғишни (олишни) таъминлаши мумкин бўлган (унумдор биологик активларга қўлланиладиган) активлар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — биологик активларидан олинган (йиғилган) маҳсулот;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш — маҳсулотни биологик активдан ажратиб олиш ёки биологик активнинг ҳаёт фаолиятини тугатиш;

қишлоқ хўжалиги фаолияти — ташкилотлар томонидан етилган биологик активлар ва биотрансформацияни ёки олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки қўшимча ишлаб чиқарилган биологик активларни сотиш, беғараз асосида ёхуд номинал қиймат бўйича бериш мақсадида бошқариш;

сотиш харажатлари — молиялаштириш харажатлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ташқари, активларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри қўшимча харажатлар. Активларнинг чиқиб кетиши сотиш, беғараз ёки номинал қиймати бўйича ўтказиш орқали амалга оширилади;

унумдор (наслдор) биологик активлар — ушбу биологик активлар қишлоқ хўжалиги фаолиятида бир йилдан ортиқ вақт давомида узлуксиз ва қайта фойдаланиладиган активлардир. Унумдор (наслдор) биологик активлар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти эмас, балки ўз-ўзидан қайта тикланувчи объект ҳисобланади. Унумдор (наслдор) биологик активлар ҳисобланувчи ҳайвон турларига насл қолдирувчи ҳайвонлар (балиқ ва қушлар), сут маҳсулотлари йўналиши бўйича йирик шохли қорамоллар, жун ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қўйлар ва бошқа ҳайвонлар мисол бўла олади. Унумдор (наслдор) биологик активлар ҳисобланувчи ўсимлик турларига мева ва резаворлар, ёнғоқ, шарбат, қатронлар, қобиқлар ва барглар олиш учун ўстириладиган дарахтлар, узумзорлар ва буталар киреди;

фойдаланиладиган (истеъмол қилинадиган) биологик активлар — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатида олинладиган (йиғилладиган) ёки биологик активлар сифатида сотиладиган, беғараз ёки номинал қиймат бўйича берилладиган активлар. Масалан, фойдаланиладиган (истеъмол қилинадиган) биологик активларга бир марталик фойдаланиш учун ҳайвон ёки ўсимликлар, хусусан, гўшт йўналишида йирик шохли қорамол, сотиш учун мўлжалланган қорамол, балиқ етиштириш хўжаликларидаги балиқ, макка-

жўхори ва бугдой каби донли маҳсулотлар, шунингдек, ёғоч тайёрлаш мақсадида ўстириладиган дарахтлар киритилади.

2. Қишлоқ хўжалиги фаолияти турли соҳаларни қамраб олади, жумладан, чорвачилик, ўрмончилик, қишлоқ хўжалигининг бир йиллик ёки кўп йиллик ўсимликларини ўстириш. Ушбу фаолият бир қатор умумий жиҳатларга ажратилади:

а) ўзгариш қобилияти. Ҳайвонлар ва ўсимликлар биотрансформация хусусиятига эга;

б) ўзгаришларни бошқариш. Бошқариш зарур бўлган қулайликлар ёки ушбу жараёни амалга ошириш учун барқарор шарт-шароитларни яратиш йўли билан биотрансформацияга кўмаклашади (мисол учун, белгиланган даражада озуқа моддаларини таъминлаш, намлик, ҳарорат, маҳсулдорлик ва ёруғликни сақлаб туриш). Бундай бошқариш қишлоқ хўжалиги фаолиятини бошқа фаолият турларидан (бошқариб бўлмайдиган манбалардан олинadиган маҳсулотлар, жумладан, табиий кўллар ва дарёлардан балиқ тутиш ёки ўрмонларни кесиш) фарқланади;

в) ўзгаришларни ўлчаш. Биотрансформация натижасида юзага келадиган сифат (мисол учун, генетик хусусиятлари, зичлиги, етилганлиги, ёғ қатлами, оксилнинг мавжудлиги, толанинг мустаҳкамлиги) ва миқдор ўзгаришларини (мисол учун, насли, оғирлиги, куб метри, толанинг узунлиги ёки диаметри, гунчалар сони) ўлчаш ва назорат қилиш бошқарувнинг функцияларидан бири ҳисобланади.

3. Биотрансформация қуйидаги натижаларга олиб келади:

а) активларнинг ўсишига (ҳайвонлар ёки ўсимликлар миқдорининг ўсиши ёхуд уларнинг сифат хусусиятлари яхшиланиши);

б) активларнинг камайишига (ҳайвон ёки ўсимликлар миқдорининг камайиши ёхуд уларнинг сифат хусусиятлари ёмонлашиши) ёки кўпайишига (қўшимча жонли ҳайвон ёки ўсимликларнинг пайдо бўлиши);

в) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқилишига (масалан, чой барги, жун, сут ва бошқалар).

4. Ҳисоблаш методи орқали молиявий ҳисоботни тузувчи ва тақдим қилувчи ташкилотлар ўзининг қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳолатларда мазкур Стандартни қўллаши ва қуйидагиларнинг ҳисобини юритиши керак:

а) биологик активлар;

б) йиғиш пайтидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари.

5. Мазкур Стандарт қуйидагиларга қўлланилмайди:

а) қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга;

б) қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ номоддий активларга;

в) хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш учун мўлжалланган биологик активларга.

6. Биологик активлардан тадқиқотлар ўтказиш, таълим, транспортировка, кўнгил очиш, божхона назоратини ўтказиш мақсадида фойдаланилган ҳолатларда мазкур Стандарт талаблари бўйича ҳисобга олинмайди.

7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобини юритишда уларни олиш

(ййғиш) вақтидагина мазкур Стандартдан фойдаланилади. Унинг кейинги ҳисобини юритишда бошқа тегишли стандартлар қўлланилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олишдан (ййғишдан) кейинги қайта ишлаб чиқиш ишларида (мисол учун, узумни винога қайта ишлаш) мазкур Стандарт қўлланилмайди. Қайта ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалиги фаолиятининг мантиқий ва табиий давоми, шунингдек бўлиб ўтаётган жараёнлар ва биотрансформация ўртасида айрим ўхшашлик бўлса-да, мазкур жараён мазкур Стандартдаги қишлоқ хўжалиги фаолияти тушунчасига кирмайди.

8. Биологик активлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаб чиқиш натижасида олинадиган (ййғиладиган) маҳсулотларга мисоллар мазкур Стандартнинг иловасида келтирилган.

2-боб. Ҳисобга олиш ва баҳолаш

9. Ташкилот биологик актив ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотини фақат қуйидаги ҳолларда ҳисобга олади:

а) маҳсулот етиштирилгунга (ййғилгунга) қадар даврда активни назорат қилса;

б) актив билан боғлиқ келажакда иқтисодий даромад келиши ёки хизмат кўрсатиш имкониятининг эҳтимоллиги юқори бўлса;

в) активнинг ҳақиқий қиймати ёки таннархини ўлчаш маълумотлари ишончли бўлса.

10. Биологик активнинг ҳақиқий қиймати унинг жойлашган жойи ва ҳозирги вақтдаги ҳолатидан келиб чиқиб аниқланади. Мисол учун, хўжаликдаги бегараз ёки номинал қийматда бериш учун мўлжалланган қорамолни жойга етказиб беришнинг транспорт ва бошқа харажатларини ҳисобламаганда, унинг ҳақиқий қиймати тегишли бозордаги нархи ҳисобланади.

11. Қишлоқ хўжалиги фаолиятида йирик шохли қорамолга эгалик қилиш ҳуқуқи сифатида унинг сотиб олиниши, туғилиши ёки ажратилиши вақтида тамғалаш ёки бошқа усулда белги қўйилади. Келажакдаги иқтисодий фойда ва хизмат кўрсатиш потенциали унинг ўзига хос кўрсаткичларидан келиб чиқиб баҳоланади.

12. Дастлабки ҳисобга олиш ва ундан кейинги ҳар бир ҳисобот даврига биологик актив ўзининг ҳақиқий қиймати бўйича сотиш харажатларини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланиши керак, мазкур Стандартнинг 26-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

13. Ташкилотлар биологик активларни алмашув бўлмаган операциялар орқали қабул қилса, биологик активни дастлабки ҳисобга олиш ва ундан кейинги ҳар бир ҳисобот даврида баҳолаш мазкур Стандартнинг 13-бандига мувофиқ амалга оширилади.

14. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ушбу маҳсулотлар олинган вақтда аниқланадиган сотиш харажатларини чегирган ҳолда ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланиши керак. Ушбу баҳоланиш натижасида олинган қиймат бошқа

тегишли стандарт қўлланилиб бошланадиган кунга маҳсулотнинг қиймати бўлиб ҳисобланади.

15. Биологик актив ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳақиқий қийматини аниқлаш жараёнини осонлаштириш мақсадида уларнинг асосий хусусиятлари мос равишда гуруҳлаштирилиши мумкин (мисол учун, ёши ёки сифати бўйича). Ташкилот активнинг нархини белгилашда асос сифатида бозорга мос равишда фойдаланилаётган хусусиятлардан келиб чиқади.

16. Ташкилотлар кўп ҳолларда ўзларининг биологик активлари ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келажакдаги қайсидир вақтда сотиш бўйича шартнома тузадилар. Бундай шартномаларда келишилган нархлар ҳақиқий қийматни аниқлашда асос бўлиши шарт эмас, чунки ҳақиқий қиймат сотувчи ва сотиб олувчи иштирок этаётган бозордаги нархларнинг жорий конъюктурасини кўрсатади. Шунга кўра, шартноманинг мавжудлиги биологик активлар ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳақиқий қийматининг ўзгартирилишига олиб келмайди.

17. Агар биологик активлар ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун уларнинг жойлашган жойи ва ҳолатига боғлиқ ҳолда фаол бозор мавжуд бўлса, бунда ушбу бозорда белгиланган нарх мазкур активнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун мос келувчи асос ҳисобланади. Агар ташкилотда бир қанча фаол бозорларга кириш имконияти бўлса, ташкилотга тўғри келувчи энг мақбул бўлган нарх ишлатилади (мисол учун, агар ташкилотда иккита фаол бозорга кириш имконияти бўлса, бунда у ўзи битим тузишни истаган бозордаги нархдан фойдаланади).

18. Фаол бозор мавжуд бўлмаган ҳолатларда, ташкилотлар бозор қийматини аниқлаш учун бир ёки бир қанча қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланади:

а) агар охириги битим амалга оширилган сана ва ҳисобот санаси ўртасидаги даврда хўжалик шартларига муҳим ўзгартиришлар киритилмаган бўлса савдо битимнинг охириги нархлар;

б) ўхшаш активлар учун бозор баҳоси фарқларини ҳисобга олиш билан аниқлаш;

в) мос келувчи соҳа кўрсаткичлари, мисол учун бир экспорт лот боғдорчилик кўчатлари ҳисоби гектар ва йирик шохли қорамол ҳисоби килограмм гўшт.

19. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ёки биологик активларнинг ҳақиқий қийматини мазкур Стандартнинг 18-банди асосида аниқлашда ҳар хил ҳулосаларга олиб келса, ташкилот ушбу фарқлар сабабларини биологик активнинг ҳақиқий қийматини ишончлироқ баҳолаш учун кўриб чиқиши керак.

20. Ташкилот активларини ўз ҳисоб-китобида молиялаштириш, солиққа тортиш ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олгандан (йиққандан) кейин биологик активларни тиклаш билан боғлиқ бўлган (мисол учун, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йиғиб олингандан кейинги экин майдонларини тиклашга кетадиган харажатлар) пул оқимини акс эттирмайди.

21. Биологик активлар таннархи баъзида ҳақиқий қийматга деярли тенг бўлиши мумкин, хусусан:

а) бошланғич харажатлари амалга оширилган вақтдан сезиларли биотрансформация содир бўлмаганда (мисол учун, мевали дарахтлар ҳисобот давридан олдин кўчатлари экилган);

б) биотрансформациянинг нархга таъсири сезиларли даражада бўлиши кутилмаганда (мисол учун, ишлаб чиқариш даври 30 йилни ташкил этувчи экилган қарағайларнинг бошланғич ўсиш даври).

22. Биологик активлар кўпинча ер билан бевосита боғлиқ бўлади (мисол учун, ўрмондаги дарахтлар).

Ташкилот биологик активларнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун бир-бирига боғлиқ бўлган активларга тегишли ахборотдан фойдаланади. Бунда, биологик активларнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун бир-бирига боғлиқ бўлган активларнинг ҳақиқий қийматидан ишлов берилмаган ерларининг ҳақиқий қийматини ва уни яхшилашга қаратилган капитал харажатларини чегириш орқали аниқланади.

3-боб. Фойда ва зарар

23. Биологик активнинг сотиш харажатларидан ташқари уни ҳақиқий қиймати бўйича дастлабки ҳисобга олишда, шунингдек, сотиш харажатларини чегирган ҳолда биологик активни ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар у ҳосил бўлган даврдаги ташкилотнинг фойда ёки зарар таркибига киритилиши керак.

24. Биологик активнинг бошланғич ҳисобга олинишидаги зарари унинг ҳақиқий қийматини аниқлашда юзага келадиган барча сотиш харажатларини чегириш натижаси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

25. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш харажатларидан ташқари уни ҳақиқий қиймати бўйича дастлабки ҳисобга олинишидаги фойда ёки зарарининг юзага келиш ҳолатлари у ҳосил бўлган даврдаги ташкилотларнинг фойда ёки зарар таркибига киритилиши керак.

26. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг дастлабки ҳисобга олинишида ушбу маҳсулот олиниши (йиғиб олиниши) натижасида фойда ёки зарар юзага келади.

4-боб. Ҳақиқий қийматнинг ишончли баҳолана олинмаслиги

27. Ҳақиқий қийматларига эга бўлмаган, шубҳали, ишончсиз бўлган ёки қиймат ва муқобил ҳисоб-китоб кўрсаткичлари мавжуд бўлмаган биологик активлар ишончли баҳолана олмайди. Бундай ҳолатларда ушбу биологик актив кадрсизланишдан тўпланган зарар ва эскиришни чегириш орқали ўзининг таннархи бўйича баҳоланиши керак.

Ушбу биологик активнинг ҳақиқий қийматини ишончли баҳолаш имконияти пайдо бўлиши билан ташкилот уни сотиш харажатларини чегириш

орқали ҳақиқий қийматини ўлчашни бошлаши керак. Узоқ муддатли активлар ҳисоби бўйича тегишли миллий ёки халқаро стандартга мувофиқ равишда узоқ муддатли биологик актив сотиш учун мўлжалланганлик сифатига жавоб бергандагина (ёки сотиш учун мўлжалланган таснифи бўйича чиқиб кетувчи гуруҳга киритилади) ҳақиқий қиймат ишончли баҳоланади.

28. Агар ташкилот аввал сотиш харажатларини чегирган ҳолда ҳақиқий қиймати бўйича қандайдир биологик активни баҳолаган бўлса, сотиш харажатларини чегирган ҳолда ҳақиқий қиймати бўйича мазкур биологик активни уни чиқиш вақтигача баҳолашни давом эттиради.

29. Барча ҳолатларда ташкилотлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олинган (йиғилган) вақтда сотиш харажатларини чегирган ҳолда ҳақиқий қиймати бўйича баҳолайди.

5-боб. Ахборотни очиб бериш

30. Ташкилотлар биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки ҳисобга олиш, шунингдек, биологик активларнинг сотиш харажатларидан ташқари ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижа-сида юзага келадиган фойда ёки зарарнинг умумий қийматини очиб бериши керак.

31. Ташкилот истеъмол қилинадиган биологик активлар билан ҳосил берувчи (унумдор) биологик активлар, шунингдек, сотиш учун мўлжалланган биологик активлар билан беғараз ёки номинал қиймат асосида беришга мўлжалланган биологик активлар ўртасидаги фарқлар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериши керак.

Ахборотни беришда ташкилотлар биологик активларни етилган ва етилмаган биологик активларга ажратади.

32. Ташкилот, агар у тақдим этилган молиявий ҳисобот билан бирга очиб берилмаган бўлса, қуйидаги маълумотларни очиб бериши керак:

а) биологик активларнинг ҳар бир гуруҳлари билан боғлиқ бўлган ўзининг фаолиятининг хусусияти бўйича;

б) натурал кўринишда ифодаланган номолиявий активлар параметрлари ёки ҳисоб-китоб кўрсаткичлари:

ҳисобот даври якунига ташкилотлар биологик активларининг ҳар бир гуруҳлари бўйича;

ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми бўйича.

33. Ташкилотлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳар бир гуруҳининг олиш (йиғиш) вақтида ва биологик активлари ҳар бир гуруҳининг ҳақиқий қийматини аниқлашда фойдаланиладиган усул ҳамда асосий йўналишлар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериши керак.

Ҳисобот даврида олинган (йиғилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотига нисбатан ташкилот шу маҳсулотнинг олиш (йиғиш) вақтида аниқланадиган сотиш харажатларини чегирган ҳолда ҳақиқий қийматини кўрсатиши керак.

34. Ташкилот:

а) қўллаш бўйича маълум чекловлари бор бўлган биологик активларнинг мавжудлиги ва баланс қийматини, шунингдек, мажбуриятларни бажариш учун гаров сифатида берилган биологик активларнинг қийматини;

б) субъект томонидан биологик активлардан фойдаланиш ёки уларни сотиш эҳтимоллиги мавжуд бўлганда шу активларга қўйиладиган чекловлар даражаси ва хусусиятини;

в) биологик активларни такомиллаштириш ёки сотиб олиш бўйича ўз бўйнига олган мажбуриятларнинг миқдори;

г) қишлоқ хўжалиги фаолияти билан боғлиқ молиявий хатар бошқариш стратегиясини очиб бериши керак.

35. Ташкилот жорий ҳисобот даврининг боши ва охири ўртасида бўлган биологик активларнинг баланс қийматининг ўзгаришларни қиёслаши керак. Ушбу қиёслаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ҳосил берувчи (унумдор) биологик активлар ва истеъмол қилинувчи биологик активлар бўйича алоҳида очиладиган сотиш харажатларини чегирган ҳолда ҳақиқий қийматининг ўзгаришларидан олинган фойда ва зарар;

б) биологик активларни сотиб олиш натижасида қийматнинг ошиши;

в) алмашув бўлмаган операциялар натижасида сотиб олинган активлар ҳисобига қийматнинг кўтарилиши;

г) мазкур Стандартга мувофиқ равишда биологик активларни сотиш ва классификациялаш сабабли қийматнинг пасайиши;

д) активларнинг беғараз ёки номинал қиймат бўйича берилиши сабабли қийматнинг пасайиши;

е) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш (олиш) билан боғлиқ қийматнинг пасайиши;

ж) фаолиятни бирлаштириш бўйича битимлар натижасида қийматнинг кўтарилиши;

з) молиявий ҳисобот кўрсаткичларини ҳисобот топшириш валютасига қайта ҳисобланиши ва ҳисобот топширилаётган субъектни чет эл бўлинмасининг кўрсаткичларини ҳисобот валютасига қайта ҳисобланишидан келиб чиқадиган соф курс фарқлари;

и) бошқа ўзгаришлар.

36. Активнинг ҳақиқий қиймати сотиш харажатларини чегирган ҳолда биологик жисмоний хусусиятлари ҳамда бозордаги нархларнинг ўзгариши билан боғлиқ равишда ўзгаради.

37. Биотрансформация натижасида бир қатор жисмоний хусусиятлар ўзгариши кузатилади (ўсиш, насл қолдириш, ишлаб чиқариш ва кўпайиш) ҳар бир ўзгариш кузатилиши ва ўлчаниши лозим. Жисмоний хусусиятлар ўзгаришининг ҳар бири келгусидаги иқтисодий фойда ёки самарали фойдаланиш имконияти билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Йиғилган (олинган) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти натижасида биологик активни ҳақиқий қийматининг ўзгариши жисмоний хусусиятларни ҳам ўзгартиришини ўзида акс эттиради.

38. Қишлоқ хўжалиги фаолияти кўпинча ноқулай об-ҳаво шароитида

юзага келадиган хатарлари, касалликнинг оммавий тарқалиши ва бошқа табиий хатарлар билан боғлиқ. Бундай воқеалар содир бўлиш натижасида даромад ёки харажатлар ҳажми кўпайиб ёки камайиб кетиши мумкин, бунда уларнинг хусусияти ва миқдори ташкилотнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилиши керак. Бундай воқеаларга мисол бўлиб инфекция касалликларнинг оммавий тарқалиши, сув тошқини, кучли қурғоқчилик ёки ҳавонинг совуқ келиши, шунингдек, ҳашаротларнинг кўпайиб кетиши ҳисобланади.

39. Агар ташкилот биологик активни охири даврадаги кадрсизланиши натижасида тўпланган амортизация (мавжуд бўлганда) ва зарарни чегирган ҳолда таннарх бўйича ўлчаса, бунда биологик активларга нисбатан қуйидаги маълумотларни кўрсатиши керак:

- а) ушбу биологик активларнинг гуруҳи;
- б) ҳақиқий қийматни ишончли ўлчаш имконияти йўқлиги сабабларини тушунтириш;
- в) имкониятлардан келиб чиқиб, барча эҳтимолликлиги билан ҳақиқий қийматнинг ҳисоб-китоб баҳолари оралигини;
- г) амортизацияни ҳисоблашда фойдаланиладиган усул;
- д) амортизацияни ҳисоблашда қўлланиладиган меъёрлар ёки самарали фойдаланиш муддатлари;
- е) ҳисобот даврининг боши ва охири ўртасидаги умумий баланс қиймати ва йиғилган амортизация (кадрсизланишдан тўпланган зарар билан бирга) суммаси.

40. Агар ташкилот ҳисобот даври давомида биологик активни кадрсизланишдан йиғилган амортизация ва зарарни чегирган ҳолда баҳоласа, бунда биологик активнинг чиқиб кетганида тан оладиган ҳар қандай фойда ёки зарар суммасини кўрсатиб бериши, мазкур Стандартнинг 35-бандига мос равишда кўриб чиқилганда, шу каби биологик активларга тегишли кўрсаткичларни алоҳида кўрсатиши керак. Бундан ташқари, мазкур кўриб чиқиш таркибига биологик активга тегишли қуйидаги кўрсаткичлар ки-ради:

- а) кадрсизланишдан кўрилган зарарлар;
- б) кадрсизланишдан кўрилган зарарларнинг тикланган суммаси;
- в) амортизация суммаси.

41. Агар жорий ҳисобот даври давомида кадрсизланишдан тўпланган амортизация ва зарарни чегирланган ҳолда олдинги таннархи бўйича аниқланадиган биологик активларнинг ҳақиқий қийматини ишончли ўлчаш имконияти юзага келганда, ташкилот мазкур биологик активларга нисбатан қуйидаги ахборотни кўрсатиши керак:

- а) ушбу биологик активларнинг таснифи;
- б) ҳақиқий қийматни ишончли ўлчаш имконияти борлиги сабабларини тушунтириш;
- в) ўтишнинг ҳақиқий қийматга таъсири.

Ўзбекистон Республикаси бюджет
хисобининг стандарти (5-сонли БХС)
«Қишлоқ хўжалиги»га
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, биологик активлар ва
уларни қайта ишлаш натижасида олинадиган (йиғиладиган)
маҳсулотларга мисоллар**

Биологик активлар	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Қайта ишлаш натижасида олинадиган маҳсулотлар
Қўйлар	Жун	Ип-калава, гилам
Ўрмондаги дарахтлар	Кесилган дарахтлар	Ёғоч-тахта материаллари
Фалла экини	Бугдой	Ун ва ун маҳсулотлари
Соғин сигир	Сут	Пишлоқ
Пахта ўсимлиги	Терилган пахта	Ип-тола, кийим
Шакар қамиш	Ўрилган шакар қамиш	Шакар
Олма дарахти	Олма	Олма шарбати
Узумзор	Узум	Вино
Гўшт йўналишидаги қорамоллар	Гўшт	Колбаса маҳсулотлари
Мевали дарахтлар	Йиғилган мевалар	Қайта ишловдан ўтган мевалар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1002 Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармала-
ри ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга
ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-6*

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сон «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 29 октябрдаги 232-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2151, 2010 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 390-модда) билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 декабрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 декабрь,
567-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги
567-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги
малака комиссиялари тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Малака комиссиялари:

нотариал идорада камида бир йил стажировка ўтаган;

судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган;

нотариус ёрдамчиси лавозимида камида уч йил ишлаган;

адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камида уч йил ишлаган;

малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган шахслардан (талабгорлардан) малака имтиҳонини қабул қиладилар.»

2. 9-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ўн беш» деган сўзлар «етти» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 12-банднинг ўн иккинчи хатбошисидан «, нотариуслар томонидан ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги ҳолатини муҳокама қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. IV бобнинг номидаги «Талабгорни» деган сўз «Стажировкани ўтаган талабгорни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Стажировкани ўтаган талабгор малака имтиҳонини топширгунга қадар Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2149, 2010 йил 20 октябрь) мувофиқ стажировка натижалари бўйича малака комиссиясига ҳисобот беради.»

6. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Малака комиссияси стажировкани ўтаган талабгорнинг ҳисоботи-

ни эшитиш давомида Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2149, 2010 йил 20 октябрь) талаблари бузилганлик ҳолатини аниқласа, бу тўғрисида комиссия мажлисининг баённомасида қайд этиб ўтади. Малака комиссияси раиси ушбу ҳолат юзасидан тегишли чоралар кўриш, шу жумладан, айбдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли жавобгарликка тортиш тўғрисида адлия бошқармаси раҳбарига таклиф киритади.».

7. 21-бандда:

биринчи хатбошидан «стажировка ўтаган жойдаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи ва тўққизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўнинчи хатбошилар бешинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом 1-бандининг учинчи — олтинчи хатбошиларида назарда тутилган шахслардан (талабгорлардан) мазкур банднинг еттинчи хатбошида назарда тутилган ҳужжатлар талаб этилмайди.».

8. 25-банднинг иккинчи хатбошисидаги «бир йил» деган сўзлар «олти ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 27-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ўн» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Малака имтиҳони адлия бошқармаси томонидан тасдиқланган рўйхатдаги саволлардан тузилган имтиҳон билетлари асосида ўтказилади.».

11. 33-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уяли телефон ва бошқа алоқа ҳамда телекоммуникация воситалари, китоб ва шпаргалкалардан фойдаланиш;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Талабгорнинг мазкур қоидага амал қилмаслиги уни малака имтиҳони топширишдан четлаштириш учун асос бўлади. Ушбу ҳолат комиссия мажлисининг баённомасида акс этирилади.».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1003** Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-9

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ-497-сон «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги 223-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2149, 2010 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 369-модда) билан тасдиқланган Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 декабрь,
568-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги
568-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «бир» деган сўз «икки» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидан «белгиланган тартибда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши «адвокат,» деган сўздан кейин «суриштирувчи,» деган сўз билан тўлдирилсин.

2. 6-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, қоида тариқасида, бир нотариусга битта стажёр бириктирилади.».

3. 11¹-банд «адвокат,» деган сўздан кейин «суриштирувчи,» деган сўз билан тўлдирилсин.

4. 16-бандда:

биринчи хатбошидаги «камида икки» деган сўзлар «бир» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. 16¹-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 25-бандда:

биринчи хатбошидаги «ҳар ойда» деган сўзлар «ҳар чоракда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

7. 27-банддаги «ҳар олти ой якунида, мазкур Низомнинг 16-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган стажёр эса ҳар чорак» деган сўзлар «стажировка ўташ муддатининг 1 — 3 чораги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 28¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28¹. Стажёрнинг нотариатга тааллуқли назарий билимларни ўзлаштириш даражаси ва амалий тайёргарлигини назорат қилиш мақсадида у махсус комиссия томонидан стажировка ўташ муддатининг 1 — 3 чораги якуни бўйича синовдан ўтказилади.».

9. 39-бандда:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишлича саккизинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

10. 40-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1004 Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш
қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2170-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 308-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2170, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 503-модда) билан тасдиқланган Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 январдан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 декабрь,
569-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги
569-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 13-банднинг биринчи хатбошисидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин.
2. 15-банддаги «мазкур Қоидаларнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги тегишли дафтарлар юритилади» деган сўзлар ««Нотариатнинг ягона» автоматлаштирилган ахборот тизимидан (бундан кейинги ўринларда Тизим деб юритилади) фойдаланилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 22-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:
«22. Жўнатилаётган ҳужжат Тизимда рўйхатдан ўтказилади ва унга тегишли тартиб рақами берилади.»
4. 23-банддаги «почта алоқаси,» деган сўзлардан кейин «электрон почта,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
5. 24-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ҳужжатларнинг ижроси юзасидан тегишли маълумотлар Тизимга киритилади.»
6. 26-банддаги «назорат карточкалари» ёки тегишли назорат иш жилдлари» деган сўзлар «Тизим» деган сўз билан алмаштирилсин.
7. 27-банддаги «ҳаракатлар, шунингдек реестрлар, китобларни» деган сўзлар «ҳаракатларни» деган сўз билан алмаштирилсин.
8. 28-банднинг биринчи хатбошисидаги «нотариал архивлар» деган сўзлар «идоравий нотариал архивлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
9. 31-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
10. 32-банднинг биринчи хатбошисидан «, уларнинг ҳар бирига алоҳида индекс берилади ва тегишли ҳужжатлар йиғмажилдларига тикилади, шундан сўнг, мазкур Қоидаларнинг 13-иловасига мувофиқ Мерос ишларини рўйхатга олиш китобида қайд этилади ҳамда унга шу китобдаги тегишли тартиб рақами берилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
11. VI боб номидаги «нотариал архивларга» деган сўзлар «идоравий нотариал архивларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
12. 35-банднинг иккинчи хатбошисидаги «нотариал архивларга» деган сўзлар «идоравий нотариал архивларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
13. 37-банднинг иккинчи — олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.
14. 38-банднинг бешинчи хатбошисидаги «14» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин.
15. 42-банднинг биринчи хатбошисидаги «15» рақами «3» рақами билан алмаштирилсин.
16. 1-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

17. 2 — 13 иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

18. 14-илованинг илова белгисидаги «14» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин.

19. 15-иловада:

илова белгисидаги «15» рақами «3» рақами билан алмаштирилсин;

номидаги «нотариал архивларга» деган сўзлар «идоравий нотариал архивларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Давлат нотариал идораларида нотариал
иш юритиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Давлат нотариал идораларида нотариал
иш юритиш қоидаларига
1-ИЛОВА

Давлат нотариал идоралари ҳужжатлар йиғмажилдларининг намунавий НОМЕНКЛАТУРАСИ

1. Иш юритиш бўйича

1-1. Юқори турувчи ташкилотларнинг буйруқ ва кўрсатмалари.

1-2. Нотариал амалиётни умумлаштириш бўйича ҳужжатлар.

1-3. Нотариал идорани текшириш натижалари ҳақида маълумотнома ва далолатномалар.

1-4. Шахсий таркиб бўйича буйруқлар, меҳнат шартномалари ва бошқа ҳужжатлар.

1-5. Бошқа ташкилотлар билан ёзишмалар.

1-6. Нотариал архивга топширилган ҳужжатларнинг рўйхати ва топшириш далолатномалари.

1-7. Халқаро шартномалар бўйича ёзишмалар.

1-8. Бошқа ҳужжатлар.

2. Нотариал ҳаракатларнинг турлари бўйича

2-1. Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар ва уларни тасдиқлаш учун асос бўлган ҳужжатлар.

2-2. Гаров (ипотека) шартномалари ҳамда уларни тасдиқлаш учун асос бўлган ҳужжатлар.

2-3. Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар ва уларни тасдиқлаш учун асос бўлган ҳужжатлар.

2-4. Бошқа шартномалар.

2-5. Ишончномалар.

- 2-6. Нотариал тасдиқланган васиятномалар.
- 2-7. Мерос ишлари.
- 2-8. Ижро хатларини ёзиш ва унга тегишли бўлган ҳужжатлар.
- 2-9. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмалар беришга оид ҳужжатлар.
- 2-10. Бошқа нотариал ҳаракатлар.

3. Нотариал ҳаракатни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатлар бўйича

- 3-1. Тугалланмаган мерос ишлари бўйича ҳужжатлар.
- 3-2. Мерос мол-мулкани қўриқлаш чораларини кўриш бўйича аризалар.
- 3-3. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ёки рад этиш ҳақидаги қарорлар.
- 3-4. Ҳужжатларни экспертизага жўнатиш ҳақидаги қарорлар.
- 3-5. Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1005 Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйи-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 декабрда эълон қилинган.

ладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 октябрь,
34/5-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
27 октябрдаги 34/5-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Банк активлари таваккалчилик даражаси бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- I гуруҳ — таваккалчилик даражаси 0 фоиз;
- II гуруҳ — таваккалчилик даражаси 20 фоиз;
- III гуруҳ — таваккалчилик даражаси 50 фоиз;
- IV гуруҳ — таваккалчилик даражаси 100 фоиз;
- V гуруҳ — таваккалчилик даражаси 150 фоиз;
- VI гуруҳ — таваккалчилик даражаси 200 фоиз;
- VII гуруҳ — таваккалчилик даражаси 300 фоиз.»

2. 20-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Таваккалчилик даражаси бўйича I гуруҳга қуйидагилар киради:

банкда ва унинг филиалларида нақд пул кўринишида сақланаётган миллий ва чет эл валютаси (жумладан, банк омборларида ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки омборларида сақланаётган тижорат банклариға тегишли олтин қўймалар)».

3. 21-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Таваккалчилик даражаси бўйича II гуруҳга қуйидагилар киради:».

4. 22-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Таваккалчилик даражаси бўйича III гуруҳга қуйидагилар киради:».

5. 23-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Таваккалчилик даражаси бўйича IV гуруҳга қуйидагилар киради:

банк томонидан берилган барча кредитлар, мазкур Низомнинг 20, 21, 22, 24, 24¹ ва 24²-бандларида кўрсатилган кредитлар бундан мустасно;»;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дастлабки гаров ҳуқуқи банкка тегишли бўлмаган кредитлар;».

6. 24-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Таваккалчилик даражаси бўйича V гуруҳга қўйидагилар киради:»; қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«аҳолига автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитни қайтариш муддатининг қолган қисми 1 йилгача ва йиллик фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасининг 2 баробари ва ундан юқори бўлган кредитлар;

аҳолига автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитни қайтариш муддатининг қолган қисми 1 йилдан 3 йилгача ва йиллик фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасининг 1,5 баробаридан 2 баробаригача бўлган кредитлар;

аҳолига автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитни қайтариш муддатининг қолган қисми 3 йил ва ундан узоқ ва йиллик фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасининг 1,5 баробари ва ундан паст бўлган кредитлар.».

7. Қўйидаги мазмундаги 24¹ ва 24²-бандлар билан тўлдирилсин:

«24¹. Таваккалчилик даражаси бўйича VI гуруҳга қўйидагилар киради:

аҳолига автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитни қайтариш муддатининг қолган қисми 1 йилдан 3 йилгача ва йиллик фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасининг 2 баробари ва ундан юқори бўлган кредитлар;

аҳолига автомобиль сотиб олиш учун ажратилган кредитни қайтариш муддатининг қолган қисми 3 йил ва ундан узоқ ва йиллик фоиз ставкаси қайта молиялаш ставкасининг 1,5 баробаридан юқори бўлган кредитлар.

24². Таваккалчилик даражаси бўйича VII гуруҳга автомобиль сотиб олиш учун:

юримдик шахсларга ажратилган кредитнинг гаров таъминотига автомобиль қабул қилинган кредитлар;

аҳолига ажратилган кредитнинг қолдиғи сотиб олинган автомобиль қийматининг 75 фоизидан ортиғини ташкил этган кредитлар.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА
МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1006 Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2790-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги ПҚ-3876-сон «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил 21 апрелдаги 4, 7-ққ ва 25-сон қарори (рўйхат рақами 2790, 2016 йил 24 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2016 й., 21-сон, 244-модда) билан тасдиқланган Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Инновацион
ривожланиш вазири**

Тошкент ш.,
2018 йил 10 декабрь,
10/ққ-сон

И. АБДУРАХМАНОВ

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.,
2018 йил 10 декабрь,
29-ққ-сон

Ш. КУДБИЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Молия вазирлиги**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 10 декабрь,
148-сон

Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш вазирлиги,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
ва Молия вазирлигининг 2018 йил
10 декабрдаги 10/ққ, 29-ққ,
148-сон қарорига
ИЛОВА

**Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг
меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Изоҳнинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«* Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази (ҚХООТИИЧМ) тасарруфидаги муассасаларнинг шу каби ўхшаш лавозимлардаги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разряди 1 разрядга юқори белгиланади;».

2. Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига иловада:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларининг (бундан буён матнда меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари деб юритилади) амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфидаги муассасалар ходимлари ва республика илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий фаолиятни конструктор-технологик таъминлаш, илмий лаборатория ускуналарига хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган муҳандис-техник ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга татбиқ этилмайди.»;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Қуйидагилар:

бухгалтерлар ва иқтисодчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 февралдаги 33-сон «Айрим бюджет ташкилотлари ходимлари баъзи тоифаларининг лавозим разрядларини белгилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ;

юримдик хизмат ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ белгиланади.»;

в) 8-банддаги «ЎзҚХИИЧМ муассасалари учун» деган сўзлар «ҚХОО-ТИИЧМ муассасалари учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2018 йил 10 декабрь

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2018 йил 10 декабрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 10 декабрь

Қишлоқ хўжалиги вазири

Б. ЮСУПОВ

2018 йил 10 декабрь

Сув хўжалиги вазири

Ш. ҲАМРОЕВ

2018 йил 10 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1007 Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан
нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/14-сон қарори (рўйхат рақами 3003, 2018 йил 1 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 18-сон, 372-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 декабрь,
39/20-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
15 декабрдаги 39/20-қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул
муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 18-банднинг иккинчи хатбошисидаги «(инкассация хизматининг кечки ташрифидан сўнг кассага кирим қилинган нақд пуллар ўрнатилган лимитга киритилмайди)» деган сўзлар «(банк кассасига кирим қилиш учун

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 декабрда эълон қилинган.

топширилгандан сўнг кассага кирим қилинган нақд пуллар ўрнатилган лимитга киритилмайди)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 28-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

1008 Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/8-сон қарори (рўйхат рақами 2933, 2017 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 39-сон, 1052-модда) билан тасдиқланган Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 декабрь,
39/2-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
15 декабрдаги 39/2-сон қарорига
ИЛОВА

**Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банддаги «Ломбардлар томонидан ҳисоботларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1289, 2003 йил 10 декабрь)» деган сўзлар «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2994, 2018 йил 5 апрель)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 13-банддаги «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь)» деган сўзлар «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Низомнинг 17-илоvasи мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартиришларга ИЛОВА

«Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 17-ИЛОВА

**Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун _____
ҳисобварағи бўйича

Т/р	Исм-шарифи	Лавозими	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдиқ (ҳодим олдидаги қарздорлик)	Ҳисобварақнинг кредитидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетидан акс эттирилди (ҳисоблаб ёзилган)				Ҳисобварақнинг дебети бўйича қуйидаги ҳисобварақлар кредитидан акс эттирилди (ушлаб қолинган)				Тўланди	Ҳисобот даври охирига қарз қолдиғи (депонентлаштирилган иш ҳақи)	
				__-х/в	__-х/в	__-х/в	жами	аванс	жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	қасаба уюшмасига бадаллар	ФШЖБПХ*			жами

Раҳбар

_____ (Ф.И.О.)

_____ (ИМЗО)

Бухгалтер

_____ (Ф.И.О.)

_____ (ИМЗО)

М.Ў.

* Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

1009 Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш
ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3107*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ миқдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 27 декабрдаги 187, 2017-74-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2959, 2017 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 52-сон, 1275-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2019 йил 1 январдан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 декабрь,
158-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 24 декабрь,
2018-85-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2018 йил 24 декабрдаги
158, 2018-85-сон қарорига
ИЛОВА

**Алкоголли маҳсулотлар* учун энг кам
улгуржи-сотиш ва чакана
НАРХЛАР**

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	8 000	9 600
Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	29 000	34 600
Ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	19 400	23 200

* Пиводан ташқари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**1010 «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг
стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»-
ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш
киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-1*

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси-
нинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 сентябрда-
ги 125-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли
БҲС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг
(рўйхат рақами 3078, 2018 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси Қо-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 де-
кабрда эълон қилинган.

нун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 43-сон, 847-модда) 2-бандидаги «2019» рақами «2020» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 декабрь,
159-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1011 Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 августдаги 658-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. НАБИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 ноябрь,
24-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 23 ноябрдаги 24-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

1011-модда

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юктамалари ҳажми

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
1. Ўқув ишлари			
1.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари учун ўқув (назарий, амалий, семинар, лаборатория ва кўчма) машғулот ўтказиш.	Бир академик соат учун — 1 соат.	Ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги гуруҳ журнали асосида аниқланади.
2.	Масофавий таълим асосида қайта тайёрлаш, махсус курс ва малака ошириш курси тингловчилари учун онлайн машғулотларни ўтказиш.	Бир академик соат учун — 5 соат.	Ўқув машғулотларининг ўтказилганлиги ўқув журнали асосида аниқланади.
3.	Қайта тайёрлаш ва махсус курсларда битирув малакавий ишларга раҳбарлик қилиш ва хулоса ёзиш.	Битта битирув малакавий ишга раҳбарлик қилиш ва хулоса ёзиш — 4 соат.	Таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи, ёзилган хулоса ҳамда ишнинг ҳимояга тақдим этилганлиги асосида аниқланади.
4.	Қайта тайёрлаш ва махсус курсларда битирув малакавий ишларига тақриз ёзиш.	Битта битирув малакавий ишга тақриз ёзишга — 0,5 соат.	Битирув малакавий ишига ёзилган тақриз асосида аниқланади.
5.	Қайта тайёрлаш, махсус курс ва малака ошириш курси якуний давлат аттестациясини (якуний тест, суҳбат, битирув малакавий иш ҳимояси) ўтказиш.	Битта академик гуруҳ учун якуний тестга — 2 соат. Битта тингловчи учун якуний суҳбатга — 0,5 соат. Битта битирув малакавий (лойиҳа) иш ҳимояси учун — 0,6 соат.	Аттестация комиссиясининг баённомаси асосида аниқланади.

— 172 —

52 (864) -сон

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
		Комиссия аъзосига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкмаси ҳажми — 8 соатдан ошмаслиги лозим.	
6.	Ўқув режасидаги модуллар бўйича жорий назорат ўтказиш ва баҳолаш.	Жорий назорат ёзма шаклда (тест) бўлса, битта ёзма ишга — 0,3 соат; Оғзаки ёки ижодий шаклда бир нафар тингловчи учун — 0,3 соат.	Тегишли қайдномалар ва тингловчининг шахсий аттестация варақалари асосида аниқланади.
7.	Докторант ва мустақил изланувчига илмий раҳбарлик (маслаҳатчилик) қилиш.	Битта докторант учун бир ўқув йилида — 100 соат; Битта мустақил изланувчи учун бир ўқув йилида — 50 соат.	Докторант ва мустақил изланувчининг якка тартибдаги иш режаси асосида аниқланади.
8.	Қайта тайёрлаш, махсус курс ва малака ошириш курси тингловчилари учун очиқ, муаммоли, интеграциялашган маърузалар ва мастер-классларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.	бир академик соат очиқ, муаммоли, интеграциялашган маърузалар ва мастер-класс учун — 5 соат; очиқ, муаммоли, интеграциялашган маъруза учун бир ўқув йилида кўпи билан — 30 соат. Мастер-класс: таълим муассасаси миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан — 30 соат; республика миқёсида ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан — 40 соат; халқаро миқёсда ўтказилганда, бир ўқув йилида кўпи билан — 60 соат.	Таълим муассасаларида ўтказилган очиқ, муаммоли, интеграциялашган маъруза ва мастер-класслар тегишли режалар ва уларнинг ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (кафедра баённомаси) асосида аниқланади.
9.	Педагогик (малакавий) амалиёт ва стажировкага раҳбарлик, ҳисоботларни қабул қилиш ва баҳолаш.	Ҳар бир тингловчи учун — 0,5 соат, (1 иш кунидан — 6 соатдан ошмаслиги лозим).	Таълим муассасасининг амалиёт ёки стажировка ўташ бўйича буйруғи, тингловчининг амалиёт кундалиги (индивидуал режаси) ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли қайдномалар асосида аниқланади.

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
10.	Қайта тайёрлаш, махсус курс ва малака ошириш курси ўқув режасидаги модулларнинг ўқув-услубий мажмуасини яратиш ва янгилаш.	Модул бўйича ўқув-услубий мажмуа яратишга бир босма табоқ учун — 3 соат. Ўқув-услубий мажмуани янгилашга (қайта ишлашга) бир босма табоқ учун — 1,5 соат.	Таълим муассасаси Илмий-методик кенгаши қарори асосида аниқланади.
11.	Қайта тайёрлаш, махсус курс ва малака ошириш йўналишлари модуллари доирасида услубий қўлланма, кўрсатмалар ёзиш ва нашр этиш.	Услубий қўлланма, кўрсатмалар тайёрлашга бир босма табоқ учун — 30 соат.	Таълим муассасаси Илмий-методик кенгаши қарори билан нашр этишга тавсия этилган услубий қўлланма ва кўрсатмалар асосида аниқланади.
2. Ўқув-услубий ишлар			
12.	Дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш, нашрга тайёрлаш.	Дарсликнинг бир босма табоғи учун — 50 соат. Ўқув қўлланманинг бир босма табоғи учун — 40 соат.	Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан нашр этишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланма асосида аниқланади.
13.	Қайта тайёрлаш, махсус курс ва малака ошириш курси тингловчилари билимининг рейтинг назорати учун тест саволлари, ижодий топшириқларни ишлаб чиқиш.	Ҳар бир модул бўйича тест саволларини ишлаб чиқиш учун — 15 соат; Ҳар бир модул бўйича ижодий топшириқларни ишлаб чиқиш учун — 15 соат; Ҳар бир модул бўйича тест саволлари ва ижодий топшириқларни такомиллаштириш учун — 5 соат.	Таълим муассасаси Илмий-методик кенгаши қарори асосида.
14.	Қайта тайёрлаш, махсус курс ва малака ошириш йўналишлари учун таълим соҳалари бўйича малака талаблари, намунавий ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.	Бир қайта тайёрлаш, махсус курс ва малака ошириш йўналишлари ўқув дастури ишлаб чиқиш учун — 100 соат;	Жорий ўқув йили учун тасдиқланган малака талаби, ўқув режа ва дастурлар асосида аниқланади.

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
15.	Қайта тайёрлаш, махсус курс ва малака ошириш йўналишлари ўқув дастури ва модуллар бўйича ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.	Ишлаб чиқилган битта малака талаблари, ишчи ўқув дастурига — 20 соат; Бир модул бўйича ишчи ўқув дастурини такомиллаштириш учун — 20 соат.	Марказ директори томонидан тасдиқланган ишчи ўқув дастури асосида аниқланади.
16.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари модуллари бўйича электрон дарсликларни яратиш.	Бир модул бўйича яратилган электрон дарсликка — 60 соат.	Электрон дарсликларнинг мавжудлиги, жорий ўқув йилида яратилганлиги таълим муассасаси Илмий-методик кенгаши қарори асосида аниқланади.
17.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги хорижий адабиётларни таржима қилиш.	Таржима қилинган ўқув-услубий қўлланма ва бошқа материалларга бир босма табоқ учун — 20 соат.	Таълим муассасаси Илмий-методик кенгашининг қарори асосида аниқланади.
3. Илмий-тадқиқот ишлари			
18.	Илмий мақола, тезислар нашр этиш.	Битта мақола ёки тезис учун: халқаро миқёсда — 70 соат; республика миқёсида — 50 соат; вилоят миқёсида — 10 соат; туман (шаҳар) миқёсида — 5 соат. Жами соатлар ҳаммуаллифлар улушига асосан тақсимланади. Даврий тўпламларда нашр этилган илмий мақолалар республика миқёсидаги мақолаларга тенглаштирилади.	Жорий ўқув йилида нашр этилган ишларнинг асли ёки нусхаси асосида.
19.	Ўқув-методик материалларга (дарслик, ўқув-услубий қўлланма, кўрсатма) тақриз бериш.	Бир дарслик, ўқув қўлланма, электрон дарсликка тақриз бериш учун — 20 соат; бир методик қўлланмага тақриз бериш учун — 10 соат;	Берилган тақриз нусхаси асосида.

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
		услубий ишланмага тақриз бериш учун — 5 соат; ўқув амалиётлари учун назорат саволлари ёки топшириқлар тўпламига тақриз беришга — 4 соат.	
20.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари бўйича ихтиро (патент) яратиш, рационализаторлик ишлари.	Бир патент учун — 70 соат. Бир дастурий восита учун — 30 соат.	Тасдиқланганлигини асословчи ҳужжатлар асосида аниқланади.
4. Ташкилий ишлар			
21.	Ўзаро дарсларга кириш ва ёзма расмийлаштирган ҳолда таҳлил қилиш	Бир академик соат учун — 1 соат.	Кафедранинг ўзаро дарсларга кириш жадвали ва дарс таҳлили асосида аниқланади.
22.	Педагогик кенгаш ёки кафедра йиғилишида котиб вазифасини бажариш.	Педагогик кенгашнинг бир йиғилишидаги котиблиги учун — 6 соат; кафедранинг бир йиғилишидаги котиблиги учун — 3 соат.	Таълим муассасаси Илмий-методик кенгаши ёки кафедранинг йиғилиш баённомаси асосида.
23.	Қайта тайёрлаш, махсус курс ва малака ошириш курси ўқув (назарий, амалий, семинар ва лаборатория) машғулотларига тайёргарлик кўриш.	Ҳар бир ўқув (назарий (маъруза), амалий, семинар, лаборатория) машғулотига учун — 2 соат.	Тасдиқланган материаллар асосида аниқланади.
5. Маънавий-маърифий ишлар			
24.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси гуруҳига раҳбарлик қилиш.	Бир гуруҳга раҳбарлик қилиш — 10 соат (бир ўқув йилида 100 соатгача).	Марказ раҳбарининг буйруғи асосида аниқланади.
25.	Дарсдан ташқари вақтда тингловчилар билан тадбирлар (спорт мусобақалари, байрам тадбирларида иштироки, экскурсиялар) ўтказиш.	Бир тадбир учун — 8 соат.	Тадбир ўтказилганлиги тўғрисидаги баённома асосида аниқланади.
26.	Давлат арбоблари, машҳур (нуфузли мусобақалар ғолиб ва совриндорлари) спортчи-	Битта семинар, давра суҳбатлари ва учрашувлар учун — 8 соат.	Тадбир ўтказилганлиги тўғрисидаги баённома асосида аниқланади.

Т/р	Иш турлари	Иш турлари учун ажратилган вақт меъёри	Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш
	лар билан семинар, давра суҳбатлари ва учрашувларни ташкил этиш.		
27.	Оммавий ахборот воситаларида чиқиш.	Оммавий ахборот воситаларида бир чиқиш учун — 6 соат	Маърузалар ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилганлигини тасдиқловчи маълумотлар (маълумотлар, видео тасвирлар) асосида аниқланади.

Изоҳ:

профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари мазкур педагогик юкламалароралиғи ҳажми асосида тузилади.

профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари кафедра мудир томонидан тузилади ҳамда тегишли директор ўринбосари билан келишган ҳолда директор томонидан тасдиқланади.

профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларига кафедра йинилиши иштирокчиларининг таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ва унинг филиаллари Илмий-методик кенгашининг қарорига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

профессор-ўқитувчиларнинг йиллик педагогик юкламалар ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

мазкур педагогик юкламалар ҳажми Марказ ва филиаллари профессор-ўқитувчиларининг шахсий йиллик иш режаларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида бажарилган ишлар ҳажмини аниқлаш учун асос ҳисобланади.

Мазкур Педагогик юкламалар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2018 йил 23 ноябрь

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи*

У. ТАШКЕНБАЕВ

2018 йил 23 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1012 Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2908-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ–3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 25 июлдаги 97-сон буйруғи (рўйхат рақами 2908, 2017 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 765-модда) билан тасдиқланган Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 декабрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 декабрь,
55-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил
7 декабрдаги 55-сон буйруғига
ИЛОВА

Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига киритилаётган қўшимчалар

1. Асосий тиббий ихтисослик турлари бўлими қуйидаги мазмундаги позициялар билан тўлдирилсин:

Халқ таоботи йўналиши	
46.	Халқ таоботи

2. Тор ихтисосликлар турлари бўлими:

а) Даволаш иши ва тиббий педагогика иши йўналишлари боби қуйидаги мазмундаги позициялар билан тўлдирилсин:

47 ¹ .	Суд-психологик экспертизаси
47 ² .	Ижтимоий тиббиёт

б) Қуйидаги мазмундаги позициялар билан тўлдирилсин:

Халқ таоботи йўналиши	
116.	Инвазив (тери бутунлигининг бузилиши);
117.	Ноинвазив;
118.	Биологик инвазив;
119.	Парҳез ва ўсимлик воситаларини қўллаш;

3. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2018 йил 6 декабрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 6 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1013 «Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштири-
ладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқ-
лаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»-
ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–497-сон «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 25 майдаги 111-мх-сон «Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2231, 2011 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 218-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» —

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 28 декабрда эълон қилинган.

«Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 январдан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 декабрь,
580-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги
580-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган
васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқнинг номи ва 1-банддаги «васиятномалар ва ишончномаларни» деган сўзлар «васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Йўриқномада:

а) номидаги «васиятномалар ва ишончномаларни» деган сўзлар «васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш тартибини белгилайди.»;

в) 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ариза — фуқаронинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ёки улардан воз кечиш ҳақидаги истаги баён этилган ҳужжат»;

г) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг» деган сўзлар «Қонуннинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «васиятномалари ва ишончномалари,» деган сўзлар «васиятномалари, ишончномалари ва аризалари,» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «васиятномалари ва ишончномалари,» деган сўзлар «васиятномалари, ишончномалари ва аризалари,» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «васиятнома ва ишончномаларни» деган сўзлар «васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 3-банддаги «васиятномалар ва ишончномаларни» деган сўзлар «васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 4-банднинг учинчи хатбошидаги «тергов органларининг» деган сўзлар «суриштирув ва тергов органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 5-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Мансабдор шахс васият қилувчига, ишонч билдирувчига ёки ариза берувчига ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қўмаклашади. Шу мақсадда:

васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни расмийлаштиришдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни уларга тушунтиради;

васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш муносабати билан вужудга келадиган оқибатлар тўғрисида огоҳлантиради;

фуқароларнинг илтимосига кўра зарур ҳолларда васиятномалар, ишончномалар ва аризалар лойиҳаларини тузади;

васиятномалар ва ишончномаларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тартибини тушунтиради.»;

з) II-бобнинг номидаги «Васиятномалар ва ишончномаларни» деган сўзлар «Васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 6-банддаги «васиятномалари ва ишончномаларини» деган сўзлар «васиятномалари, ишончномалари ва аризаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 7 ва 8-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлашда мансабдор шахс мурожаат қилувчиларнинг шахсини, шунингдек фуқароларнинг муомала лаёқатини аниқлайди.

Мансабдор шахс мурожаат қилувчиларнинг шахсини куйидаги ҳужжатларга асосан аниқлайди:

Ўзбекистон фуқароларининг шахси — миллий паспорт;

ҳарбий хизматчиларнинг шахси — ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

чет эл фуқаролари шахси — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ички ишлар органларининг доимий ёки вақтинчалик прописка жойи ҳақида белги қўйилган чет эл фуқаросининг миллий паспорти;

фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахси — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Мансабдор шахсда мурожаат қилувчининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб ёхуд спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни истеъмол қилиши оқибатида ўз оиласини офир моддий аҳволга солиб қўяди деб ҳисоблаш учун асоси бўлса-да, (шубҳа туғдирса-да), аммо шу фуқаронинг муомаллага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмаса, у васиятномани, ишончномани ёки аризани тасдиқлашни кечиктиради ва суднинг шу фуқарони муомаллага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топганлиги тўғрисидаги қарори бор-йўқлигини аниқлайди. Агар мазкур фуқаро суд томонидан муомаллага лаёқатсиз деб топилган бўлса, мансабдор шахс нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади. Агар мансабдор шахснинг ушбу ҳаракатидан мурожаат қилувчи норози бўлса, мансабдор шахс унинг устидан шикоят қилиниши мумкинлигини тушунтиради.

Агар мазкур фуқаро суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса, мансабдор шахс нотариал ҳаракатни амалга оширишда муомала лаёқати чекланган шахс ҳомийсининг розилигини талаб этади.

8. Васиятнома, ишончнома ёки аризани тасдиқлашдан олдин мансабдор шахс ҳужжат лойиҳасини овоз чиқариб ўқиб беради ёхуд мурожаат қилувчининг ўзи уни ўқиб чиқади. Агар васият қилувчи ёки ишонч билдирувчи ҳужжат лойиҳасининг матнига рози бўлса, у мансабдор шахс иштирокида уни имзолайди.»;

л) 9-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Агар мурожаат қилувчи жисмоний нуқсонли, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра васиятномани, ишончномани ёки аризани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг топширигига кўра унинг ўзи ва мансабдор шахс ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда васиятнома ёки ишончномани тасдиқлашни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувида кўрсатилиши ҳамда ҳужжатларни имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видео қайд этилиши лозим.»;

саққизинчи хатбошидаги «ишонч билдирувчининг» деган сўзлардан сўнг «ёки ариза берувчининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

м) 10-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Васиятномалар, ишончномалар ва аризаларнинг матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши лозим, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан ёзилиши лозим.»;

н) 11-банддаги «Васиятнома ёки ишончнома» деган сўзлар «Васиятнома, ишончнома ёки ариза» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 13-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалар, ишончномалар ва аризалар мазкур Ўйриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилаётган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни рўйхатга олиш китобида қайд этилади. Ҳуж-

жат қайд этилган тартиб рақами тегишли ҳужжатнинг барча нусхаларидаги тасдиқловчи ёзувга қўйилади.»;

п) қуйидаги мазмундаги 14¹-банд билан тўлдирилсин:

«14¹. Мансабдор шахслар васиятномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш учун асос бўладиган ҳужжатнинг биттадан нусхасини кечиктирмай нотариал идорага бериши шарт.»;

р) 19-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Васиятномаларни имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видео қайд этилиши лозим.»;

с) 29-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ ишончномаларнинг биттадан нусхасини Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ нотариал идорага сақлаш учун кечиктирмай юбориши шарт.».

т) 30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Мансабдор шахс васиятнома, ишончнома ва аризаларни тасдиқлашни рад этишда Қонуннинг 38-моддаси асосида унинг сабабларини ёзма равишда баён этади. Мансабдор шахс томонидан васиятнома, ишончнома ва аризаларни тасдиқлашни рад этиш мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига мувофиқ шаклда амалга оширилади.»;

у) 31-банддаги «васиятнома ва ишончномаларни» деган сўзлар «васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ф) 1-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган
васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга
тенглаштириладиган васиятномалар, ишончномалар ва
аризаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

**Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар,
ишончномалар ва аризаларни рўйхатга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Ҳужжат тури (васиятнома, ишончнома ёки ариза)	Тасдиқлаш санаси	Мурожаат қилувчининг Ф.И.О. ва яшаш жойи	Ҳужжатнинг қисқача мазмуни	Ҳужжатнинг олинганлиги ҳақида имзо	Ҳужжатнинг қайси давлат нотариал идорасига жўнатилганлиги ҳақида белги
1	2	3	4	5	6	7

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1014** **Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқнома-
га ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 313-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПФ–5400-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизими-ни тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3654-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири томонидан 1997 йил 14 февралда тасдиқланган Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 313, 1997 йил 12 март) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. КАМИЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 ноябрь,
37-сон

Ўзбекистон Республикаси
ташқи ишлар вазирининг 2018 йил
27 ноябрдаги 37-сон буйруғига
ИЛОВА

**Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бобда:

2-банднинг «б» кичик бандидаги «Консуллик бошқармаси» деган сўзлар «Консуллик-ҳуқуқий департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-банддаги «Консуллик бошқармаси» деган сўзлар «Консуллик-ҳуқуқий департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 декабрда эълон қилинган.

2. 3-бобда:

1, 2, 4 ва 6-бандлардаги «Консуллик бошқармаси» деган сўзлар «Консуллик-ҳуқуқий департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3 ва 5-бандлардаги «Консуллик бошқармасида» деган сўзлар «Консуллик-ҳуқуқий департаментида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

1015 Халқ таоботи усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3111*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ–3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ таоботи соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **бююраман:**

1. Халқ таоботи усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Вазирнинг
биринчи ўринбосари**

Б. ЮСУПАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 27 ноябрь,
54-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил
27 ноябрдаги 54-сон буйруғига
ИЛОВА

Халқ таоботи усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ–3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ таоботи соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ халқ таоботининг самарали ва хавфсиз усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш тартиби ва ҳажмларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Халқ таоботи — аждодлар тажрибасига таянган, халқ урф-одатларида ўз тасдиғини топган анъанавий (маълум бир ҳудуд ёки миллатга хос бўлган профилактика, диагностика ва даволаш усуллари) тиббиётнинг тан олинган профилактика, диагностика ва даволаш усуллари;

Кўшимча тиббиёт (Комплементар тиббиёт) — халқ таоботининг соғлиқни сақлаш амалиётида замонавий тиббиёт билан биргаликда қўлланиладиган умум эътироф этилган усуллари;

Замонавий тиббиёт — илмий асосланган ва клиник амалиётда ўз тасдиғини топган усул ва ёндашувлар билан касалликларни профилактика, диагностика қилиш ва даволашга қаратилган расмий илмий билимлар ва амалий фаолиятлар тизими.

2. Оккультизм-афсун, шунингдек диний маросимлар орқали касалликларни даволаш халқ таоботи ҳисобланмайди.

3. Халқ таоботи усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шуғулланишни лицензиялаш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ–3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ таоботи соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тиббий таълим маълумоти мавжудлиги талаби бундан мустасно.

2-боб. Халқ таоботи усулларини қўллаш орқали тиббий хизматлар кўрсатиш ва уларнинг ҳажмлари

4. Халқ таоботининг қуйидаги йўналишлари бўйича бир ёки бир неча усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шуғулланиш мумкин:

инвазив (тери бутунлигининг бузилиши);
ноинвазив;

биологик инвазив;

пархез ва ўсимлик воситаларини қўллаш;

5. Инвазив (тери бутунлигининг бузилиши) йўналишда қуйидаги усуллар қўлланилади:

акупунктура;

су-джок терапия;

хижома.

6. Ноинвазив йўналишда қуйидаги усуллар қўлланилади:

мануал терапия;

акупрессура.

7. Биологик инвазив йўналишда қуйидаги усуллар қўлланилади:

гомеопатия;

гирудотерапия;

апитерапия.

8. Пархез ва ўсимлик воситаларини қўллаш йўналишида қуйидаги усуллар қўлланилади:

фитотерапия;

очлик билан даволаш.

9. Халқ таоботи усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шуғулланиш Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатураси (рўйхат рақами 2908, 2017 йил 28 июль) асосида халқ таоботи шифокори ва халқ таоботи бўйича мутахассис томонидан амалга оширилади.

10. Халқ таоботи усулларини қўллаш орқали кўрсатиладиган тиббий хизматлар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда қўшимча (комплементар) усул сифатида маслаҳатлар бериш, диагностика қилиш ва даволаш шаклида тиббий аралашувлар мажмуи ҳисобланади ва амбулатория ва стационар турдаги тиббий ташкилотларда амалга оширилади.

11. Халқ таоботи усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш барча тиббиёт ташкилотларида (давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларида) замонавий тиббиёт билан ўзаро комплементар ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

12. Халқ таоботи усулларини қўллаш орқали тиббий хизмат кўрсатиш билан халқ таоботи бўйича ихтисослашувдан ўтган ёки тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат берилган халқ таоботи усуллари бўйича махсус курсларни тугатган шифокорлар (бундан кейин — халқ таоботи шифокори) ҳамда одам анатомияси, физиологияси, фармакология, лаборатория ва инструментал диагностика, шунингдек, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг амалий кўникмалари бўйича махсус ўқув курсини тугатган шахслар (бундан буён матнда халқ таоботи мутахассиси деб юритилади) шуғулланишлари мумкин.

13. Халқ таоботи усуллари билан даволашнинг мақсадга мувофиқлигини белгилашда халқ таоботи мутахассисининг тегишли шифокор билан маслаҳат қилиши мажбурий шарт ҳисобланади.

14. Тиббиёт ташкилотларида беморларни халқ табобати мутахассислари томонидан қабул қилиш, бемор шифокор кўригидан ўтгандан сўнг амалга оширилади.

15. Болалар ва ҳомиладор аёлларга педиатр, умумий амалиёт ёки гинеколог шифокорнинг ҳулосаси мавжуд бўлганда халқ табобати усулларини қўллаш орқали тиббий хизмат кўрсатишга рухсат этилади.

16. Шифокор беморни ўтказилган тиббий кўрик ва текширувлардан кейин унинг амбулатор картасига ёки касаллик тарихига, шунингдек, беморнинг кўлига бериладиган тиббий консултатив картасига ташхис ва тавсиялари ҳақида тегишли ёзув киритади. Бунда, шифокор беморга халқ табобати усулларини қўллаш бўйича кўрсатма ёки қарши кўрсатма тўғрисида ёзув киритиши шарт.

17. Халқ табобати усулларини қўллашга қарши кўрсатмалар мавжуд бўлган тақдирда, шифокор беморнинг амбулатор картаси ёки касаллик тарихига ушбу усулларни қўллаш оқибатида бўлиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида унга маълумотлар беради. Бунда бемор шифокор томонидан берилган тегишли маълумотлар билан таништирилганлиги тўғрисида тиббий ҳужжатларга тегишли ёзув киритади ва имзо қўяди.

18. Халқ табобати мутахассиси беморга қўлланилган халқ табобати усули ва ўтказилган муолажалар ҳақидаги маълумотларни беморнинг амбулатор картаси ёки касаллик тарихига ёзиб қўйиши керак.

3-боб. Яқуний қоидалар

19. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

20. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 26 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ
СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1016 Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3112

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ–5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Халқ таълими вазирлиги **қарор қилади:**

1. Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи**

У. ТАШКЕНБАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 декабрь,
9-мх-сон

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 декабрь,
14-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим
сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
ва Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил
17 декабрдаги 9-мх ва 14-мх-сон қарорига
ИЛОВА

**Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Балл	Кўрсаткичлар учун балларни ҳисоблаш методикаси
1.	Битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича тайёргарлиги ва таълим сифати даражаси*	35	<p>Битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича тайёргарлиги ва таълим сифати даражаси кўрсаткичи қуйидаги формула орқали аниқланади:</p> $I_1 = 20 \cdot I_{1,1} + 15 \cdot I_{1,2};$ <p>бунда</p> $I_{1,1} = \frac{P_{1,1}}{P_{11}}$ <p>— битирувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича тайёргарлик даражаси кўрсаткичи;</p> $I_{1,2} = \frac{P_{1,2}}{P_{11}}$ <p>— битирувчиларнинг таълим сифати даражаси кўрсаткичи;</p> <p>$P_{1,1}$ — сўнги ўқув йили якунида олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонларида битирувчилар томонидан тўпланган баллар йиғиндиси;</p> <p>$P_{1,2}$ — сўнги ўқув йили якунида олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинган битирувчилар сони;</p> <p>P_{11} — умумтаълим муассасасидаги 11-синф битирувчиларининг умумий сони.</p>
	а) Битирувчиларнинг таълим тайёргарлик даражаси (11-синф битирувчилари томонидан олий таълим муассасаларига киришда тўпланган баллар асосида)	20	
	б) Битирувчиларнинг таълим сифати даражаси (11-синф битирувчилари орасидан олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлар салмоғи асосида)	15	
2.	Умумтаълим муассасаси 9-синф ўқувчиларининг билим даражаси кўрсаткичи** (назорат ишлари асосида)	25	<p>Умумтаълим муассасаси 9-синф ўқувчилари билим даражаси кўрсаткичи қуйидаги формула орқали аниқланади:</p> $I_2 = \frac{25 \cdot P_2}{P_9};$ <p>бунда,</p> <p>P_2 — назорат ишида иштирок этган 9-синф ўқувчиларининг умумий тўплаган бали;</p> <p>P_9 — назорат ишида иштирок этган 9-синф ўқувчиларининг умумий сони.</p>
3.	Умумтаълим муассасасининг олий ва биринчи тоифали педагог ходимлари улуши*** (олий ва биринчи малака тоифали педагог ходимлар сонини аниқлаш асосида)	20	<p>Умумтаълим муассасасининг олий ва биринчи тоифали педагог ходимлари улуши кўрсаткичи қуйидаги формула орқали аниқланади:</p> $I_3 = \frac{20 \cdot P_3}{P};$ <p>бунда,</p> <p>P_3 — умумтаълим муассасасидаги олий ва биринчи тоифали педагог ходимлар сони;</p> <p>P — умумтаълим муассасасидаги педагог ходимларнинг умумий сони.</p>

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Балл	Кўрсаткичлар учун балларни ҳисоблаш методикаси
4.	Ижтимоий сўровнома натижалари***	20	Умумтаълим муассасасининг ўқувчилари ва педагогик жамоаси ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари кўрсаткичи куйидаги формула орқали аниқланади: $I_4 = 10 \cdot I_{4.1} + 10 \cdot I_{4.2};$ бунда, $I_{4.1} = \frac{P_{4.1}}{P_p}$ — педагог ва раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи; $I_{4.2} = \frac{P_{4.2}}{P_n}$ — умумтаълим муассасасида педагог ходимлар учун яратилган шароитлар ва ўқитиш муҳитининг ҳолати кўрсаткичи; $P_{4.1}$ — ўқувчилар томонидан берилган ижобий жавоблар сони; P_y — ижтимоий сўровномада иштирок этган ўқувчилар сони; $P_{4.2}$ — педагог ходимлар томонидан берилган ижобий жавоблар сони; P_n — ижтимоий сўровномада иштирок этган педагог ходимлар сони.
	а) Педагог ва раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлиги (ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган ижтимоий сўровнома асосида)	10	
	б) Умумтаълим муассасасида педагог ходимлар учун яратилган шароитлар ва ўқитиш муҳити ҳолати (педагогик жамоа орасида ўтказиладиган ижтимоий сўровнома асосида)	10	
	Умумий балл	100	

Изоҳ:

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан буйён матнда Давлат инспекцияси деб юритилади) ҳар йили 31 декабрга қадар 11-синфни битириб, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонларида қатнашган ўқувчилар сони ва улар тўплаган баллар йиғиндиси ҳамда талабалikka қабул қилинганлар сони ҳақидаги маълумотларни туманлар (шаҳарлар) ва умумтаълим муассасалари кесимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан ва Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган хорижий олий ўқув юртларининг филиалларидан сўров асосида олади;

** Умумтаълим муассасаси 9-синф ўқувчиларининг билим даражаси Давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтказиладиган назорат ишлари орқали аниқланади;

*** Умумтаълим муассасасидаги олий ва биринчи малака тоифали педагог ходимлар сони тегишилликка кўра тасарруфида умумтаълим муассасаси бўлган вазирлик ва идора ёки уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Давлат инспекциясига тақдим этилади;

**** Умумтаълим муассасасининг раҳбар ва педагог ходимлари фаолияти ҳамда педагог ходимлар учун яратилган шароитлар ва у ердаги ўқитиш муҳитининг ҳолати Давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўқувчилар ва педагог ходимлар ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш орқали аниқланади.

Умумтаълим муассасаларининг рейтингини аниқлашга оид маълумотлар

базасини шакллантириш, назорат ишлари ва ижтимоий сўровномаларни ўтказиш масалалари мазкур Баҳолаш мезонларига иловага мувофиқ Умумтаълим муассасаларининг рейтингини аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда рейтинг балларини ҳисоблаш методикаси асосида амалга оширилади.

Мазкур Баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори*

М. КАРИМОВ

2018 йил 17 декабрь

Умумтаълим муассасаларининг фаолияти
самарадорлигини баҳолаш мезонларига
ИЛОВА

**Умумтаълим муассасаларининг рейтингини аниқлашга
оид маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда
рейтинг балларини ҳисоблаш
МЕТОДИКАСИ**

Мазкур Методика умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича рейтингини (бундан буён матнда рейтинг деб юритилади) тузишда умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари учун асос ҳисобланадиган зарур маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда назорат ишлари ва ижтимоий сўровномалар ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан буён матнда Давлат инспекцияси деб юритилади) томонидан рейтинг туманлар (шаҳарлар) кесимида танлаш асосида ҳар йили тузилади.

2. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда назорат ишлари ва ижтимоий сўровномалар ўтказиш ўқув йили давомида амалга оширилади.

**2-боб. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини
шакллантириш**

3. Умумтаълим муассасалари рейтингини тузиш мақсадида ҳар йили 10 январга қадар Давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи асосида рей-

тингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш, умумтаълим муассасаларида назорат ишлари ва ижтимоий сўровномаларни ўтказиш бўйича комиссия (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) тузилади. Комиссия таркибига келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг вакиллари киритилиши мумкин.

Давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда ҳар йили 20 январгача Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Давлат инспекциясининг ҳудудий бўлимлари ва тасарруфида умумтаълим муассасаси бўлган вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари (бундан буён матнда ҳудудий бўлинмалар деб юритилади) ходимларидан иборат тегишли ҳудуддаги умумтаълим муассасалари рейтингини аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш, умумтаълим муассасаларида назорат ишлари ва ижтимоий сўровномаларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар (бундан буён матнда ишчи гуруҳлар деб юритилади) тузилади.

4. Рейтингда қатнашадиган туманлар (шаҳарлар) ва умумтаълим муассасалари рўйхати комиссия томонидан белгиланади ҳамда ҳар йили 1 февралгача Давлат инспекциясининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

5. Давлат инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш бўйича жадваллар ҳар йили 1 мартга қадар ишчи гуруҳлар орқали ҳудудий бўлинмаларга етказилади.

6. Ҳудудий бўлинмалар томонидан рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш бўйича жадвалларга тегишли маълумотлар киритилиб, мазкур маълумотлар асослантирувчи ҳужжатлари билан биргаликда ҳар йили 1 июнга қадар ишчи гуруҳларга тақдим этилади. Маълумотларнинг ишчи гуруҳларга белгиланган муддатдан кечикмай, сифатли ва тўғри тақдим этилиши учун ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш жараёнида ҳудудий бўлинмалар томонидан тақдим этилган маълумотлар ва уларнинг асослантирувчи ҳужжатлари ишчи гуруҳлар томонидан қўшимча ўрганилиши мумкин.

Асослантирувчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, шунингдек, ёлғон ёки нотўғри маълумотлар рейтингни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

8. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар ва уларнинг асослантирувчи ҳужжатлари ишчи гуруҳлар томонидан Давлат инспекциясига ҳар йили 15 июнгача тақдим этилади.

3-боб. Рейтингни аниқлашга оид назорат ишлари ва ижтимоий сўровномалар ўтказиш

9. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш жараёнида ишчи гуруҳлар томонидан ҳар йили март-май ойларида умумтаълим муассасалари 9-синф ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича би-

лим даражасини аниқлаш мақсадида ёзма иш ёки тест синовларидан иборат назорат ишлари ўтказилади.

10. Назорат ишлари ўтказиладиган фанлар ва саволлар миқдори комиссия томонидан белгиланади.

11. Назорат ишлари ўтказиш учун ишчи гуруҳлар томонидан камида битта синф қуръа ташлаш орқали аниқлаб олинади.

12. Назорат ишлари бошланишидан олдин битирувчи синфлар ўқувчилари ва педагогик жамоа билан ижтимоий сўровнома ўтказилади. Бунда педагог ва раҳбар ходимлар фаолияти, таълим муассасасидаги ижтимоий-маънавий муҳит ва педагог ходимларнинг дарс бериш маҳорати ҳақида ўқувчилар фикри, шунингдек, умумтаълим муассасасида педагог ходимлар учун яратилган шароитлар ва ўқитиш муҳитининг ҳолати ҳақида педагог ходимлар фикри ўрганилади.

Ижтимоий сўровнома саволлари халқ таълими тизимидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда Давлат инспекцияси томонидан тузилади.

13. Педагогик жамоа билан ўтказиладиган сўровномада умумтаълим муассасасининг барча педагог ходимлари қатнашадилар.

4-боб. Рейтинг балларини ҳисоблаш методикаси

14. Рейтингни аниқлаш қуйидаги ҳисоблаш методикаси асосида амалга оширилади:

тегишли формула асосида рейтингда иштирок этаётган барча умумтаълим муассасаларининг баллари ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида ҳисобланади;

тегишли кўрсаткич бўйича энг катта натижага эга бўлган умумтаълим муассасасига мазкур кўрсаткич учун белгиланган энг юқори балл берилади;

қолган барча умумтаълим муассасаларининг баллари энг юқори баллга эга бўлган умумтаълим муассасасининг балига нисбатан ҳисоблаб чиқарилади;

ҳар бир кўрсаткич бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси асосида умумтаълим муассасасининг рейтинги белгиланади.

5-боб. Якуний қоидалар

15. Рейтинг натижалари оммавий ахборот воситаларида ва Давлат инспекциясининг веб-сайтида кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай жойлаштирилади.

16. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар Давлат инспекциясида беш йил давомида сақланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**1017 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1654-2

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 29 декабрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/1, 2-сон «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1654, 2007 йил 15 январь) ва 2016 йил 28 декабрдаги 6, 43-сон «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 12-бандига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1654-1, 2017 йил 5 январь) қарорларини Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш масаласи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 28 декабрдаги 33/01-01/3702-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/1, 2-сон «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1654, 2007 йил 15 январь) ва 2016 йил 28 декабрдаги 6, 43-сон «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 12-бандига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1654-1, 2017 йил 5 январь) қарорлари давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 декабрда эълон қилинган.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 декабрь,
584-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 22 декабрдан 31 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 7 декабрдаги 2018-81-сон «Акцизли товарларнинг айрим турларини сотиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумот шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 24 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2074-1.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 13 ноябрдаги 143-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (5-сонли БҲС) «Қишлоқ хўжалиги»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3106.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 567-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-6.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 568-мх-сон «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-9.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 569-мх-сон «Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2170-3.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 27 октябрдаги 34/5-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-4.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 10 декабрдаги 10/ққ, 29-ққ, 148-сон «Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2790-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/20-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-1.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/2-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 24 декабрдаги 158, 2018-85-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3107.

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 25 декабрдаги 159-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-1.

12. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 23 ноябрдаги 24-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108.

13. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 55-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2908-1.

14. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 580-мх-сон «Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231-1.

15. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 37-сон «Консуллик легаллаштириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 313-2.

16. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 54-сон «Халқ таълим ва ҳажмлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3111.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 17 декабрдаги 9-мх, 14-мх-сон «Умумтаълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3112.

18. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 29 декабрдаги 584-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1654-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича

суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1654, 2007 йил 15 январь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1654-1, 2017 йил 5 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 29 декабрдаги 584-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Ўз кучини йўқотган деб топилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлигининг 2018 йил 14 декабрдаги 83, 60, 10-сон «Транспорт воситаларини бошқараётган шахсларни мастлик ҳолатини аниқлаш учун медицина текширувига йўллаш ҳамда алкоғолли ёки таркибида алкоғоль бўлган ичимликларни, гиёҳванд ёки бошқа гангитувчи моддаларни истеъмол қилганлик ҳолларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.